

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI SAMARQAND DAVLAT
ARXITEKTURA VA QURILISH INSTITUTI**

**ME'MORCHILIK va QURILISH
MUAMMOLARI**
(ilmiy-texnik jurnal)

ПРОБЛЕМЫ АРХИТЕКТУРЫ И СТРОИТЕЛЬСТВА
(научно-технический журнал)

2016, № 2
2000 yildan har 3 oyda bir marta chop etilmoqda

SAMARQAND



ME'MORCHILIK va QURILISH MUAMMOLARI

ПРОБЛЕМЫ АРХИТЕКТУРЫ И СТРОИТЕЛЬСТВА

(ilmiy-texnik jurnal)
(научно-технический журнал)

2016, № 2
2000 yildan har 3 oyda
bir marta chop etilmoqda

Журнал ОАК Хайъатининг қарорига биноан техника (қурилиш, механика ва машинасозлик соҳалари) фанлари ҳамда меъморчилик бўйича илмий мақолалар chop этилиши лозим бўлган илмий журналлар рўйхатига киритилган
(гувоҳнома №00757. 2000.31.01)

Журнал 2007 йил 18 январда Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида қайта рўйхатга олинди 09-34 рақамли гувоҳнома берилган

Бош муҳаррир - т.ф.н. доц. С.И. Аҳмедов
Масъул котиб – т.ф.н. доц. Т.Қ. Қосимов

Таҳририят хайъати: м.ф.д., проф. М.Қ. Аҳмедов; т.ф.д., проф. А. Абдусаттаров; ф.м.ф.д., проф. Ж.А. Акилов; т.ф.д., проф. С.М. Бобоев; т.ф.д., проф. К.Б. Ғаниев; т.ф.н., к.и.х. Э.Х. Исаков (бош муҳаррир ўринбосари); т.ф.д. К. Исмоилов; т.ф.н., доц. В.А. Кондратьев; т.ф.д. проф. С.Р. Раззоқов; УзР.ФА академиги, т.ф.д., проф. Т.Р. Рашидов; т.ф.д. З.С. Сирожиддинов; т.ф.д. У.А. Соатов; т.ф.д. проф. Х.Ш.Тўраев; м.ф.д., проф. А.С. Уралов; т.ф.н. доц. В.Ф. Усмонов.

Таҳририят манзили: 140147, Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси, 70.
Телефон: (8-366) 237-18-47, 237-14-77, факс (8-366) 237-19-53. ilmiy-jurnal@mail.ru

Муассис: Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Обуна индекси 5549

МЕЪМОРЧИЛИК, ШАҲАРСОЗЛИК ВА ДИЗАЙН АРХИТЕКТУРА, ГРАДОСТРОИТЕЛЬСТВО И ДИЗАЙН

УДК 725.8; 72.01.

ҚУЙИ АМУДАРЁ ҲАВЗАСИ ВА САРИҚАМИШ БЎЙИ САРҲАДЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ХАМДА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Сетмаматов М.Б. (арх.ф.н., доц. УрДУ).

В статье освещаются вопросы освоения человечеством зоны нижней Амударьи и при сарыкамышья, а также процессы возникновения в этой зоне культурно-хозяйственных центров и процессы их возрождения.

In paper development by mankind of a working area of the bottom Amu Darya is consecrated and at Sfriqamish, origination in this working area of the cultural-economic centres and processes of their revival.

Милоддан аввалги V-IV минг йилликларда Туямўйин атрофлари ва Сарикамиш бўйи сарҳадларида Амударё сув сатҳи кўтарилиши муносабати билан табиий равишда тўпланган сув ҳавзалари атрофида антропоген ландшафт таъсирида қулай географик муҳит ва қулай табиий шароит доимий сернам ва серунумли бўлмаганлиги натижасида митти-митти массивларнинг шаклланишига олиб келган [5]. (Сарикамиш ва Капарас воҳаси). Демак, милоддан аввалги V- минг йилликда Сарикамиш ҳавзасининг ғарбий ва жануби-ғарбий (Давдон ирмоғи ҳавзаси, Узбой атрофлари) сарҳадлари инсониятнинг келиб жойлашиб, хўжалик йўналишларни олиб бориши учун қулай шароитнинг мавжуд бўлиши билан бирга, ўсимлик ва ҳайвонот оламига ҳам бой бўлган [6].

Милоддан аввалги IV-III минг йилликларга келиб, Амударё суви сатҳининг кескин кўтарилиши муносабати билан Ёнбошқалъа тепалиги атрофларида, Туямўйин зонасида, Сарикамишбўйи ва Узбой атрофларида мавжуд бўлган сув ҳавзалари ёқаларида антропоген ландшафтли массивлар фаолияти давом этган [7].

Милоддан аввалги II-I минг йилликлар бошларига келиб, Давдон ва Дарёлик ирмоқлари фаолияти гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиб туриши давом этганлиги боис, Сарикамишбўйи ва Узбой сарҳадлари атрофларида мавжуд бўлган сув ҳавзалари соҳилида аввалги антропоген ландшафтли массивлар барҳам топган. Аксинча, Оқчадарё ҳавзаси ва Туямўйин зонаси атрофларида янги-янги сув ҳавзалари вужудга келган [8].

Милоддан аввалги IX-VIII асрларда Амударё сувини маълум даражада Довдон ва Дарёлик ирмоқлари камраб олганлиги муносабати билан Оқчадарё ирмоғида сувнинг гоҳ-гоҳда пайдо бўлиши натижасида бир-бирига зич жойлашган массивлар фаолияти барҳам топган бўлса, Сарикамиш ҳавзаси фаолияти тезлаша-

ди [9].

Янги Ўзбекистоннинг табиий географик ҳаритасида Хоразм воҳаси ҳаётбахш азим Амударё орқали ўнг ва чап соҳилга ажралган. Ўнг соҳил сарҳадларини Қизилқум тасвирлайди. Амударё Оқчадарё ирмоғи қизилқумни ғарбий ва шарқий қисмга ажратган. Сўл соҳили Қорақумга уланиб кетган. Воҳа худуди Питнак ва Орол денгизининг жанубий соҳили этакларигача етиб борган.

Географик тадқиқотлар натижаларига кўра, палеоген охирида Турон худудлари кўтарилади ва ювилиш босқичига ўтади. Неоген бошларида (25-10 млн. йиллар оралиғида) Орол бўйи ва Қизилқум пасттекислиги таркиб топган [1].

Буюк Татис денгизи регрессиясидан кейин Ўрта Осиёда палеогеологик ва палеогеографик ўзгаришлар содир бўлган. Бу ўзгаришлар ер геологиясининг бутун тўртламчи даврини камраб олган. Амударёнинг Довдон ва Дарёлик ўзанлари сувлари Қорақум марказидаги ботиқда тўплана бошлаганлиги сабабли вужудга келган доимий ҳаракатдаги сув ҳавзаси Сарикамишқўли атамаси сифатида тарихий-географик адабиётларда ўрин олишига замин бўлди. Милоддан аввалги VI-IV минг йилликларда Довдон, Дарёлик ва ундан ажралиб чиққан ирмоқлар сувининг тўхтовсиз келиб туриши натижасида Сарикамишбўйи сув сатҳи кўтарилиб унинг атрофларида кўпсонли сув ҳавзалари ҳамда ботқоқликлар ҳосил бўлган. Амударё ўнг соҳилидан ажралиб чиққан Оқчадарё ирмоғи учбурчак шаклида қумтепаликлар ўртасидаги кенг йўлак орқали шимол томон тик тарзда йўналган. Шу билан бирга Амударё ирмоқлари, Қипчоқдарё, Оқчадарё, Эркиндарё, Толдиқдарё, Қозоқдарё каби ирмоқлари сувлари Орол денгизига қуйилган.

Сирдарё ва унинг ирмоқлари (Жонадарё, Инкордарё, Қувондарё, Эски дарёлик) Орол

денгизига сувини олиб келиши муносабати билан Орол денгизининг шаклланиши яқун топган. Шу тариқа оролбўйи ҳавзаси шаклланган. Милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарига келганда, Амударё ва Сирдарёлар суви таркибидаги минерал ашёларнинг ёткизилиши натижасида Хоразм воҳаси шаклланган [2].

С.П.Толстов раҳбарлигида Хоразм экспедицияси ходимларининг Хоразмда олиб борган археологик изланишлари аждоқларимизнинг тарихий давр ва унинг босқичларида турар-жойлар қурилиши соҳасидаги бунёдкорлик фаолиятларини ёритиб берган [3].

Милоддан аввалги VI асрнинг охиридан бошлаб, Қорақум ундан кейин эса Амударё асосий сувини олган Давдон ирмоғи фаолияти натижасида Оқчадарё ирмоғи фаолияти яқун топиши билан пасттекислик қум барханлари ўртасида вужудга келган сув ҳавзалари ва кўпсонли қўллар соҳиллари ёқаларини қамраб олган антропоген ландшафтли массивлар ҳукмронлиги барҳам топган.

Р.Қурбонниёзов хулосасига кўра Қуйи Амударё ва унинг ҳудудий тизимини ҳосил қилган Сариқамишбўйи, Узбой ва Оролбўйи сарҳадлари юзасининг геологик жиҳатидан тузилиши тўрт типга ажралган. Қадимги кристалли жинслардан ташкил топган сарҳадлар (Юмуртоғ, Қубатоғ, Султон Увайс тоғи ва Оролбўйи ҳудудлари), Амударёнинг ўнг соҳилидаги бўр ётқизикларидан таркиб топган сарҳадларга: Туямўйин атрофларида палеоген даври жинсларидан иборат бўлган текисликлар, неоген жинсларидан иборат бўлган Зангузи Қорақум атрофлари кирган [4]. Географик маълумотларга кўра, Узбой ва Қуйи Амударё сарҳадлари Чинбой-Қўнғирот, Белтов ва Хоразм табиий –географик иқтисодий регионларга ажралган [4]. Албатта, мазкур табиий-географик зоналар географик хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади.

Геологик ва географик адабиётларда қайд қилинган тарихий маълумотларни асос қилган ҳолда, Унгизи Қорақумдан Орол денгизигача пасттекисликнинг табиий шароити, географик ҳолати ва антропоген ландшафтнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиш босқичларини ёритамиз.

Милоддан аввалги IV асрда Амударёнинг ўнг ва сўл соҳилига улашиб кетган сарҳадларда аҳоли томонидан йирик суғориш иншоотлари қурилиши, унинг бошланиши, ўртаси ва охирида шаҳарча ва шаҳарлар қад кўтарилиши муносабати билан маданий-хўжалик марказлар вужудга келган.

Милоддан аввалги VII- асрнинг иккинчи

ярми охири ва VI - асрларда Туямўйиннинг Тошсақа ҳудудида Амударёнинг Доадан ирмоғи ўрта қисми шимолий томонидан Кўзалиқир баландлиги атрофини қамраб олган маданий марказлар вужудга келган.

Милоддан аввалги IV- асрда Амударёнинг ўнг соҳили сарҳадларини урбанизация жараёни жадал суратда қамраб олиши кузатилади. Калтаминор канали фаолияти мавжудлиги боис, Динғилжа маданий-хўжалик маркази ва унинг массивлари фаолиятлари давом этган. Калтаминор каналидан жануби-шарқий томонга шохобча чиқарилиши натижасида, Динғилжа маркази таркибида навбатдаги микровоҳа вужудга келган (Эресқалъа қалъа). Мазкур суғориш иншоотидан ўнг томонга Ёнбошқалъа тепалиги сари кенлиги 15 м, соҳил кўтармаси 1,5 м кенлиги 15 м бўлган шохобча чиқариши муносабати билан, унинг соҳили атрофлари сарҳадларини қамраб олган маданий-хўжалик марказ вужудга келган. Калтаминор каналидан ғарбий томон шохобча чиқарилиб, унинг соҳилидаги шимолий қисми текислигида маданий-хўжалик маркази шаклланган (Бозорқалъа) [10].

Калтаминор каналининг ғарбий томонида Ёнбошқалъа тепалиги ён томонида аҳоли маскани бунёд қилинади, бу эса навбатдаги микровоҳани ҳосил қилади (Ёнбошқалъа). Калтаминор каналидан шимоли-ғарбий томон текисликка шохобча чиқарилиб, унинг соҳили атрофларини қамраб олган микровоҳа вужудга келган (Қўрғошинқалъа), Калтаминор каналнинг ўрта қисмидан жануби-ғарбий томондаги текисликка шохобча чиқарилгани боис, атрофларни қамраб олган микровоҳа таркиб топган (Қўйқирилганқалъа). Иккинчи йирик суғориш иншооти Тозабоғёб шимол томон йўналиши натижасида Бургутқалъа воҳасини икки қисмга ажратган. Тозабоғёб канали Катта ва Кичик Гульдурсун ўртасидан ўтиб, шимоли-ғарбий томонда жойлашган Қумбосганқалъа, Қирққизқалъа томон йўналган. Каналдан шимол томонга чиқарилган шохобча Султон Увайс тоғи тизимига кирган Аёзқалъа-1,2,3 ёдгорликлари ва унинг атрофларини сув билан таъминлаган.

Тозабоғёб магистрал каналидан қирғоқ кўтармаси 9,5 м, чуқурлиги 4м суғориш иншооти Норинжонбобо илк ўрта аср ёдгорлиги томон чиқарилган. Бургутқалъа воҳасида мавжуд бўлган суғориш иншоотлардан икки ён томонга шохобчалар чиқарилиши бир – бирдан ажралган бир неча маданий-хўжалик марказларининг шаклланишига олиб келган. Тозабоғёб магистрал каналидан шимоли-ғарбий томонга

чиқарилган Қирққизқалъа ва Тупроққалъа суғориш иншооти бир-биридан ажралиб чиққан жойда маданий-хўжалик маркази ташкил топган (Катта Гульдурсун). Тозабөгёб каналидан шохобча Қирққизқалъа томон шохобча чиқарилиши муносабати билан, унинг соҳили атрофларини қамраб олган микровоҳа пайдо бўлган (Қирққизқалъа). Амиробод шимол томонга йўналиши натижасида унинг адоғида маданий-хўжалик маркази вужудга келган (Думанқалъа). Амиробод каналидан шимоли-ғарбий томон канал чиқарилган, унинг соҳилидаги текисликни қамраб олган маданий-хўжалик маркази вужудга келган (Тупроққалъа Эллиққалъа). Тупроққалъа суғориш иншоотидан жануби-ғарбий томонга шохобча чиқарилиши боис, унинг соҳилига уланиб кетган пасттекиликда маданий-хўжалик маркази шакллланган (Ақшаҳонқалъа). Мазкур суғориш иншоотидан шимолий томонга навбатдаги шохобча чиқарилиши муносабати билан, унинг таркибида янги микровоҳа вужудга келган (Тошхирмонтепа).

Милодий I-IV асрларга келиб, Амударёнинг сўл соҳилидан Туямўйиндаги Тошсақа ва ўнг соҳилидаги Дингильжа, Бозорқалъа, Тошхирмон, Бургутқалъа, Катта Гульдурсин ва Кат сарҳадларида маданий-марказлар фаолияти давом этади. Тупроққалъа суғориш иншооти қисман фаолият олиб бориши натижасида Тупроққалъа марказида маданий-хўжалик ҳаёти қисман давом этган бир вақтда, Тупроққалъа суғориш иншоотидан шимоли-ғарбий томонга чиқарилган шохобча этагида микровоҳа шакллланган (Қизилқалъа). Калтаминор каналидан жануб томонга шохобча чиқарилиб, унинг соҳили яқинидаги текисликда микровоҳа ташкил топган (Анқақалъа). Султон Увайс тоғи Қоратоғ тизмасида маданий-хўжалик маркази шакллланган (Гаурқалъа).

Бизнинг фикримизча, мазкур тарихий даврда Амударё соҳилига тутшиб кетган баландликда микровоҳа вужудга келган (Жампиққалъа). Амиробод суғориш иншооти адоғида микровоҳа шакллланган (Думанқалъа).

Амударёнинг сўл соҳилларини қамраб олган урбанизация - ўнг соҳили сарҳадларида кечган урбанизация жараёни билан бир хил даражада бўлганлигини кузатиш мумкин. Давдон ва Дарёлик ирмоқлар ва уларнинг шаҳобчалари фаолияти давом қилганлиги боис, Сарикамишбўйи ҳавзасининг жануби-ғарбий сарҳадларида сунъий суғорма деҳқончилик тизими шаклланиши натижасида ўрта даражали шаҳарлар ҳамда воҳаларнинг шаклланиш жараёни кечган [6]. Давдоннинг шимоли ва

жанубий тармоғи ўртасидаги Манқир баландлиги томон шохобча чиқарилиб, ушбу атамада микровоҳа вужудга келган (Манқирқалъа). Чарманёб суғориш иншоотидан жануби-ғарб томонга шохобча чиқарилиб, унинг этагида микровоҳа вужудга келган (Шохсанам). Қалъалиқир -1 яқинидан ўтган суғориш иншоотининг ўрта қисмидан шимолий томонга Кўнауваз канали чиқарилиб, унинг соҳили атрофларини қамраб олган микровоҳа шакллланган (Кўнауваз). Давдон ирмоғи ўнг соҳили қирғоғига уланиб кетган баландликда микровоҳа шакллланган (Дауданқалъа).

Хейканик суғориш иншоотининг адоғидаги маданий-хўжалик маркази фаолияти давом этади. Хейканик суғориш иншоотидан шимоли-ғарбий томон шохобча чиқарилиши муносабати билан микровоҳа вужудга келган (Тупроққалъа). Ёрмиш суғорилиш иншооти ўрта қисмидан ғарбий томонида маданий-хўжалик маркази ташкил топган (Катқалъа). Ёрмиш канали этагидаги текисликда маданий-хўжалик марказ (Воянган) ташкил топган. Ёрмиш каналидан ғарбий томон чиқарилган шохобча адоғидаги текисликда микровоҳа ташкил топган (Тупроққалъа). Савкан суғорилиш иншоотидан ғарбий томон шохобча чиқарилиши муносабати билан унинг адоғида маданий-хўжалик маркази таркиб топган (Олмаотишган-1). Хазарасп магистрал каналидан жануби-ғарбий томон Кандаранхос тармоқ чиқарилган (Қалажиқ қалъаси барпо қилинган). Милодий I-III асрларда Сарикамишбўйида ирригацион тармоқлар фаолияти давом этган.

Шундай ҳулосага келамизки Амударё ва Сирдарё фаолиятлари натижасида ҳосил бўлган Хоразм воҳаси 40-12 минг йиллар илгари инсонлар томонидан ўзлаштирилиб кейинги тарихий даврларда давом этган. Милоддан аввалги VII- асрнинг иккинчи ярми охиригача, географик чегаралар аниқ бўлмаган инсонлар жамиятида устунлик қилган. Милоддан аввалги VII- аср охири IV- асрларда Хоразм жамиятида аҳоли турар жойлар қурилишида туб ўзгаришлар юз берган.

Илк ўрта асрларга келганда (V-IX асрлар) аксарият маданий-хўжалик марказларда маданий ҳаёт ўз меъёрига етган бўлса, сув таъминоти мавжуд бўлган деҳқончилик воҳаларида маданий ҳаёт давом этган. Хоразмда илк ўрта асрларда кечган тарихий жараёни алоҳида тадқиқ этишни тақоза этади.

Амударёнинг ўнг ва сўл соҳилларида аҳоли томонидан чиқарилган материал суғориш иншоотлари воҳа ҳудуди тузилишини ўзгартириб юборган. Суғориш иншоотлари соҳасида ша-

харча ва шаҳарларнинг қурилиши аниқ ҳудудга эга бўлган деҳқончилик воҳаларининг шаклланишига олиб келди.

Адабиётлар:

1. Баратов П., Маматкулов М., Рафиқов А. Ўрта Осиё табиий географияси. Т: Ўқитувчи, 2002.
2. Кесь А.С. Антропогенное воздействие на формирование аллювиально дельтовых равнин Амударьи // Культура и искусство Древнего Хорезма// - М., 1981.
3. Толстов С.П. Древний Хорезм. – М: Наука, 1948.
4. Курбониезов Р. Хоразм Географияси. - Урганч, 1996.

5. Баратов П. Ўзбекистоннинг табиий географияси.- Т: Ўқитувчи, 1996.

6. Андрианов Б.В. Земледелие наших предков.- М: Наука.

7. Вайнберг Б.И. Изучение памятников Присарыкамьшской дельты Амударьи в 70-80-х годах. Скотоводы и земледельцы левобережного Хорезма. Вып.№1.- М: Наука, 1991.

8. Гуломов Я.Ф. Хоразмнинг сувғорилиш тарихи.- Т: Фан, 1959.

9. Собиров Қ. Хоразмнинг қишлоқ ва шаҳарлари мудофаа иншоотлари.- Т: Фан, 2009.

10. Жабборов И. Юсак маданият ва ноёб маънавият маскани.-Т: Ўзбекистон, 2012.

УДК: 712.03.

АМИР ТЕМУР БОҒЛАРИ

Исакова Д., магистрант; Рахимов К.Д., профессор в.б. (СамДАҚИ)

В статье освещены вопросы истории отчетственного садоводства города Самарканда. Восстановленная в Темуридский период симметрично-центричная композиция в статье изложена поэтапно. Сады в период Темура имели эстетическую полезность и функциональные особенности, а самое главное, в садах Темура эффективно использовалась вода, что является одним из основных вопросов, которые исследуются данной статье.

Author emphasized in the article about the history of the domestic gardening in the Timurid gardening in the Timurid period symmetrically-centric composition on paper the landmark. Gardens Timur period had aesthetic and functional features of the utility in most important gardens in Timur water was used efficiently, and this is one of the main tasks of which is explored in the scientific work.

Амир Темур боғлари – 1370 – 1405 йилларда Самарқанд ва унинг атрофида яратилган боғлардир. Сақланиб қолган маълумотларга асосан 14-та боғ яратилган. Бизнинг давримизда улардан ўнтасини номи етиб келган. Бу: Боғи Баланд, Боғи Беҳишт, Боғи Давлатобод, Боғи Дилкушо, Боғи Жаҳоннома, Боғи Майдон, Боғи Нав, Боғи Чинор ва Боғи Шамол. Бу боғларнинг ҳар бирида сарой ва фавворалар мавжуд бўлган.

Амир Темур боғлари ҳақида ўша давр тарихчи ва шоирларининг асарлари ҳикоя қилади. Ўрта асрларда Темур боғларининг баъзиларини рассомлар миниатюраларида тасвирлашган. Ўрта аср тарихнависи Ҳофизу Абрў ўзининг ёзувларида “Лойдан ясалган Самарқанд тош биноларга айлантирилади” деб ёзади. Темурнинг боғ комплекслари оддий шаҳарликлар учун ҳам очик бўлиб, дам олиш кунлари шу ерда ўтказилар эди. Саройларнинг биронтаси ҳам бизнинг давримизгача сақланмаган. фақатгина уларнинг жойлари ҳақида қисқача маълумот бор холос.

Боғларнинг икки хили ажратилган. Улардан бири “чорбоғ” кўриниши бўлиб, геометрик тўғрибурчакли режага эга бўлган. Боғ террито-

рияси бўйлаб оқувчи тўртта ариқ боғни тўрт қисмга бўлган. Боғнинг чегаралари пахса девор билан ўралган. Девор бурчакларида миноралар ўрнатилиб, боғ марказида сарой қурилган. Боғнинг дарвозаси шаҳар томонига қаратилиб қурилган.

Боғнинг иккинчи тури аниқ геометрик шаклга эга бўлмаган ва табиат қўйнида жойлашган. Боғ бурчакларида кичикроқ сарой ва бир неча чайлалар, шунингдек фаввора ва ҳовузлар қурилган. Боғларнинг бу тури турфа хил нафис ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бой эди.

Такрорланган боғ яратиш ва парваришлаш аъёнчаларини Амир Темур авлоди давом эттирди. Улар ичида боғчилик, шаҳарсозлик ва санъат билан кизиққанлари Шохрух, Улугбек ва Бобур эди.

Боғи Баланд – Самарқанднинг шимолий-шарқий қисмида Чўпонота тепалиги ва мақбараси олдида жойлашган бўлиб қимматбаҳо буюмлар ва нодир санъат асарлари сақланган. Амир Темур бу боғни ўзининг набираси Мироншоҳ кизига бағишлаб қурдирди. Унинг қурилишида Эрон, Ироқ, Боғдод ва Озарбойжон усталари жалб қилинган бўлиб,

усталарнинг услублари фарқ қилган. Боғ марказида оқ табриз мрамаридан катта сарой бунёд этилди.

Боғи Беҳишт – Самарқанднинг ғарбий томонида жойлашган эди. Боғ Темурнинг хотини Туман Оқа (Ҳайринисо) шарафига 1378 йилда барпо этилган. Сарой мрамар билан оройиш берилиб, боғда узум, анжир ва олмазор ўстирилган. Баъзи манбаларда уни Боғи Жаннат деб аташган. Тарихнавис Шарафиддин Али Яздий ёзади: “Боғ хандакли девор билан ўралган, сунъий тепаликда табриз оқ мрамаридан сарой барпо этилган. Боғнинг бир қисмида турли хайвонлар учун жой ажратилган”.

Боғи Давлатобод – Самарқанддан 13 км жанубда жойлашган эди. У Амир Темурга Ҳиндистон юришидан қайтганида 22 апрель 1399 йилда (баъзи манбаларда 1396 йилда) совға қилинган. Ёзма манбаларда Амир Темур боғни совға сифатида қабул қилиши билан у ерда дам олди ва зиёфатлар уюштирди. Кейинчалик айнан шу боғда у баъзи хорижий элчиларини қабул қилган. И. Сухарёв ва У. Алимов тадқиқотлари натижаси бўйича боғ Самарқанддан 13 км жанубда жойлашиб 1350x900 метр майдонни эгаллаган. Боғ пахса девор билан ўралган бўлиб, боғ ичида кўплаб ариқлар оқиб турган, тўртта ховуз ва сарой қурилган. Боғ территорияси 12 метрли сунъий баландликда жойлашган. Унинг ичига икки осма кўприк орқали кириш мумкин бўлган.

Боғи Дилкушо – Самарқанддан 5 километр жанубий-шарқий томонда, Панжакентга олиб борувчи йўлнинг ўнг томонида, Ҳиндувон қишлоғи яқинида жойлашган бўлиб, боғнинг шаҳарга қараган дарвозаси токида “Дарвозаи Феруза” деб нақшланган чиройли ёзув битилган. Боғ 1397 йилда Амир Темурнинг хотинларидан бири - Тўпал Хонум шарафига қурилган. Узунлиги 900 метрга тенг бўлган пахса девор билан ўралган. Боғ тўртта кириш дарвозага эга бўлиб, марказида сарой жойлашган эди. Сарой уч қаватли бўлиб, ҳар бир қаватда фаввора қурилган эди. Сарой деворлари Темурнинг уруш ва юришлари тасвирланган миниатюралар билан безатилган эди. Айнан шу саройда Амир Темур испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихони қабул қилган. Бугунги кунда бу боғ ўрнида Дилкушо қишлоғи жойлашган.

Боғи Жаҳоннома – Самарқанд жанубидан тахти қорача давонига яқин қоратепа қишлоғида 24/25 чакирида жойлашган. Боғ 1398 йилда барпо этилган. Боғда кичикроқ қалъа ва сарой мавжуд эди. Тарихнавис ва шоир Шарофуддин али Ёзди “Зафарнома” китобида эслатиб ўтган. Китобда ёзилишича “боғ шунчалик

катта эдики йўқолган от олти ойдан кейин топилди”.



Боғи Давлатобод



Боғи Жаҳоннома

Боғи Майдон – Самарқанднинг шимолий – шарқий томонида, Чўпон-ота тепалиги билан Афросиёб оралиғида жойлашган эди. Тарихий маълумотларга кўра, боғда катта айвон қурилган, айвон ичида эса, қимматбаҳо тошлар билан безатилган тахт ўрнатилган. Мирзо Улуғбек кейинчалик бу боғни янада безатди. Бу боғ ҳақида Бобур қуйидагиларни ёзган: “Боғнинг ўртасида Мирзо Улуғбек баланд бино қурдирган. Бу бинонинг тўрт бурчагида туртта минора бор, ва фақат шу миноралар орқали саройга кириш мумкин”. Бугунги кунда боғнинг ўрнидаги жой ҳалигача Боғи Майдон деб аталади.

Боғи Нав – 1404 йилда Самарқанднинг жанубий қисмида жойлашган эди. Боғ тўртбурчак шаклда бўлиб, пахса деворлар билан ўралган эди. Ўртада сарой ва катта сарой бор эди. Қурилиш ишларида Миср ва Сурия усталари қатнашган. Ҳозирда бу боғ ўрнида Лолазор қишлоғи жойлашган.

Боғи Чинор – 1397 йилда Самарқанднинг шарқий қисмида, Кониғилдан жанубий – шарқий томонда жойлашган эди. Боғда асосан чинорлар ўсар эди. Боғ ўртасида ҳож шаклидаги сарой жойлаштирилган эди. Бугунги кунда ушбу боғ ўртасида Қуёш тамғали тепалиги мавжуд.

Боғи Шамол – 1404 йилда Самақанднинг ғарбий қисмида жойлашган эди. Боғ ўртасида тўртбурчак сарой жойлашган бўлиб, деворлари мраммрдан, Устунлари табриз оқ мрамми билан, деворнинг пастки қисми қора рангли ёғоч ва фил суяги билан оройиш берган эди. Бинонинг ички деворлари олтин ва қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган. Боғ жойлашган ҳудуд ҳозиргача Боғишамол деб аталади.

Бошқа боғлар - Юқоридаги боғлардан ташқари Самарқанд атрофида яна турли боғлар жойлашган эди. Улар орасида таниқлиси Боғи Бўлду (Боғи Дилқушога яқин қургонча қишлоғида), Боғи Зағон, Боғи Нақиш Жаҳон, Боғи Амирзода Шоҳрух, Боғи Дилафрўз, Боғи Шерон, Гулбоғ, Боғча шаҳар ичида, Амирзода Муҳаммад султон мадрасаси ва даҳмаси ёнида, ҳозирга Гўри Амир мажмуаси яқинида Амир Темур фармони билан барпо этилган “боғча” номи билан аталган кичик боғ ҳам мавжуд бўлган, Лолазор, Бедона қоруги, Чумчуқчилик, Ғозхона ва бошқалар. Боғларни яратиш ва парваришlash анъанасини Амир Темурнинг келгуси авлодлари давом эттирди. Масалан, Гулбоғ боғи 1398 йил Самарқанд жанубида барпо этилган бўлиб, олти ховуз мавжуд бўлган. Боғни анҳор кесиби ўтган.

Хулоса. Амир Темур Самарқанд шаҳри атрофида боғлар барпо этиб, “Шаҳар-боғ” ғоясини ҳаётга тадбиқ этган. Ушбу ғояга асосан,

шаҳар атрофи боғлар билан ўралган бўлиб, асосан миллий боғдорчилик маданиятини ривожлантириш ва шаҳар учун экологик ҳимоя вазифасини бажарган. Самарқанд атрофидаги боғлар ўзининг жойлашиши ва иқлимий хусусияти, функциясига қараб номланган. Амир Темур ўзи барпо этган боғларда “Чорбоғ” услубидаги боғларни мукаммаллик даражасига етказган. Амир Темур ва темурийлар боғлари ўзининг жойлашишига қараб текисликдаги ва рельефдаги боғлар турига бўлинган. Амир Темур ва темурийлар “Чорбоғ” услубидаги боғларининг асосий элементлари: сарой-боғ, ҳовуз, девор, марказий хиёбон. Амир Темур ва темурийлар боғларидаги асосий элементларидан айримлари, сарой-боғ ва ҳовузнинг жойлашишига қараб, сарой марказида ва сарой тўрида кўринишларига эга бўлган. Амир Темур боғлари мукаммал суғориш тизимига эга бўлган. Суғоришда табиий сув манбаидан фойдаланилган. Сув манбаи ёки пастликдан оқиб ўтган боғдан йироқ бўлса, сув йирик чархпалаклар ёрдамида етказиб берилган. Амир Темур ва темурийлар боғларининг меъморий-режавий хусусиятлари ва ландшафт ечимларининг асосий тамойиллари:

1) Боғни атрофини девор ёки табиий қирлар билан ўраб олиш;

2) Боғнинг режавий ечимини мавжуд табиий ландшафтга мослаштириш: мавжуд текисликда мунтазам режали симметрик боғни шакллантириш, мунтазам режалиси метрик (композицион усул) боғни мавжуд қирлар рельефига боғнинг режасини ўзгартирмасдан туриб, “боғлаб” қўйиш;

3) Боғларда “чорчаман” ва “хиёбонлардан” фойдаланиш, рельефли боғларда “чорчаман”ларни ҳар бирини ҳар хил сатҳда жойлаштириб, “терасса”лар ҳосил қилиш;

4) Боғда манзарали дарахтлар билан бирга мевали дарахтларни экиш, тежамли ва самарали суғориш тизимини ишлатиш;

5) Боғда яшил кўкаламзорларни сув ҳавзалари билан уйғунликда ишлаш, шу билан бирга ҳайвонот дунёси билан бўлган уйғунликни йўқотмаслик;

6) Боғда сарой-боғи мавжуд бўлса, табиий ёки сунъий тепаликда жойлаштириш;

7) Боғ таркибидаги “хиёбон”ларни бошидан охиригача ҳовуз, манзарали дарахтлар ва мўжаз меъморий шакллар билан безаш;

8) Хиёбонларда қуёш йўналишига қараб, дарахтларни экиш орқали сояли сайлгоҳларни шакллантириш;

9) Замонавий боғларда ижодкор шоир, мусаввир ва музикачи-бастакорлар ҳамда мунажжим ва файласуф олимлар ижод қилишлари учун махсус жойлар ажратиш.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси – Тошкент, НЭУ нашриёти, 2000.

2. Пугаченкова Г.А. Ремпель Л.И. Қадимги даврдан XIX аср ўртасигача Ўзбекистон санъати тарихи. Москва. Санъат. 1965. с. 254.

3. Али Яздий “Зафарнома”.

ПЛЯЖЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ

Уралов А.С. – меъм.ф.д.; **Уралов Акбарали**, катта ўқитувчи (СамДАҚИ)

В статье рассматриваются вопросы архитектурного проектирования общегородских пляжей, их функциональное зонирование, способ организации и размещения территорий.

In paper questions of architectural projection of city beaches are observed, functional zoning, a way of architecture and disposing of their territories is lighted.

Ҳар бир инсон ҳам, ёшу–кексалар республикамининг иссиқ ва офтобли ёз кунларида сувда чўмилиш ва офтобда тобланишни хуш кўради. Бунинг учун эса тоза сувли ва қулай гигиеник шароитларга эга бўлган пляжлар талаб қилинади.

Тан олиш керакки, республикада бу масала анча суғустилган. Хусусан, Самарқанд шаҳрининг аҳолиси учун пляжларнинг ташкиллаштирилиши, уларнинг сони, жойлашилиши ва гигиеник ҳолатларини қониқарли деб бўлмайди. Самарқанд шаҳрининг пляжлари асосан тадбиркорлар томонидан шакллантирилиб келмоқда. Уларнинг таркибий ва функциявий ечимлари, тоза сув ва хизмат кўрсатиш тизими билан таъминланиши етарли даражада эмас.

Шу муносабат билан биз мазкур мақолада пляжларни режавий–функциявий ташкиллаштириш ва меъморий лойиҳалаш масалаларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Пляжлар аҳолининг тоза сув ҳавзаларида чўмилиб ва қуёш нурида тобланиб дам олиши ва хордиқ чиқаришига мўлжалланади. Улар турли жойларда: ҳавзалар, орол, дарё ёки денгиз соҳилларида, шунингдек, парклардаги катта табиий ёки сунъий сув ҳавзалари соҳилларида ҳам ташкил этилиши мумкин. Пляжлар одатда функциясига қараб 3 турга: умумшаҳар пляжлари, курорт пляжлари ва даволаниш (санатория ва понсионатлардаги) пляжларга бўлинади. Умумшаҳар, яъни оммавий пляжларнинг ҳудуди шаҳар аҳолисининг 10–12 % ига мўлжалланиб, пляжга келувчининг ҳар бирига 5,5–6 м² жой ҳисобидан лойиҳаланади.

Пляжлар ҳудуди уч қисмдан: акватория, яъни сув ҳавзаси–чўмиладиган жой; солярия, яъни қуёшга тобланиладиган жой; аэрация, яъни сояда очиқ майсазор устида дам олинадиган жойлардан ташкил топади. Акваториянинг энг чуқур жойи катталар учун 1,6 м, болалар учун

1,0 м бўлиши зарур. Сувга тушадиган жой нишаблиги 1/10, яъни сувга тушганда чўмилиувчи бирдан фавқулотда чуқурлик сезилмаслик керак, сувга секин–аста, кичик нишаблик бўйича тушиш зарур. Акватория зонасини сув томондан чегараловчи рангли белгилар қўйилиши ва улар сув юзасида қалқиб тушиши лозим.

Солярия қумлоқ жой бўлиб, унда қуёшга тобланиладиган шароит яратилиши зарур. Аэрация ҳудуди одатда текис бўлиб анча энли, унда соябонлар, турли спорт майдончалари, стол тенниси, овқатланиладиган ва шарбат ичимликлари жойи, ечиниш кийинадиган жойларнинг бўлиши, бассейн, душхона, қаҳвахона, кўшклар, павильонлар, ҳожатхона, кутқариш станцияси, сувга сакраш ва тойиниш қурилмалари билан жиҳозланиши зарур. Пляжларнинг ҳудуди атроф–муҳитдан қўриқланиладиган, суви тоза, санитария–гигиеник жиҳатдан текширилган, қулай ҳолда сақланиши лозим.

Пляжлар ҳудуди учун, одатда, офтобгўй бўлган, яъни юзаси ва нишаблиги қуёшга қараган соҳиллар танланади. Пляжда катталар ва болаларга алоҳида жой ажратилиши, болалар чўмиладиган жой алоҳида белгилаб қўйилиши зарур.

Пляжлар ҳудуди бир нечта функционал зоналарга: чўмилиш зонаси, дам олиш зонаси, хизмат кўрсатиш зонаси, спорт ва физкультура зонасига ажратилиши, унинг ҳудудида эса йўлақлар, майдонлар, яшил зона ва майсазорлар бўлиши керак (1; 2; 3–расмлар).


1-жадвалда пляжларнинг типларга бўлиниши, меъёрий майдонлари, функционал зоналар ва уларнинг турли пляжлардаги майдони (фоиз ҳисобида) келтирилган. 2; 3–ва 4–расмларда кенг соҳилда, денгизнинг тикрок соҳилида ва қўл соҳилларида жойлашган пляжларнинг меъморий–режавий ва ландшафт ечимлари кўрсатилган.

1-жадвал

Турли типдаги пляжларнинг меъёрий майдонлари ва функционал зоналари

Функционал зоналар	Пляжларнинг типлари ва меъёрий майдонлари					
	Умумшаҳар пляжлари (1 кишига 5,5–6 м ²)		Курорт пляжлари (1 кишига 5 м ²)		Даволаниш пляжлари (1 да- воланув-чига 8–12 м ²)	
	Зонанинг мавжудлиги	Майдони % да	Зонанинг мав- жудлиги	Майдони % да	Зонанинг мавжуд- лиги	Майдони % да
Чўмилиш зонаси	+	–	+	–	+	–
Дам олиш зонаси	+	40	+	40	Солярия Аэросолярия	20–40
Хизмат кўрсатиш зонаси	+	20–25	+	20	+	10
Физкультура зонаси	+	15	+	10	Даволаш физкуль- тураси зонаси	10
Яшил зонаси (йўллар ва майдончалар)	+	20–30	+	25	+	20
Болалар ва ўсмирлар сектори	+	5	+	5	–	–

Эслатма: пляжга таширф буюрувчилар ва даволанувчилар сонини ҳисоблашда умумшаҳар пляжлари учун шаҳар аҳолисининг 10–12 %; курорт пляжлари учун курортда дам олувчиларнинг 80 %; даволаниш пляжларида эса санатория ва пансионатларда дам олувчиларнинг умумий сонидан 40 % олинади.




1-расм. Шамолдан сақланиш ва сувни кўриқлаш яшил тасмаларига эга бўлган пляжларнинг жойлашиш схемаси ва пляж зонасининг қирқимлари: 1–кўллар, 2–сувни кўриқлаш яшил тасмалари, 3–ўрмонлар, 4–пляж ва дам олиш жойларининг шамолдан сақланиш яшил тасмалари, 5–пляжлар, 6–аҳоли пунктлари.



2-расм. Кенг соҳилда жойлашган пляж комплекслари бош режасининг схемалари. I–умумий пляж, II–болалар сектори, III–ўтлоқ устидаги солярий; 1–кириш жойи, 2–ечиниш жойи, 3–ечиниб олиш кабиналари, 4–чодир ости қахвахона, 5–ошхона, 6–кўтқариш станцияси, 7–инвентарлар прокати, 8–савдо дўкони, 9–томошабинлар жойига эга сузиш бассейни, 10–сузишни ўрганмаганлар учун бассейн, 11–болалар бассейни, 12–болалар ўйин майдончаси, 13–теннис корти, 14–волейбол майдончаси, 15–баскетбол майдончаси, 16–стол тенниси, 17–дам олиш павильони, 18–ҳожатхона, 19–аэрарий, 20 – кўрсаткич, 21–ўтиргичлар, 22–лодкалар причали, 23–соёбонлар, 24–лианлар, 25–тобоган, 26–болалар учун сув манежиклари, 27–сувга сакраш минораси, 28–соёбон, 29–қозикларга ўрнатилган хонача, 30–болаларни сирпаниш жойи, 31–кема, 32–кетельбан, 33–сув ичиш фавворалари, 34–декоратив бассейн.



3-расм. Денгизнинг тикрок соҳилида жойлашган пляж комплекси бош режасининг схемаси



4-расм. Кўл соҳилларида жойлашган пляж бош режасининг схемаси: 1-тўлқин сусайтиргич, 2-бун, 3-пиёдалар учун эстокада, 4-соябон, 5-азарий, 6-сувга сакраш минораси ва трамплини, 7-қутқариш станцияси, 8-фаввора, 9-ечиниш учун гардиороблар, 10-инвентарлар пракати, 11-кийиниб олиш жойлари, 12-соябонлар, 13-болалар сектори, 14-перголалар, 15-скамейкалар, 16-қаҳвахона, 17-ўқув павильони, 18-озик-овқат дўкони, 19-волейбол майдончаси, 20-бадминтон учун майдонча, 21-стол тенниси майдончаси, 22-ҳожатхона, 23-кўллар, 24-бассейн, 25-майдонча, 26-сув босими станцияси, 27-қумлоқ майдонча, 28-майса устида куёшга товланиш жойи (солярий). 29-мавжуд гардероб, 30-лоийхаланаётган гардероб.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ МУАЛЛИМИ - ИЛМИЙ ИЗЛАНУВЧАН, ИЖОДКОР

Ишматов Ж., катта ўқитувчи (ТАҚИ)

Если художник – учитель, то несмотря на то где и в каком учебном заведении он преподаёт, он должен обогащать свою педагогическую деятельность творческими поисками; тогда он имеет возможность обучить и воспитать хороших учеников, настоящих художников.

In spite of where, in which education institution an artist – mentor teaches, if he enriches his pedagogic activity with creative researches, only then he will have chance to educate good apprentices, real artists.

Тасвирий санъат ўқитувчисининг ўз соҳасидаги саводхонлиги етарли даражада бўлмаса, талабаларнинг тасвирий санъат борасидаги эҳтиёжини қондира олмайди. Давримизнинг долзарб масалаларидан бири келажак авлодимиз, бугунги ёшларни ҳар томонлама баркамол ватанга садоқатли қилиб тарбиялашдир.

Бугунги кунга келиб тарбия ва таълим борасида педагог ва тарбиячилар олдида ўта масъулиятли вазифалар қўйилмоқда. Мана шу муҳим вазифалардан бири бугунги ёшларга қай йўсинда, қай тарзда таълим ва тарбия бериш масаласидир. Аввало бугунги ўқувчи ва ёшларнинг дунёқараши қандай, улар нималарга кўпроқ қизиқмоқда. Бу саволга жавоб беришдан олдин ёшларнинг ахлоқий, бадиий – эстетик тарбияси ҳақида бош қотириш қанчалар фойда келтирар эди. Биз ёшлар ички руҳий олами яхши англаб, ана шу руҳиятга нозик маданиятни сингдиришга йўл тополсак, кўзлаган мақсадга эриша олмағимиз мумкин.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, талаба ва ёшлар маънавиятини шакл-

лантиришнинг ягона йўли санъат, адабиёт ва табиатга меҳр – муҳаббат уйғотиш усулидир. Масалан: табиат кўринишларини рангин бўёқлар орқали тасвирлашни ўрганиш болаларда нафақат нафосат тарбиясини шакллантирибгина қолмасдан, она табиатни асраб – авайлаш, унга ҳар жиҳатдан ҳушёр ва садоқатли бўлиш туйғуларини вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам азалдан олимлар табиат сирларини, мўъжизаларини ўрганишда рангшунослик муаммосига кўплаб мурожаат қилишган.

Рангшунослик “Оқ ёруғлик мураккаб тузилган, у кўпгина оддий нурлардан ташкил топган. Бу нурларнинг бизга турли рангда кўринишига сабаб шуки, кўз тўрпардасидаги шакллари бўйича колбача ва таёқчалар деб аталган, ёруғликка сезгир турлари ёруғликни ҳар хил қабул қилади. Колбачалар (улар 7 млн. атрофида) рангларни ва майда буюмларни ажратиш хусусиятига эга, лекин бунинг учун буюм яхши ёритилган бўлиши, хусусан, қуёш ёруғлигида ёритилган бўлиши керак. Колбачалар туйғуларни биз атрофни рангли кўрамиз, улар кун-

дузги ва рангли кўриш аппарати ҳисобланади”.

Табиат ва ҳаётдаги нафислик, гўзаллик сирларини рангтасвир санъати даражасида бошқа бирор – бир соҳа очиб бера олиш имкониятига эга эмас. Бу борада ўқувчи ва ёшларга ана шу санъат сирларини улашиш вазифаси табиийки, тасвирий санъат ўқитувчилари зиммасига юкланди. Шу боисдан, бўлажак рассом устозлардан куйидагиларни билиш талаб қилинади:

- Рангтасвир санъати ҳақида назарий билимларга эга бўлиш;

- Рангшунослик ва рангтасвир технологияси ҳамда унинг асослари хусусидаги тушунча ва билимлар.

- Рангтасвир санъатида ишлатиладиган материаллар, куроллар, уларни тайёрлаш йўл – йўриқлари.

- Сувбўёқда расм ишлаш қоидалари ва босқичлари, шакл бериш, характерни топиш йўллари.

- Рангтасвирда тасвир куриш ранг ва ҳавойи перспектива.

- Гуашь ва мойбўёқда расм ишлаш қоидалари, босқичлари, шакл бериш ва характерини топиш усуллари.

- Сувбўёқ, гуашь мойбўёқлар билан ижодий тасвирлар яратиш билим ва малакасига эга бўлиш кабилар.

- Дала амалиётларида хомаки расмлар ишлаш, эскизлар асосида композициялар тузиш кабиларни ўрганиш. Бўлажак рассом – педагоглар рангтасвир санъати борасида ҳам ҳар жихатдан саводхон бўлишлари билан бирга бу соҳа сирларини қизиқарли, содда, мазмунли қилиб ўқувчи ва ёшларга ўргата олиш қобилиятларига эга бўлмоғи лозим.

Айни янгилашиш, ривожланиш даври ёш авлодни билимдон, яратувчан, юксак маданиятли ва мустақил мамлакат тақдири учун

масъул шахслар қилиб тарбиялашни тақозо этмоқда. Улуғвор бунёдкорлик ишида малакали, ғайратли ўқитувчи ёшлар пешқадамлик қилмоқликлари лозим.

Шу ўринда бир савол туғилади бугунги рассом – педагогнинг маънавий қиёфасини қандай бўлиши керак? Тасвирий санъат ўқитувчиси бошқа фанлар ўқитувчилари каби биринчи галда энг юксак фазилатли, ахлоқий пок, иймон ва эътиқодли, ҳалол ва софдил, болаларга нисбатан меҳрибон, ўзбек халқининг урф – одатлари, анъаналарини яхши биладиган шахс бўлиши керак.

Ўқитувчининг касбий хусусиятлари борасида тўхталганда шуни таъкидлаш лозимки, у энг аввало ўз касбини дилдан севадиган, ўз ишига ижодий ёндашадиган шахс бўлмоғи талаб этилади. Инсоният тараққиётининг бугунги босқичи одамлар турмуш тарзини ранг – баранг бойиши ҳозирги тасвирий санъатни шундай ривожлантириб ва кўплаб тармоқларга бойитиб бормоқдаки, бўлажак рассом – педагог бунинг барчасидан воқиф бўлмоғи лозим. Ана шунинг учун ҳам таълим мазмуни такомиллашиб боради.

Муҳими мустақил ватанимиз кадрларини тайёрлашда ўтмишдан андоза ва бугунги тараққиётдан ўрнак олиб ёшларимизга таълим бериш учун ҳар жихатдан билимли мутахассис тайёрлашимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Адабиётлар:

1. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. “Ўзбекистон”, 1996.
2. Азимова Барно. Натюрморт тузиш ва тасвирлаш методикаси. “Ўқитувчи”
3. Бўлатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. “Меҳнат”, 1991.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ТАСВИРИЙ САНЪАТ

Рахимов С. А., ассистент (ТАҚИ)

За годы независимости узбекский народ начал все больше воодушевляться своей богатой историей, национальными ценностями, и бесценным наследием, оставленным предками. Самым большим и своеобразно развитым периодом истории искусств Узбекистана является (в основном) период Темуридов. История периода Амира Темура и Темиридов занимает особое место в истории нашей Родины.

During independence years Uzbek people is getting more inspired by its rich history, national traditions, invaluable heritage left by ancestors. The most prosperous time of art history of Uzbekistan is the Timurid dynasty period. The history of Amir Temur and Timurid dynasty's period has an important role in the Past of our homeland.

Мустақиллик йилларига келиб ўзбек халқи ўзининг бой тарихидан, миллий қадриятларидан, ажодлари қолдирган бебаҳо меросдан тўлароқ баҳра ола бошлади. Ўзбекистон Рес-

публикаси Президенти И. А. Каримов қайд қилганидек: “Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг манавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф – одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан

айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.”

Санъат тарихининг энг катта ва ўзига хос тараққий этган даври бу асосан Темурийлар даври ҳисобланади. Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи Ватанимиз ўтмиши саҳифаларида алоҳида, ўзига хос ўрин эгаллайди.

Бу даврнинг маънавий ва моддий мероси дунё маданиятининг ёрқин саҳифаларидан бирига айланди. Тарихий, бадиий ва тасвирий санъат асарлари бизнинг бой ўтмишимиз ҳақида ҳозирги ва келажак авлодга қимматли маълумотлар беради, ўтмиш ҳозирги кун ва келажакни боғловчи кўприк вазифасини бажаради. Турли анъаналарга, услубларга эга бўлган тасвирий санъат мактабларининг яқинлашуви уйғунлашган илғор Самарқанд мактаби шаклланишига сабаб бўлади. Тасвирий санъат намуналарини турли ўлкалар бўйлаб тарқалиб кетиши уни тўла характерини ёрита олиш имкониятини бермасди.

Аммо XIV – XV асрларга келиб қўлёзма китобларнинг қайта қўчирилиши натижасида кўплаб тасвирий санъат намуналари юзага келади ва улар китобат санъатини янада бойитади. Бу даврда яратилган миниатюраларнинг катта бир қисми мураққа, яъни альбомларга ишланган асарлардир. Бу асарларда асосан шох, саройлардаги ҳаётини воқеалар тасвирлаб берилади. Муҳим томони шундаки, бу мураққа – альбомларга ишланган миниатюра тасвирлар мустақил, яъни эркин ижодий тасвирий санъат асарлари ҳисобланади.

Амир Темур ва темурийлар давлатида санъат ривожини Ўрта Осиё санъати тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Темурийлар сингари санъатни ва илм – фанни кадрлаган ҳукмдорлар минтақа тарихида ҳеч вақт бўлмаган ва темурийларнинг ўзидан ўттизга яқин шоиру санъаткор ва олим чиққанлиги тарихдан маълумдир. Амир Темур хонадонидан Шохрух Мирзо, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бойсунғур, Султон Ҳусайн мирзолар, Заҳириддин Бобур ва бошқа темурийлар китоб ошиқлари, санъат ҳомийлари, илм – фан жонкуярлари сифатида танилганини алоҳида таъкидлашимиз лозим.

Шу боис темурийлар даврида меъморчилик, нафис – китоб ва хаттотлик, амалий – безак санъат ҳам тез тараққий этди ва катта муваффақиятларга эришди. Амир Темур даврида Самарқандда машҳур мусаввирлар: Устод Жаҳонгир, Пир Сайид Аҳмад Табризий, Ҳожа Абдулхай, Устод Шамсиддин, кейинчалик Ҳиротда Мирак Наққош, Қосим Али каби ис-

теъдодли мусаввирлар етишди.

Темурийлар даврида Самарқанд тасвирий санъат мактабининг яна бир ютуғи портрет жанрининг вужудга келишидир. Темур ғолиятидан сўнг эса Самарқандда Мирзо Улуғбек даврида тасвирий санъат янада ривожланди. Темурийлар даври нафис тасвирий санъати ҳақида ўзларининг “Миниатюра тарихидан лавҳалар” китобида Н. Норқулов, И. Низомидиновлар шундай ҳикоя қилишади: “Деворга сурат чизиш санъати Мирзо Улуғбек замонида янада юқори поғонага кўтарилди. Тарихнавислар унинг Чилсутун чорбоғида Чинихона қасрини ниҳоятда гўзал қилиб қурдиргани ёздилар. Абдураззоқ Самарқандий Мирзо Улуғбек расадхонасининг хоналари деворларида тўққиз осмоннинг кўриниши, осмон гумбазлари даражалари, минут ва секундлар ва ҳоказо улушлари тасвирий етти ёритқич сайёра, собита юлдузлар, иқлимлар, тоғ, денгиз, саҳро ва шуларга оид буюм ва жониворлар сурати ғоят нафис ва жонли нақш этилганини ёзди”. Шундай қилиб, темурийлар замонасида шарқона миниатюра санъатини бир қанча мактаблари ва унинг буюк ижодкорлари юзага келди. Натижада темурийлар даврида шаклланган нафис тасвирий санъатнинг довруғи жаҳонга ёйилди.

Ўтмиш тасвирий санъати ҳақида фикр юритар эканмиз бугунги кунда кўп қўлланилаётган миниатюра сўзининг ўзига қисман тўхталиш лозим. Бу ибора деярли XIX аср бошларигача ишлатилмаган. “Миниатюра”- китобга ишланган сурат (мўжаз сурат) ёки кичик ҳажмдаги нафис тасвирларга нисбатан ишлатилиши анъанага айланиб қолди.

Педагог олим А.Сулаймановнинг таъкидлашича “миниатюра” сўзи тўрт хил маънони англатади. Улардан учтасини ва умумлаштирувчи луғавий маъносини бевосита миниатюра санъатига тааллуқли деб қараш мумкин. Яъни: умумий маъноси қадимдан қўлёзма китобларнинг бош ҳарфларини англаш, нақшлаш учун ишлатиладиган қизил бўёқ (киновар);

- ўрта асрларда яратилган қўлёзма китобларида ишланган кичик лавҳа ёки китобнинг бутун бетига ишланган иллюстрация шаклидаги кичик ўлчамдаги мўжаз рангли тасвир (рангтасвир);

- кичик ўлчамдаги рангтасвир асари ҳар хил материалга (суякка, металга, матога) нозик, нафис қилиб ишланган иш (асар), Демак, “миниатюра” иборасин қўлёзма китобининг таркибий бадиий – график қисми бўлмиш барча элементлари, ҳоҳ у кичик лавҳа бўлсин, ҳоҳ бутун бетни, айрим ҳолда икки қўшни бетни

эгаллаган иллюстрация, нақшинкор тасвириларга нисбатан қўлланган ибора деб қараш мумкин.

Шундай қилиб, ўтмиш тасвирий санъатининг шу йўсиндаги кўринишига нисбатан миниатюра ибораси кенг ишлатилиб келмоқда. Шарқ, жумладан Марказий Осиё халқларининг тасвирий санъатдаги миниатюра ҳам ўзига хос намуналарига эга. Бу борада тасвирий санъатимиз тарихида ўзининг ноёб намуналари ва ажойиб санъат вакиллари юзага келтирган.

Ҳирот “Нигористон” (нафис санъат академияси) мактаби жаҳон тасвирий санъати мактаблари ичида олдинги сафларда туради. Айнан шу мактабда Камоллиддин Бегзоддек буюк рассом камолга етган. Бу мактабнинг моҳияти ва мазмунини аниқроқ тушуниш учун унинг маъносини таҳлил қилмоғимиз керак. “Нигористон” иборасига келганда айтиш лозимки, бу нигорлар, қиёфалар демакдир. Бинобарин ибора мазмуни инсон қиёфаси, инсоннинг чехрасини англатиш билан чегараланиб қолмайди. Назаримда бу ибора табиат ва жамиятда бўлаётган воқеа, кўринишларни моҳиятини очиб берувчи тасвир маъносини беради.

Ҳиротда тасвирий санъат гуллаб – яшнашига Амир Темур даврида шаклланган Самарқанддаги тасвирий санъат мактаби замин яратган эди. Иккинчи график тасвири таҳлил қилиш орқали ўша давр тасвирий санъат тарихи мазмунини англашимиз мумкин.

Самарқандда шаклланган тасвирий санъат мактаби Ҳирот орқали жаҳон халқлари маданиятига таъсир ўтказганини алоҳида қайд этмоқ керак.

ТАРИХИЙ ШАҲАР МАРКАЗЛАРИГА ХОС АНЪАНАВИЙ ТУРАР ЖОЙЛАР АРХИТЕКТУРАСИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ ВА ШАКЛЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Уралов А.С., меъм.ф.д., профессор; Ўсаров Ж.Т., магистрант;
Фозилов Т.Ф., талаба (СамДАҚИ)

В статье рассмотрены и предложены архитектурно-планировочные принципы реконструкции и формирования архитектуры традиционных жилых зданий для центральных частей исторических городов Узбекистана.

In article principles of reconstruction and formation of architecture of traditional residential units for the central parts of historical cities of Uzbekistan are considered and offered architectonic-planirovachnye.

Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг марказий қисмларида анъанавий тарзда вужудга келган эски маҳалла ва гузарлар мавжудки, улар яхлит ҳажм-фазовий ва композициявий шаклланган, аҳолининг яшаши ва ўз-ўзини бошқариши учун бирламчи барча функционал шароитларга эга бўлган шаҳарсозлик тизимидан иборатдир. Маҳаллада анъанавий турар жойлар, унинг маркази гузарда эса маҳалла аҳоли-

Бойсунқур Мирзо Ҳиротда нафис санъат мактабини яратишда бутун Шарқ халқлари маданияти дурдоналаридан фойдаланди. Бу ишда унга отаси Шохрухнинг қўшни мамлакатлар билан кенг кўламда олиб борган савдо, дипломатик ва маданий алоқалари катта ёрдам берди. Натижада, бу мактаб Нигористон номи билан ҳам машҳур бўлди.

“Ҳаётда ўз қўшиғини топа олган, уни қайтарилмас оҳангда қўпчиликка манзур қилиб куйлай олган санъаткорни бахтли деса бўлади”, - деб таъкидлаган эди таниқли рассом Ўрол Тансиқбоев. Санъат шундай бир мўъжиза эканки, уни севиб бағрига кирган инсон доимо ўзини ёш, навқирон сезиб, меҳнат қилиб толмас, ўзи севган машғулоти билан яшай олмас экан. Мен ҳам педагогик ва ижодий фаолиятимда “Амир Темурнинг туғилиши” деб номлаган асаримни яратдим.

Амир Темур каби улуг зотнинг шахси билан боғлиқ афсона, ривоят, ҳикоятлар кўплаб тўкилиши мутлақо табиийдир. Шу мавзудаги барча маълумотларни тўплаш, Амир Темур фазилятлари ва воқеалар халқ хотирасида узоқ вақтгача мустаҳкам ўрнашиб қолганини тасаввур этиш имконини беради.

Адабиётлар:

1. Пугаченкова Г.А. К дискуссии о среднеазиатской миниатюре XV столетия. // В сб.: Из художественной сокровищницы Среднего Востока. Ташкент, 1987., с.98.
2. Темур тузуклари, Тошкент, 1992, 58-, 100-б.

сига хизмат кўрсатувчи барча ижтимоий функциялар (бозорча, дўконлар, масжид, чойхона, айрим ҳолларда маҳалла фуқаролари йиғини биноси) жойлашган.

Маҳалладаги турар жойларнинг фасадлари тўғри ўқ кўчаларга ва боши берк тор кўчаларга қаратилиб, нисбатан тигис кўрилган ва, асосан, мўъжаз ҳовлили уч авлодга мўлжалланган анъанавий уйлардан таркиб топган. Улар дарвоза-

ли, асосан бир–икки қаватли, долон, айвон (терасса)лардан, ёзги ва қишги хоналардан ташкил топган уйлاردир. Яшаш хоналарининг сони 3–4 тадан кам эмас.

Таъкидлаш жоизки, бундай тарихий ташкил топган эски маҳаллаларда ичимлик суви, газ, электр энергияси, иситиш тизими мавжуд бўлса–да, уларнинг аксариятида канализация тармоғи шаклланмаган. Хожатхоналар асосан битта, у ҳам бўлса ташқарида ҳовли бурчагида, кўчага яқин жойда жойлаштирилган. Фақат айрим таъмирланган ва бузиб қайта қурилган ҳовлиларда уларнинг сони иккита, ташқи ва ички хожатхоналар мавжуд. Самарқанд шаҳрида замонавий қурилган уй–жойлар эса бундан мустасно, улар канализация, ичимлик суви, газ ва электр тармоқлари билан таъминланган.

Булардан ташқари тарихий шаклланган ва бизгача сақланган эски маҳаллалар ва гузарларда тор ва боши берк кўчалар мавжуд бўлиб, улар замонавий енгил хусусий автомобиллар ва юк машиналар ҳаракатига мўлжалланмаган. Келажакда автомобилларнинг кўпайиб бориши билан бундай тор кўчаларда нафақат машиналар, балки одамларнинг, айниқса ёш болаларнинг юриши ва ҳаракатланиши қийинлашиб бориши муқаррардир.

Агар Ўрта Осиё халқлари аксари оилаларининг бугунги кунда ҳам уч авлоддан иборатлигини ва уларнинг болажонлигини ҳамда ҳаётнинг шиддат билан ривожланаётганлигини эътиборга олсак, тарихий шаҳарларимиздаги эски маҳаллалар ва гузарларни ҳозирги ҳолатдагидай сақлаб қолишнинг иложи йўқ ва, гапнинг лўндаси, бу ҳозирги замон тараққиётининг мақсадларига мувофиқ ҳам эмас. Буни Тошкент шаҳридаги эски маҳаллаларни қайта қуриш борасидаги шаҳарсозлик тажрибалари ҳам исботлаб турибди. Хўш, унда нима қилиш керак?

Масаланинг жавоби битта. У ҳам бўлса тарихий шаҳардаги энг эски маҳаллалардан биронтасини бузиб, унинг ўрнига ўша анъанавий меъморий тамойилларга, асосланган замонавий муҳандислик тизими талабларига ҳам тўлиқ жавоб берадиган янги турар жой мавзеси (маҳалла)ни қуриб кўриш керак. Қандай қилиб: хусусий тарздами ёки давлат томониданми?

Қурилиш услубининг қандай тарзда амалга оширилишидан қатъий назар, Самарқанд шаҳрининг тарихий қисмида қуриладиган замонавий уйлар ва маҳалла лойиҳаси композициявий яхлит тарзда, замонавий шаҳарсозлик талаблари ва тарихий шаҳарсозлик атроф–муҳити архитектурасига тамоман мос тарзда ва, айти пайтда, нафақат замонавий бадий–эстетик талаблар, балки Ўзбекистон халқининг янги турмуш тарзи ва маҳаллачилик тамой-

иллари асосида, замонавий муҳандислик тармоқлари инфраструктураси билан тўлиғича таъминланган ҳолда барпо этилиши керак.

Бундай маҳалланинг шаҳарсозлик лойиҳаси давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқилиб, уни қуришда маҳалланинг маъмурий ижтимоий бошқарув қисми, кўча ва йўллар, коммунал хизмат кўрсатиш муҳандислик тармоқлари ва қурилмалари давлат томонидан, уй–жойлар қурилиши эса қизил чизиклар чегарасида аҳоли маблағи ҳисобидан давлат томонидан тасдиқланган лойиҳалар асосида қурилиши мумкин.

Ватанимиз ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш асосида тарихий шаҳарлар марказлари турар жой биноларини қайта тиклаш ва шакллантиришнинг қуйидаги тамойиллари аниқланди.

Биринчи тамойил: Бу реабилитация, яъни жонлантириш усули. Бунга тарихий шаҳарлар муҳитида бизгача сақланган, тарихий, меъморий–бадий ва моддий қиймати ўта юқори бўлган кам қаватли анъанавий халқ уйлари қайта тиклаш, жонлантириш ва сақлаб қолиш мақсадида олиб борилаётган ишлар киради. Бундай ишлар ҳозирда Ўзбекистоннинг Бухоро, Самарқанд, Қўқон шаҳарларининг тарихий марказларида олиб борилмоқда. Тарихий ва бадий қиймати бой бундай уйларга одатдаги электр ва ичимлик сувидан ташқари, канализация тармоғи киритилмоқда.


Иккинчи тамойил: Бу реконструкция, яъни энг халқчил, анъанавий, уч авлодга мослаштирилган, тарихий миллий услубда қурилган уйларни қайта тиклаш ва сақлаб қолишдир. Бундай уйларнинг структуравий тузилиши миллий маҳаллачилик қадриятларига асосланган бўлиб, улар таркибида дарвоза, долон, ҳовли, айвон (ўнг ва сўл айвон, улли айвон), пешайвон каби элементлар сақланган. Бундай уйларни биз Бухоро, Тошкент ва Хива шаҳарларида учратишимиз мумкин.

Учинчи тамойил: Моддий қийматга эга бўлиб, бироқ, тарихий ва меъморий–бадий қийматларга деярли эга бўлмаган уйларни бузиб, уларнинг ўрнига миллий уйсозлик анъаналарига асосланган янги миллий ҳовлили уйларни қуриш.

Тўртинчи тамойил: Тарихий шаҳар муҳитида бўш турган ёки ҳеч қандай тарихий қийматга эга бўлмаган турар жойлар ўрнига блокировкали, кўп секцияли, ўрта қаватли, бироқ анъанавий элементлар ва шакллар (айвон, ҳовли, мўъжаз боғ) билан таъминланган замонавий уйларни қуриш.

Биз юқоридаги ҳулосаларимиз ва ўтқизган тадқиқотларимиз асосида қуйидаги **таклиф ва тавсияномаларни** ишлаб чиқишга эришдик:

1. Келажакда Самарқандда қуриладиган уйлар архитектураси улар қурилатган меъморий муҳит масштабига, маҳаллий табиий–иқлим шароитларига, Самарқанд шаҳри аҳолисининг демографиясига, халқнинг минталитети ва урф–одатларига, Мустақиллик даври инсонларининг эстетик талаблари ва эҳтиёжларига, замонавий қурилиш техникаси, материаллари ва имкониятларига мос келишлиги зарур.



1–расм. Самарқанд шаҳри тарихий маъмурий маркази қисми учун мўлжалланган турар жойлар лойиҳаси. 1–, 2–, 3–қаватлар тарҳи. Муаллифлар таклифи.


2. Турар жойлар архитектураси ва шаҳар-созликни лойиҳалашда архитекторларга симметрия ва асимметрия горизонтал ва вертикал метрик ритм, нур ва соя, шакллар, ҳажмлар ва ранглар ва шакллар гармонияси, контраст ва нюанс, фактура ва пластика, пропорция, масштабилик ва яхлитлик каби меъморий–бадиий композиция воситаларидан унумли фойдаланишни тавсия қиламиз. Булардан ташқари бино курсиси, вужуд, астана ва бадиий тугаллик композицияси талабларини ҳам назардан четда қолдирмаслик зарур.

3. Юқоридаги тамойилларга асосланган ҳолда биз Самарқанд шаҳрининг XX асрда шаклланган меъморий марказида, аниқроғи Охунбаев кўчасидан вилоят ҳокимлигига бориладиган кўчанинг чап томонида ҳозирда бўш турган ҳудуд ўрнига янги турар жойлар комплексининг шаҳарсозлик лойиҳаси ишлаб чиқдик ва таклиф қилдик (1, 2, 3 ва 4–расмлар). Мазкур маҳалла яхлит меъморий композициявий тизимга эга бўлиб, унда аҳолининг яшаши учун барча замонавий шарт–шароитлар

яратилган.

4. Ушбу маҳалла лойиҳаси бўйича қуриладиган турар жой уйлариининг концептуал лойиҳалари ҳам ишлаб чиқилди: улар ўрта қаватли, кўп секцияли, биринчи қаватдан юқорига секин–аста қисқариб боровчи композицияга эга бўлиб, ҳар бир қаватдаги хонадонлар мўъжаз ҳовлилар, том усти боғлари ва анъанавий айвонлар билан таъминланган (1 ва 2–расмлар). Иккинчи ва ундан юқори жойлашган қаватларда хонадонлар хоналари сонининг қисқариши ҳисобига улар мўъжаз том усти ҳовличаларига эга бўлиб боради. Ҳовлилар сатҳи 1 сотокдан 3 сотоккача майдонга эга. Ҳовли ландшафти ва том усти боғларини замонавий гидропоник, яъни “аклли боғ” услубида амалга ошириш тавсия этилади.

5. Таклиф этилаётган уйлар замонавий кўп секцияли уйлар тарзида қурилса–да, улар Ўрта Осиё тарихий шаҳарларидаги маҳалла уйлариининг анъанавий архитектураси ва тарихий шаҳарлар муҳитига монанд тарзда лойиҳаланган (3 ва 4–расмлар). Ҳар бир хонадон ўзининг мўъжаз ҳовлиси, боғи ва ҳовлига қаратилган миллий кўринишидаги айвонига эга.



2–расм. Самарқанд шаҳри тарихий қисми учун мўлжалланган турар жойлар лойиҳаси. 4–, 5–, 6–қаватлар тарҳи. Муаллифлар таклифи.

Хуллас, юқорида келтирилган илмий ҳулосалар ва тадқиқотимизнинг амалий натижалари, ишлаб чиқилган лойиҳавий тавсия ва таклифларимиз келажакда Самарқанд шаҳрининг тарихий қисмидаги эски мавзелар ўрнига мўлжалланиб, уларнинг амалга оширилиши шаҳримизнинг тарихий кўринишини янги замона-

вий ижтимоий–эстетик ва туризм талаблари асосида шакллантиришга ва рақобатбардош замонавий туристик инфратузилмани яратиш ва шу йўл билан шаҳримизнинг туристик салоҳиятини янада оширишга ёрдам беради, деган умиддамиз. Фикримизча, бизнинг тадқиқотимиз мавзуси ва унда кўтарилган мақсад ва вазифаларнинг келажаги порлоқдир.



3–расм. Самарқанд шаҳрининг тарихий қисми учун лойihalangan турар жойларнинг тарзлари. Муаллифлар таклифи.



4–расм. Таклиф этилаётган турар жой комплексининг умумий кўринишидан лавҳалар

ИНТЕРЬЕРДА ГРАФИКАНИНГ ЎРНИ

Бобомуратов З.Р., доцент (ТАҚИ)

Конструкции несущей системы здания, предметы и сокращение теории точки частей комнаты влияют на интерьерную композицию. Вместе с этим, в зависимости от тени, цветовое решение тона и контраста меняются. В интерьере можно и без человеческой фигуры глубоко выразить тему.

Construction of building structure, objects, point theory reduction of room parts impact on interior composition. Furthermore, in accordance with light and shadow color solution of tone and contrast vary. In interior the theme can be depicted deeply without human's figure.

Интерьер композициясига иморат конструктив асослари конструкцияси, буюмлар хона қисмларининг нукта назарияси қисқариши таъсир кўрсатади. Шу билан бир қаторда соя, ёруғ тушишига қараб тус ва “контраст” ранг ечими ўзгариб туради. Интерьерда одам фигураси иштирокисиз ҳам мавзуини чуқур ифода этиш мумкин.

Ҳар бир интерьернинг ташкил топиши унинг ҳажимларидан қатъий назар қай мақсад учун жиҳозлашга, меъморий тузилишига иншоотининг нима мақсад учун бунёд этилганига ҳам боғлиқдир. Архитектор ўз лойиҳасида, у нима учун қандай мақсадда фойдаланиши кераклиги, каби муаммоларнинг ҳаммасига лойиҳасида ифодадек қилиб, композицион ранг жиҳатдан мутаносиблиги аниқланади сўнг ўзи амалда қўллайди.

Қадимий Миср каби Ўзбекистон маҳобатли тасвирларида, архитектура архитектура обидалари интерьерлари тасвирлана бошлаган. Хоразмда милoddгача IV асрда Тупроққалъа саройида маҳобатли деворий суръатлар ишланганлиги

маълум, лекин бизгача булар бир деворий суратлар ишланганлиги маълум. Фақат парчалар сақланган. Деворий тасвирларнинг йўқолиб боришига иқлим шароитининг, қурилиш ашёларининг таъсири катта бўлган. Бинолар лойиҳадан, паҳсадан қурилган. У намни ўзига тортади. Ер мағзида қолиб кетган. Натижада намгарчиликдан бадийий фрескалар тўкилиб кетган ва деворий сурат эрамизнинг биринчи асрларида Помпей деворий фрескаларида тўлиқ архитектура композициялари бизгача етиб келган. Лекин, бу тасвирларда перспектива ҳаёлан қонун қоидага амал қилинмаган фантастик усулда тасвирланган.

Ўрта аср Хитой санъатида ҳам интерьер тасвирларини учратамиз. Бу кўринишлар хусусан, обидалар ташқи кўриниши албатта манзара билан боғлаб ишланган. Бу ўз навбатида инсон ҳаётининг атроф муҳит билан боғлиқлигини кўрсатадиган илк қадамлар бўлган.

Италия уйғониш даври намoёндаси бўлган буюк рассом Джотто асарларида интерьер кўринишининг нисбийлик ечимлари ҳам ўз ифо-

дасини топган. Хаво перспективасини Флоренцияда Д.Балдовинетти ва кейинчалик бу санъатни юкори даражага кўтарган Леонардо да Винчи ҳисобланади. Чунки, у ўз асарларида нафақат инсон ва атроф-муҳит муносабатининг узвийлигини тўғри топган ва ёруғ-соя ёрдамида унинг ички дунёсини уйғунлаштира олган.

XVII асрга келиб, Голланд рассомлари Я.Стен, А.Остаде, Г.Тербархлар томонидан интерьер тасвирини ишлашга алоҳида урғу берилди.

Вемер Делфгиский ўз асарларида хона ички кўринишларига тушаётган куёш нурини шу даражада нозик ифода этганки, бу эса унинг асарларига шоирона руҳ киритилганлигини намоён қилган. Унинг ижоди кейинчалик интерьер ва шаҳар манзараларини ишлашда асос бўлди ва шу йўналишда мактаб яратилди.

Ф.Халс, Рембрандт, Веласкесларнинг асарларида инсон тасвири интерьер композициясида етакчи ўринни эгаллайди. Чунки, хона ичида инсон образи интерьер композициясини янада кучайтиради.

XVIII асрга келиб С.Шарден интерьер ҳақиқий куйчисига айланади. Унинг тасвирлардаги ҳар – бир предмет, маълум бир вазифани ўташи ифодаланганлиги сабабли сюжет интерьер тасвирининг функциясини, баҳаволигини ифодолаган ёлда санъат даражасига етади.

XIX асрга келиб, классицизм намоёндалари бўлган Л.Давид ҳамда Д.Энгр интерьер тасвирларини барча қонун-қоидалари асосида аналитик аниқликда, беҳато тасвирлаш даражасига эришишади.

Интерьер мавзусида Шарқ рассомлари ҳам турли даврларда ижод қилишган. Шарқ миниатюраларида сарой, ижтимоий бинолари ҳамда тураржой интерьерлари ифодаланган. Мусавир асарлари орқали, улар яшаган давр кишлоқ уйлари, саройларнинг ички интерьерлари орқали деворий безак турлари, мебел турларини намоён қилган. Кўплаб реалистик санъат асарларида безак турлари мебел - жиҳозлари сарой, тураржой, каби обидалар дам олиш хоналари композицияларида ифодаланган.

Интерьер композициясига иморат конструктив асослари конструкцияси, буюмлар хона қисмларининг нуқта назарияси қисқариши таъсир кўрсатади. Шу билан бир қаторда соя, ёруғ тушишига қараб тус ва “контраст” ранг ечими ўзгариб туради. Интерьерда одам фигураси иштирокисиз ҳам мавзуини чуқур ифода этиш мумкин.

Ҳар бир интерьернинг ташкил топиши унинг ҳажимларидан қатъий назар қай мақсад

учун жиҳозлашга, меъморий тузилишига иншоотининг нима мақсад учун бунёд этилганига ҳам боғлиқдир. Архитектор ўз лойиҳасида, у нима учун қандай мақсадда фойдаланиши кераклиги, каби муаммоларнинг ҳаммасига лойиҳасида ифодадек қилиб, композицион ранг жиҳатдан мутаносиблиги аниқланади сўнг ўзи амалда қўллайди.

Интерьер жиҳозлардан тортиб, ҳар бир бадий безак тури иморатдан фойдаланиш хусусиятларидан келиб чиқилган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Бино ички бадий безаклари интерьердаги мутаносибликни ўзига хос хусн ва чирой намунаси бўлиб кўринишига хизмат қилиши лозим. Чунки, интерьерни дид билан, жиҳозлаш фойдали ҳажм бўшлиқни, бир тарафдан тежаса, иккинчи тарафдан, хонада бирор-бир тадбир ўтказиш учун қулай шарт-шароит яратади. Бу биринчидан, интерьернинг эстетик жиҳатдан чиройли бўлишига хисса қўшса, иккинчидан унда ўтказиладиган тадбирлар учун ҳамда инсон сезги, меъёр ўлчови ва дид онгини шакллантиришда хизмат қилади. Бу жиҳатларнинг ҳаммаси бадий дид тасвирий ҳам-жиҳатлик билан архитектура фазовий бўшлиқни бир бутун яхлит кўринишига омил бўлади.

Архитектура интерьер ва экстерьер тасвирий қисми, маънодан чизма тафаккури ва кенг маънода эркин ижодни (фантазияни) ҳам талаб қилади. Архитектор ўз биносига чиройли либос кийдирмоқчи бўлса, албатта тасвирий санъат турларига, амалий санъатнинг наққошлик ва ўймакорлик соҳасига мурожаат қилади. Санъатнинг бу турларини у ўз иншоотида қўллар экан, албатта иморатни бадий ва эстетик жиҳатдан мутаносиб яхлит кўринишга эришиш учун ҳаракат қилади. Бу яхлитлик синтез бадий шакл ва чиройли безак нақшлари орасидаги меъёрий мутаносибликка эришиш натижасида юзага келади.

Архитектуравий композиция, бадий безаклар билан бирга интерьер муаммосини хал қилишда, яъни биринчидан, иморатни ўз вази-фасига мувофиқ шакллантирилса, иккинчидан, уни фазовий ҳажмига боғлиқ композицион бўшлиқни бадий безаш (диван, кресло ва парда анжомлари билан тўлдириш) яъни, уларнинг бир-бири билан мутаносиблигини мувофиқлантириш масаласи туради. Бу барча безак шакллари ва воситалари интерьер муҳити билан боғланган ҳолда бўшлиқни композицион тўлдириш учун ёрдамчи унсурлар бўлишига қарамасдан, улар умумий талаб доирасини ташкил этади. Шу жиҳатлари билан архитек-

тура интерьерини шакллантириш жараёни ансамбл ташкил этиш вазифасини ўташларини таъминлаш, энг аввало буюмлар композицияси яхлитлигини боғловчи, ўзаро ранг, тус, шакллар мутаносиблигини тўғри ифодалай олишга боғлиқ.

Архитектура йўналишида олий ва ўрта таълим ўқув муассасаларида берилаётган умумий билимларнинг талаба амалий фаолияти билан боғлиқлиги катта аҳамиятга эга. Лойиҳалашнинг барча босқичлари қораламалари, лойиҳанинг архитектура шаклини деталларига ишлов берилишда текисликда тасвирланади. Архитектура лойиҳаларида техник таъсирдан ташқари кўргазмалар тасвир ҳам керак бўлади. Архитектура лойиҳаларида чизма геометрия каби ўқув фанлардан ташқари қаламтасвир, рангтасвирни ўрганиш ҳам муҳим ўрин тутати. Архитектор, дизайнерларга интерьер устида ишлаш унинг ижодий фикрлашини шакллантиришга имкон беради.


Интерьерни чизиш перспектива билимларини билишни ва ундан фойдалана билишни тақозо этади. Хона ички кўринишини чизишдан олдин у йўлак (коридор), аудитория, ёки ҳашамдор зал кўриниши бўлсин, қайси нуктадан қизиқроқ ва аниқроқ кўринишни аниқлаш лозим. Талабалар одатда интерьерга асосий, эътиборни қаратиб ишлашда бирор-бир йирик предметни, тасвир ўртасида жойлаштиришади. Деворлар атроф муҳитга айланади. Интерьерда эса айнан хона ичини тасвирлаш керак. Яъни, деворлар масофасини хона ичини яхлит қизиқ кўриш, кириш эшигидан бошлаб, бурчаклар, шифт, пол чизиқлари қандай йўналишини, қисқаришини ўрганиш ва бир неча қораламалар (наброскалар) ишлаш лозим. Албатта, интерьер кўринишининг қизиқроқ нуктасини топиш керак. Бунинг учун хонани тарқ этиб, эшик орқали узокроқдан қараб кўриш, хонадаги буюмларини биринчи, иккинчи ва орқа планга тақсимлаб чиқиш, бу этапда деталларга ҳозирча эътибор бермаслик тасвирни яхлит олиш сўнг умумийликдан секин-аста, деталларга ишлов бера бошлаш талаб қилинади.

Интерьерни ифодали яратиш учун ёруғ-сояни яхшилаб кузатиш, ёруғлик тушаётган йўналишга, соя, рефлексларга эътибор бериш яхши натижа беради.

Биринчи навбатда интерьернинг энг ёруғ ва энг соя жойини белгилаш, ҳар-бир буюмнинг ўз сояси ва ундан тушаётган сояларни кузатиш токи, тушган соя ўша буюмнинг шаклини ифодалашга ёрдам берсин. Тус муносабатини ҳал этаётганда интерьердаги буюмнинг энг тўқ жойидан ёруғ қисмига секин - асталик билан

ўтиб бориш яхши натижа беради.

Интерьер тасвирнинг қаламда тугалланган ҳолати қизиқарли композицияга эга бўлиб перспектива ва қуриш, ёруғ-соя қоидаларига таянган бўлиши билан бирга буюмларнинг сирт ифодаси (яъни фактураси ёғоч, шиша, металл ва ҳақозо) ҳақида ҳам тасаввур бера олиши керак. Интерьерни тасвирлашда қоидага кўра тезкор, контур чизиқлардан фойдаланган маъкул. Бундай чизиқлар архитектура нисбийликлари, планлари, перспективасини, интерьердаги деворий безакларини тасвирлашда қўл келади. Лекин, контур чизиқлар ёрдамида тасвир шартли равишда ишланишини ёддан кўтариладмаслиги лозим.



Тасвирий санъатда бино интерьерини тасвирлаш долзарб мавзулардан биридир. Чунки, инсон ҳаётининг ярмидан кўпи бино ичида ўтади. У инсоннинг турмуш кечинмалари билан ҳамбарчас боғлиқ. Тарихий, маиший ва замонавий мавзудаги бадиий асарларда, интерьер фон тариқасида ҳам ишлатилиши мумкин. Интерьер ҳолати орқали хонадон соҳибсининг диди ҳақида ёки бино жиҳозланишига қараб замонавий илмий тараққиёт ҳолати ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Замонавий уйнинг эшик ва деразаларининг шакли, ҳажми, девор ва шифт, полнинг беағи уй жиҳозлари-

ни тасвири орқали унинг қайси даврга мансублигини билиб олишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтиш лозимки бадий ва ижодий жиҳатлари билан боғлиқ услуб ундаги буюмларни бир-бири билан функция жиҳатдан алоқадорлиги, яъни тус, шакл жиҳатлари уларнинг уйғунлиги интерьерни яна ҳам яхлит кўрсатишга олиб келади. Архитектура интерьернинг бир бутунлигини таъминловчи айрим қисмлари ўртасидаги уйғунлик мутаносиблиги композиция тузилиши лойиҳада ўз мавқеини топа билиши, талабанинг интерьер мавзусида чизган машқлари махсули десак ҳам бўлади. Барча муаммоларни хал қилувчи омил, бу замонавий лойиҳа бўлибгина қолмай инсон ижодий фаолиятини, ишлаш қобилиятини, қулай ва нурафшон ва маъно англатувчи интерьер

синтезини яратиш кўникмалари натурандан интерьер чизишда ҳамда фазовий композициялар яратишда шаклланади. Шунинг учун ўқув жараёнида турли функцияга эга иморатлар интерьерни чизиш топшириқларини ишлаб чиқиш зарур.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. “Ўзбекистон”, 1996.
2. Абдуллаев Н.У. Санъат тарихи. “Ўқитувчи”, 1986.
3. Умумтаълим мактабларида тасвирий санъат таълими концепцияси, 1995.
4. Малик Набиев. Рангшунослик. “Ўқитувчи”, 1995.

ТРАНЗИТ ЙЎЛЛАРДА АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ ЖОЙЛАШУВИ

Ҳасанов А.О. (ТАҚИ)

Статья посвящена вопросам формирования традиционных остановок караванов на Великом шелковом пути.

This article is dedicated to formation of traditional stops of the caravan on Great silk road.

Қадимги халқлар ва мамлакатларнинг ривожланишида савдо ва транзит йўллари аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Мил. авв. III минг йилликка келиб, Ўрта Осиёнинг кўпгина ҳудудларига урбанизацион жараён кириб келди. Мана шу даврга келиб чўл ва дашт ҳудудларидаги кўчманчи, чорвадор аҳолининг воҳалардаги ўтроқ аҳоли билан ўзаро иқтисодий алоқаларининг йўлга қўйилганлиги кузатилади.

Буюк Ипак йўли – инсоният ривожланиши тарихида ўзининг бетакрор аҳамиятига эга бўлган феномен ҳисобланади. У турфа маданий қадриятлар бўлагига айланганлиги ва мамлакатлараро бозор вазифасини ўтаганлиги билан характерланади. Шу билан бир қаторда Буюк ипак йўли бўйлаб шаклланган аҳоли пунктлари ҳамда йўл бўйи хизмат кўрсатиш биноларининг жойлашуви ҳам катта аҳамиятга эга бўлган.

Транзит йўллардаги аҳоли пунктлари бири-биридан маълум бир масофаларда ва қонуниятлар асосида шаклланганлигини гувоҳи бўламиз.


Маълумки Марказий Осиё шаҳар ва қишлоқлари орасида ҳафтанинг кунлари номи билан аталадиган талайгина аҳоли яшаш жойлари пунктлари бор. Масалан Тожикистоннинг пойтахти Душанбе шаҳри шундай номланувчи

қишлоқ ўрнида пайдо бўлган ва Самарқанддан шарқ томонда ҳам ғарб томонда ҳам жуда кўп Чоршанба, Пайшанба, Жумъа, деб номланган аҳоли яшаш пунктлари мавжуд. Шунингдек Республикаимизнинг бошқа ерларида ҳам кўп-лаб пайшанба чоршанба каби қишлоқ ва кўрғонлар бор. Шуни эътиборга олиб биз Самарқанд ва Бухоро оралиғидаги аҳоли яшаш жойларининг номлари ва жойлашувини кўриб чиқдик. Бу икки қадимий ва буюк шаҳарлари орасидаги масофа 270 км га тенг. Албатта қадим замонда Бухоро ва Самарқандни боғлаб турувчи бир неча карвон йўллари мавжуд бўлган. Аммо уларнинг асосийси Зарафшон дарёси йўналишига тўғри келган бўлиб, замонавий автомобил йўли узунлигига мувофиқ келган.

Ўрта асрларда “шоҳ йўли” номи билан машҳур бўлган Бухоро – Самарқанд йўли 37 ёки 39 фарсах масофага тенг бўлиб, Шарг (Жарг), Тававис (Товус), Кармана, Дабусия, Арбинжон (Ребинжон), Зармана, Қаср ал-Алқама каби шаҳар ва қалъалар орқали ўтган [1].

Агар карвоннинг бир кунлик ўртача босиб ўтган масофаси 35 – 50 км эканлигини ҳисобга олсак, бу иккала шаҳар оралиғидаги масофа тахминан олти кунлик йўлни ташкил этади [2]. Дарҳақиқат чоршанба пайшанба жума деб номланувчи аҳоли пунктлари ҳам бир – биридан ёки Самарқанду Бухоро каби йирик

шаҳарлардан бир кунлик карвон юриш масофасида марҳалаларда жойлашган. Карвонлар мусулмонларнинг асосий дам олиш куни жума ёки асосий катта бозор куни Бухородан чиқиб кейинги ҳафтанинг ўша кунида иккинчи йирик шаҳар Самарқандга келиб тушилган ва унинг акси. Яна бир нарсага эътиборни тортмоқчимиз – Самарқанддан Тошкент ва Хўжандгача бўлган карвон йўли ҳам тахминан бир ҳафталик масофани ташкил этган. Бухоро ва Самарқанд орасидаги масофа 6 кунлик (бозорни ҳисобламаганда бир ҳафта) эканлиги ҳақида ўрта аср муаллифлари маълумотлари ҳам мавжуд. XV асрда Амир Темур саройига ташриф буюрган Испан сайёҳи ва элчиси Руи Гонзалес Де Клавихо жума куни Самарқанддан чиқиб пайшанба куни (олти кундан сўнг) Бухорога етиб келганлигини ёзади. « Жума куни 21 ноябрда элчилар у ердан Самарқанддан чиқишди ва яхши текис гавжум йўлдан жўнашди. Олти кун улар шундан юришди ва уларга барча нарсалар берилди, дам олишга ва овқатига қарашилди. Пайшанба куни 27 ноябрда Бухоро деб аталадиган катта шаҳарга етиб келдик » [3].



1-расм. Буюк ипак йўли бўйлаб Аҳоли пунктларининг жойлашуви

Карвонлар одатда ёзнинг жазирамасида фақат тунда ва саҳардан чошгоҳгача юришган. Қишда ва ёзда ўтилган масофа бир хил бўлмаган. Шунинг учун ўртача тахминан 35 – 50 км орасида масофа босилган. Шунини ҳисобга олиб ва аҳоли яшаш жойларининг ҳафта кунларига тўғри келишини назардан ўтказиб узок

масофалар маълум бир ритм асосида аҳоли яшаш жойи, агар унинг иложи бўлмаса аҳоли тўхташ жойлари (рабод, ҳазора, чойхона, мусофирхоналар) шаклланганлигини кўрамиз. Бу ритм қадам ҳар 35 – 50 км масофада каттароқ тўхташ жойи ва ҳар 16 – 24 км масофада яна бошқа оралик пунктлари жойлашганлигининг гувоҳи бўламиз. Яъни 16 – 24 км ли масофа яёв юрганда 4 – 6 соатлик уловда 2 -3 соатлик масофани ташкил этиб, қийин шароитда тўхтаб ўтиладиган ва кичикроқ савдо қилинадиган жойлардан иборат бўлган. Шундай қилиб Марказий Осиё шаҳарлари қўрғон ва қалъаларнинг работларнинг ўзаро жойлашуви кишининг бир кунлик оптимал (35 – 50 км) ва эстремал шароитда (16 – 24 км) босиб ўтиши мумкин бўлган масофаларда шаклланган. Бу эса ўз навбатида катта ҳудудларни эргономик уйғунлашуви – киши фаолиятига иқлим ва имконият даражасида мос тушишини таъминлаган. Дарҳақиқат табиий борлиқ куёш ер ой сайёралар ердаги тоғу дарё ва бошқа мавжудотнинг табиий ўзаро муносабат ва мувозанатда жойлашувидан сўнг кишилиқ фаолиятининг кетиши учун зарур бўлган мувозанат – шаҳар ва бошқа аҳоли яшаш жойларининг ўзаро мувофиқлаштириб жойлаштирилишини меъморчиликдаги бирламчи уйғунлаштириш босқичи деб белгиласа бўлади.

Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” (“Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиш жойи”) асарида Шохрух Мирзо сайёҳлари ҳар бир кунлик йўлдан сўнг ёмлар, карвон тўхташ пунктлари ва ҳар бир ҳафталик йўлдан сўнг бирон-бир шаҳарга келганликлари баён қилинган [4]. Ундан ташқари Мирзо Бобурнинг доруссалтана Самарқанддан жаннатмонанд Андижонга бир ҳафтада етиб келганини ёзади. Фикримизча бу масофа ҳам довол орқали бир ҳафталик йўл-270-300 км ни ташкил қилган.

Худди Руи Гонзалес Де Клавихо Бухородан Самарқандгача бир ҳафтада келганидек Бобур ҳам Самарқанддан Хўжандгача бир ҳафта юрилганлигини ёзади. Чунки Бобур юқорида келтирилганидек бу масофани ҳам олдингисига тенг яъни 25 йиғоч деб ёзади. Бунда албатта Бобур замонасидаги карвон йўллари уйғунлигини ҳозирги масофалардан фарқ қилиши мумкинлигини ҳам эътиборга олиш керак. Чунки карвон йўлларининг бир неча йўналишлари мавжуд бўлган: « ражаб ойи шанба куни Андижон азимати билан Самарқанддан чиқтук. Бу навбат Самарқанд шаҳрида юз кун подшоҳлик қилдим. Яна шанба эдиким

Хўжандга еттим » [5].

Ўрта асрларда Буюк ипак йўлида шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг жойлашувида, уларнинг бир ҳафталик йўл босиб ўтиш масофаси оралиғида пойтахт шаҳарлар жойлашганлигини кўрамиз. Чунончи Хива, Марв, Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Тошкент, Андижон шаҳарлари ўзаро тахминан бир ҳафталик масофада жойлашган. Руи Гонсалес Де Клавихо Бухордан пайшанба куни йўлга чиқиб бир ҳафтадан сўнг Самарқандга етиб келганлигини ёзса [6]. Бобур қуйидагиларни маълум қилади: «бири хунддур Андижондан ғарб сориға йигирма беш йиғоч йўлдир. Хўжандин Самарқанд ҳам йигирма беш йиғоч йўлдир». Самарқанддан Уструшана ҳудуди орқали Хўжандга ўтувчи йўлни карвонлар 8 кунда босиб ўтишган [7].

Ёзма манбаларда Хоразмда Урганч (Гурганж) номи билан аталувчи иккита шаҳар бўлиб, улар бир-бирларидан 3 фарсах узоқликда жойлашганлиги, уларнинг бири Хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти, иккинчиси йирик савдо шаҳри бўлиб, Гурганж ёки ал-Журжония деб аталиши ва Туркистон дарвозаси эканлиги таъкидлаб ўтилади [8].

Бошқа манбаларга кўра, минтақа ҳудуди орқали ўтган карвон йўлларининг энг узун тармоғини Амударёдаги Фароб кечувидан Бухоро, Самарқанд ва Хўжанд орқали Ўзгандга олиб боровчи йўл ташкил этиб, бу йўналишни карвонлар 23 кунда босиб ўтганлиги ёзилган [9].

Ички ва ташқи алоқалар ривожини карвон йўлларида хавфсизликни таъминлаш ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириб боришни талаб этарди. Марказлашган йирик давлатларнинг ташкил топиши билан йўл бўйи иншоотлари барпо этиш давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисмига айлана бошлайди. Аҳамонийлар даврида улкан империянинг турли ҳудудларини ўзаро боғловчи алоқа йўллари бўйида, хусусан машҳур “Шоҳ йўли” бўйлаб бир кунлик масофада работлар ва карвонсаройлар мавжуд бекатлар қурилгани маълум.

Карвонларнинг бир кунлик йўли (марҳала) да агар аҳоли пункти жойлашмаган бўлса работлар қурилган эканлиги ҳақида тарихий манбаларда турли маълумотлар ҳам мавжуд. Рашид – ад – диннинг « Жомъе ат – таворих » асарида ҳар маълум масофада ҳазоралар қурилиб у ерда чопарлар учун махсус отларни алмаштириб берувчи жойлар мавжудлиги ҳақида ёзади.

Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича ҳар бир кунлик йўлда ём [10] лар қурилган. Хитой

мамлакатига келиб кетувчи элчилар ҳар куни бир ёмга ва ҳар ҳафтада бир шаҳарга етиб келар эдилар.

Ём-Темурийлар даврида алоқа тизими. Муҳим хабар, хат ва буюмларни тезкорлик билан бир жойдан иккинчи жойга, асосан пойтахт, ҳукмдор қароргоҳига етказиш ва аксинча, фармон ва топшириқларни тарқатишга хизмат қилган. Бобур давлатида мукаммал ём ташкил қилинган. Шу мақсадда Аградан Қобулгача ҳар йигирма чақиримда бир ём бекати ва қоровулхоналик миноралар бўлган. Ҳар бир ёмда махсус хизматчилар қўриқчилик қилган, ём отлари боқилган [11]. Қадага (шошилинь) йўлга чиққан хат-хабарни элтувчиларни кутиб олиб, озиқ овқат ва янги от билан таъминлаган: “Ҳар тўққиз курух манор кўпорғайларким, манорнинг баландлиги ўн икки қари [12] бўлган.

Бундай иншоотлар одатда савдо йўллари-нинг хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилган кичик ҳарбий гуруҳлар учун мўлжалланган бўлиб, улар савдо карвонлари тўхтаб дам олиши учун ҳам мўлжалланган, яъни карвонсарой вазифасини ҳам бажарган. Шу тариқа работлар, яъни мустаҳкамланган карвонсаройлар вужудга келади.

Карвон йўллари қадимги давр ва ўрта асрлар давомида нафақат савдо-иқтисодий алоқалар амалга ошириладиган, шу билан бирга, кенг кўламдаги маданий мулоқот юзага келадиган, илм-фан ва технологик янгиликлар тарқаладиган, диний-фалсафий таълимотлар ўзаро таъсирга киришадиган мулоқот йўли сифатида ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб келди. Шу сабабли, карвон йўллари, нафақат иқтисод, балки маданий ҳаёт ривожига ҳам муҳим ўрин тутади.

Қадим замонларда савдогарлар халқ орасида энг нуфузли, мўътабар инсонлар эдилар. Чунки улар фақат мол олиб мол сотувчи ва ундан фойда оловчи жамиятнинг бой қатламларигина эмас эдилар, балки, узоқ сафарларга катта савдо карвонлари билан боровчи савдогар элчилар зиё ва маданият янгиликларини тарқатувчилар у ёки бу ҳудуддан янги жойларга илғор хўжалик ихтироларини олиб боровчи кишилар ҳам бўлганлар, натижада транзит йўлларда жойлашган аҳоли пунктлари ҳар тамонлама ривожланиб борган.

Юқоридагитранзит йўллар бўйлаб шаклланган аҳоли пунктлари ҳамда йўл бўйи хизмат кўрсатиш биноларининг жойлашувини таҳлил қилиб чиққанамизда Буюк ипак йўли бўйлаб жойлашган аҳоли пунктлари ҳамда хизмат кўрсатиш бинолари маълум бир қонуниятлар асосида шаклланганлигини гувоҳи бўламиз,

яъни аҳоли пунктлари карвонларнинг бир кунлик ҳамда бир ҳафталик масофаларида марҳалаларда шаклланганлигини гувоҳи бўлдик.

Адабиётлар:

1. Ibn Hawqal. La configuration de la Terre (kitab surat al-Ard) ... – P. 471-742; Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия ... – С. 148-149; Buryakov Y.F., Baipakov K.M., Tashbaeva Kh., Yakubov Y. The citils and routes of The Great silk road (On Central Asia documents). – Tashkent: Sharq, 1999. – P. 41-44.
2. Аҳмедов М.Қ. Ўзбекистон Ўрта асрлар меъморий ансамбллари тараққиётининг тарихий-назарий асослари //докторлик диссертацияси // Тошкент: 1996, 83-88 б.
3. Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Темура (1403-1406). –М: Наука. ГРВЛ. 1990. -145-148 б.
4. Абдураззоқ Самарқандий /“Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” Тошкент: Фан. 1969. -Б 304
5. Бобур Захриддин Мухаммад. Бобурнома. Тошкент: Юлдузча. 1989 й. 50-55 б.

6. Аҳмедов М.Қ. Архитектурные ансамбли и вопросы организации городского пространства в средневековом зодчестве Средней Азии //Градостроительство и архитектура. - Ташкент: Фан, 1989, с. 106-110.

7. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия... – С. 222-223.

8. Hudud al-‘Ālam (The regions of the world) ... – P. 122; Камалиддинов Ш.С. “Китаб ал ансаб” Абу Са’ида Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самани ... – С. 51.

9. Ал-Истахри. Книга путей и государств (Китаб масалик ал-мамалик) ... – С. 268; Hudud al-‘Ālam (The regions of the world) ... – P. 493.

10. Ём (ёки ёмхона) –Элчилар, давлат ходимларининг ҳаракат йўлларидаги от алмаштириш ва керак-яроқларни ҳозирлаш учун тайин қилинган манзил.

11. Захриддин Мухаммад Бобур энциклопедияси. Тошкент: Шарқ. 2014. 234-б.

12. Қари - Бир метр чамасидаги узунлик ўлчов бирлиги. Ўзбек классик адабиёт асарлари учун қисқача лугат. Тошкент: ЎзССРФА, 1953, 418 б.

ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРСОЗЛИКДА ЛАНДШАФТ АРХИТЕКТУРАСИНИНГ РОЛИ

Рустамов К.З. магистрант (ТАҚИ)

В Узбекистане растут требования к градостроительству, особенно к благоустройству и озеленению городов, областей, улиц и жилых районов. Наблюдается тенденция соответствия создающегося ландшафта города к естественному характеру данной местности, необходимость экологического подхода для ландшафтной архитектуры, соответствие основы и минимальному изменению того или другого элемента ландшафта.

In Uzbekistan the requiements for town planning are growing, especially for improvement and landscaping of a city, regions, streets and residential quarters. Desire of compliance of creating city landscape with the natural character of the are, ecological approach necessity for landscape architecture, compliance of the economical goal usually come to a maximum natural base preservation and minimal landscape element change.

Ўзбекистонда шаҳарсозликка, хусусан шаҳар, туманлар, кўчалар, турар - жойларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалаларида талаблар ортиб бормокда. Бундай масалаларни ҳал этишда бир қанча қонулар ишлаб чиқилган. Шунингдек, шаҳарсозлик кодексида ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, "Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлт ва маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига киритиш ҳамда шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари чегараларини белгилаш тартиби тўғрисида низом" да қуйидаги бандлар келтирилган: - шаҳарсозлик фаолияти:

- табиий ва техноген тусдаги фавкуллода вазиятлар таъсирига учраган ҳудудларда;

- кимёвий ва (ёки) биологик моддалар, зарарли микроорганизмлар билан йўл қўйиладиган чекланган концентрациялардан ортиқча,

радиоактив моддалар билан йўл қўйиладиган чекланган даражалардан ортиқча микдорда ифлосланган ҳудудларда;

Қўриқланадиган табиий ҳудудларда алоҳида тартибга солинади. - қўриқхона шаҳарлар ҳудудларини шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган умумдавлт аҳамиятига молик объектлар жумласига киритиш Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Яратилаётган шаҳар ландшафтини ушбу ҳудуднинг табиий характериға мос келишиға интилиш, ландшафт архитектураси учун қонуний бўлган экологик ёндошувнинг зарурийлиги, иқтисодий мақсадға мувофиқлик одатда табиий асосни максимал сақлаб қолишға ва ландшафтнинг у ёки бу компонентининг ми-

нимал ўзгаришига олиб келади. Шунинг учун, архитектура-ландшафт лойиҳалаш, қоида бўйича, шаҳар ривожланишининг асосий шакли бўлган реконструкция лойиҳаси ҳисобланади. Қайта шаклланаётган ҳудудда рельеф шакли ўзгариши мумкин, сув ҳавзалари қурилиши, ўсимликлар экилиши, йўллар ўтказилиши, майдонлар ва иншоотлар қурилиши ҳамда бу ҳолда ҳудуднинг ландшафт-географик хarakterистикалари ва уларнинг атроф-муҳит билан боғлиқлиги сақланиб қолади.

Ландшафтни қайта шаклланиш даражаси ҳар хил бўлиши мумкин: масалан, шаҳар боғида қўшимча йўллар қурилиши, парkning лойиҳавий структурасини сақлаб қолишда ўсимликларни алмаштириш, бассейн қурилиши, бўш жойларни кўкаламзорлаштириш, ўрмон массивларини ободонлаштириш ва бошқалар. Юқорида санаб ўтилган ишлар ландшафт реконструкциясининг турлари ҳисобланади.

Замонавий шаҳарнинг кўкаламзорлари системаси турли-туман вазифаларни бажаради, уларнинг ичида энг муҳимлари: шаҳарнинг ҳаво ҳавзасини (бассейни) соғломлаштириш; турар-жой туманларини ва умуман шаҳар микроклимининг яхшилаш; боғ-парк ансамбллари, атрофдаги қурилмалар билан уйғунлашган архитектуравий-ландшафт ансамбллари шакллантириш; шаҳар аҳолисининг оммавий дам олиши учун қулай муҳитни яратишдир.

Тўғри ташкил этилган ва ўйлаб лойиҳаланган шаҳарнинг кўкаламзор ҳудудлар системаси аҳоли учун шаҳарлардаги турмуш шароитларини кишлоқнинг нисбатан табиийроқ ва соғлом турмуш шароитига яқинлаштирилган соғлом табиий муҳитини яратади. Кўкаламзорларнинг ҳам декоратив, ҳам эстетик омил сифатида аҳамияти катта. Дарахтлар, буталар, гуллар кўчалар, майдонлар, турар-жой туманларини бино ва иншоотлар билан органик уйғунлашиб, безатади ва бу билан, ёқимли ташқи кўриниш, шаҳар ва кишлоқларга ўзига хослик бахш этади. Шаҳарсозликда кўкаламзорлатиришга шаҳарнинг кўкаламзор ҳудудларининг ўзаро боғлиқ системаси сифатида қаралади. Йирик яшил массивлар - миллионлаб шаҳар аҳолиси дам оладиган маданият ва истироҳат боғларини яратиш билан бир қаторда шаҳарнинг кўкаламзор системасининг муҳим қисмига айланган турар-жой массивларини кўкаламзорлаштириш ҳам ривожланиб бормоқда. Болалар муассасалари, мактаблар, касалхоналар боғлари, спорт, илмий-тадқиқот ва ўқув марказлари боғлари катта ўринга эга.

Шунингдек, саноат корхоналари, транспорт объектлари ва санитар ҳимоя ҳудудларини кўкаламзорлаштириш муҳим рол ўйнайди. Кўпчилик шаҳарларда муҳим аҳамият тарихий боғлар, ботаника боғлари, кўрғазма ва зоологик паркларга қаратилади. Шаҳар аҳолисининг оммавий дам олишини ташкил этиш учун атрофдаги ўрмонлар ва ўрмон-парклар, сув ҳавзалари ва бошқа шаҳар атрофидаги табиий-ландшафт элементлари кенг фойдаланилади.

Шаҳарсозлик тажрибаси, шунингдек, илмий тадқиқотлар ва кўкаламзорлаштириш амалиёти шаҳарларнинг кўкаламзорлар системасини яратишнинг асосий принципларини белгилаб берилади. Аввало, шаҳарнинг катталиги, аҳамияти ва маҳаллий табиий иқлимий шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўзаро боғлиқ система шаклида яратилиши лозим. Яшил ўсимликларни шаҳарнинг архитектуравий-режавий тузилиши ва аҳолига оммавий хизмат кўрсатишни ташкил этиш системаси билан органик мутаносибликда лойиҳалаш лозим. Кўкаламзорлар системаси шаҳар марказлари, турар-жой ва саноат туманлари марказларининг архитектуравий ансамбллари фазовий композициясининг ташкил этувчи қисми бўлиши лозим.

Кўкаламзорлаштирилган ҳудудлар системасини ташкил этувчи структуравий элементларини уларнинг ландшафт вазифавий ва баъзи бошқа сифатларига кўра турларга ажратиш мумкин.

Умумшаҳар аҳамиятидаги парклар - ривожланган оммавий маданий-оқартув ва жисмоний тарбия тадбирлари системасига эга бўлган йирик яшил массив. У оммавий ташрифга мўлжалланган, шунинг учун етарли даражада ривожланган транспорт тармоғи ва янада мураккаб ҳажмий-фазовий элементлар мажмуасига эга. Бу мажмуа ўзида сув ҳавзаларининг кичик ва катта иншоотлари, роцалар, дарахт ва буталарнинг гуруҳли ва яқка тартибдаги экилиши, гуллар партерлари, фонтанлар ва ҳ.к.ларни жамлайди. Парк учун ҳудуд танлаш аввало табиий ландшафт шароитлари - ўрмон массиви, сув ҳавзаси ёки чиройли рельефнинг мавжудлиги каби шартлар билан амалга оширилади.

Туман аҳамиятидаги парклар - битта умумшаҳар парки ташриф буюрувчиларнинг асосий массасини сиғдиролмайдиган даражада бўладиган катта шаҳарларда жойлаштирилади.

Турар-жой туманлари боғ ва парклари шаҳар ҳудуди бўйлаб шундай жойлаштирилиши лозимки, барча аҳоли учун энг яқин боғ ёки парк пиёда етиб бориш радиусида (1 км дан

кам) бўлсин. Одатда бундай парклар қимматли асосий вазифа шундан иборатки, шаҳар аҳолиси уйдан турар-жой ҳовлиси ёки кичик туман боғига чиқиб, туман аҳамиятидаги паркка, кейин эса, умумшаҳар паркига ва ниҳоят, ўрмонпарк ёки шаҳар ташқарисидаги дам олиш ҳудудига бориши имкониятини яратиб бериш лозим. Бошқача қилиб айтганда, шаҳарнинг табиий атроф-муҳитда органик ривожланишининг асосий шарти - бу ички ва ташқи очик муҳитларнинг мустаҳкам ўзаро боғлиқлиги, уларнинг узлуксизлиги, шаҳар қурилмалари ичига ўрмон-парклар, майсазорлар, кенг соҳилбўйи ҳудудларнинг чуқур ёриб кириши ва ҳ.к.лардир. Бу ҳолда узлуксизлик деганда, аввало очик кўкаламзор ҳудудларнинг ҳар бир шаҳарсозлик даражасида тўғридан-тўғри алоқаси ва даражалар орасида зарурийлиги, энг муҳими - очик фазовий муҳитларнинг қурилмалар билан алоқаси, яъни шартли қилиб айтганда, "ландшафт" ва "архитектура" боғлиқлиги тушунилади.

Шаклланган шаҳарсозлик ва табиий шароитлардан келиб чиққан ҳолда шаҳарнинг кўкаламзор ҳудудлар системасини фазовий ташкил этилиши ҳар хил кўриниш ва характерга эга бўлиши мумкин. Унда қуйидагилар доминант бўлиши мумкин: қурилмалар массивида текис тақсимланган яшил "доғлар" жамланмаси; шаҳарнинг марказий туманигача кириб боровчи бир неча ўрмон- парклар клини; сув-парк диаметри, яъни шаҳарни дарё ёки сув омбори бўйлаб кесиб ўтувчи парклар ва соҳилбўйи лентаси; кўкаламзорларнинг чизиқли - полоса бўйлаб жойлашиши; шаҳар туманларини ўраб турувчи ташқи кўкаламзорлар массивлари.


Шаҳарларнинг ҳудудий ўсиши, ўзаро боғлиқ шаҳарлар гуруҳининг ривожланиши катта кўкаламзор массивлар ва очик фазовий муҳитлар аҳамиятини оширди.

Йирик шаҳарлар ҳар бирида кўкаламзор ҳудудларнинг ўзига хос системаси ташкил этилган режавий туманларга ажратилади.

Йирик кўкаламзор массивлар ўз ҳолича шаҳарга бутун шаҳар қурилмасига етарли даражада соғломлаштирувчи таъсир кўрсата олмайди. Бунинг учун ҳар хил вазифага мўлжалланган кўкаламзор ҳудудларнинг оптимал микдорини аниқлаб, кўкаламзор объектларини тўғри жойлаштириш, ҳамда ўсимликларни экишда ва экилган дарахт, бута, гуллар ва ҳ.к.ларни парвариш қилишда агротехника шароитларига амал қилиш лозим.

Био ва иншоотларни қуришдан фарқли равишда ўсимлик дунёси ўзига хусусиятларга

эга: ландшафт ансамбллари ўзининг фазовий шаклига экилгандан камида бир ярим - икки ўн йилликдан кейин эга бўлганлиги сабабли боғ ва паркларни яратиш учун кўп йиллар талаб қилинади.



Шаҳар кўкаламзорлар системасининг назарий схемалари: а - кўкаламзорларни халқа қилиб жойлаштириш (француз шаҳарсози Е. Энар таклифи); б - кўкаламзорларни ҳоллар кўринишида жойлаштириш (Е. Энар таклифи); в - кўкаламзорларни ташқи яшил халқа билан бирлаштирувчи клинлар шаклида жойлаштириш (немис шаҳарсозлари Р.Эберштадт, Б.Моринг, Р.Петерсон таклифи); г - ўсимликларни энг қулай етиш радиуси бўйича жойлаштириш асосида ташкил этилган комбинацияланган схема (инглиз шаҳарсози Г.Пеилер таклифи).

Шуни эътиборга олиш лозимки, кўкаламзорлар узок муддатлилик хусусиятига эга эмас (ҳар хил тадқиқотлар маълумотларига кўра, уларнинг тўғридан-тўғри таъсири маҳаллий шароитга боғлиқ ҳолда 50-200 м билан чегараланади), йирик кўкаламзор массивлар ва "артерия"лар яшил "капиллярлар" билан тўлдирилиши лозим. Микроклимга қурилма ва кўкаламзорлар чизигининг 200 - 400 м атрофидаги қалинликда алмашиб келиши етарли даражада эффект беради.

Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектурасининг замонавий назария ва амалиёти "яшил клинлар" структурасини яратишнинг тарихий шаклланган гоёсини қабул қилган ва бу гоё шаҳар муҳитини соғломлаштиришдан ташқари шаҳарларнинг йирик туманларини суперурбанизациядан ҳимоя қилувчи ўзига хос бўлган

таъкик худудлари ролини ўйнайди.

Ҳар хил катталиқдаги ва халқ ҳўжалиги йўналишидаги шаҳарларни кўкаламзорлаштириш аҳолини жойлаштириш масалалари ва фазовий-режавий структурасидан келиб чиқиб лойиҳаланади. Масалан, кичик шаҳарларда яшаш худуди турар-жой туманларига ажратилмаган; умумшаҳар маркази ва шаҳар ташқарисидаги дам олиш жойлари, одатда, пиёда етиш радиуси ичида жойлашган. Шунинг учун, кичик шаҳар кўкаламзорлар системасига кичик туман боғлари, шаҳар парки ва уларни боғлаб турувчи кўкаламзорлаштирилган пиёдалар йўлаклари киради.

Катта ва йирик шаҳарлар бир неча турар-жой ёки шаҳар туманларига ажратилиб, мураккаброқ кўкаламзорлар системасига эга бўлади. Бу системага кичик туманлар ва турар-жой туманлари боғлари, умумшаҳар парки (марказий қисмида бўлиши мақсадга мувофиқ), транспорт магистраллари бўйлаб ҳимоя кўкаламзорлари киради.

Энг йирик шаҳарлар кўкаламзорлари системаси уларнинг архитектуравий-режавий ечимининг хусусиятларини акс этган ҳолда таби-

ий ландшафт билан узвий боғланган.

Адабиётлар:

1. Авдотъин Л.Н., Лежава И.Г., Смоляр И.М. "Градостроительное проектирование". - М., 1989.
2. Алферов И.А., Антонов В.Л. "Формирование городской среды" -М., 1977.
3. Баранов Н., Шквариков В. и др. "Основы градостроительства". - М., 1966.
4. Белкин А.Н. "Городской ландшафт". - М., 1987.
5. Боговая И.О., Теодоронский В.С. "Озеленение населенных мест". -М., 1990.
6. Валиев Р.М., Гольдштейн Г.К. и др. "Рекомендации по учету природно-климатических факторов в планировке, застройке и благоустройстве городов и групповых систем населенных мест в условиях Узбекистана". - Т., 1981.
7. Ганиев А.В., Минчук В.И. "Оптимизация развития городов". -Т., 1980.
8. Горохов В.А. "Городское зеленое строительство". - М., 1991.
9. Залеская Л.С., Микулина Е.М. "Ландшафтная архитектура". - М., 1979.
10. Исамухамедова Д.У. "Шаҳарсозлик асослари", ўқув қўлланма. - Т., 2000.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚЛИМ ШАРОИТИДАГИ ТУРАР-ЖОЙ БИНО ИНТЕРЬЕРЛАРИ ВА УЛАРДАГИ РАНГЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ

Исокова М. Б. (МРДИ)

В статье рассмотрены функционально-планировочные решения и особенности цветового решения интерьеров современных жилых домов Узбекистана.

The article deals the with the functional-planning solutions and features color interiors modern residential houses Uzbekistan.

Шаҳар тузилишига кўра ёки замонавий шаҳар турларига кўра турар-жой бинолари лойиҳасида қаватлар баландлиги бир меъёрда олинади. Табиий шароити ноқулай туманларда қаватлар нисбатан камайтиради, зичлик ортади. Маълумки шаҳарлар қурилиши икки қисмга яъни янги ва эски шаҳар қисмларига бўлинади.

Ўзбекистонда турли хил омилларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланган ва ҳозирги кунда аҳоли истиқомат қилаётган турар-жой биноларининг бўлинмалари, коридорли, йўлакли турлари мавжуд. Ҳозирги кундаги шиддат билан ривожланиш даврида турар-жой бинолари қурилиши ўз аҳамияти билан шаҳримиз қиёфасига жиддий таъсир кўрсата олади. Турар-жой бинолари учун майдон ажратилганда мутахассис томонидан объект қуриладиган майдонни турли жиҳатлари куёш йўналиши, елвизак, атрофдаги объектлари ҳисобга олинади,

чунки бино интерьерларига айнан шу омиллар таъсир этади. Қурилишдаги барча жиҳатлар бир бирига узвий боғлиқ ва қурилатган бино лойиҳасининг ечими қурилиш факторларига жавоб бериши шарт.

Турар-жой биноларига ажратилган майдондан келиб чиққан ҳолда хоналар ўлчамлари олинади, бунда бир киши учун ажратилган майдон ҳозирги кун талабларига жавоб бериши назарда тутилади. Ўзбекистон иқлим шароитлари турли вилоятларда турлича бўлиши ҳисобга олинган ҳолда, турар-жой бинолари лойиҳаланади. Турар-жой биноларида хоналар ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз хусусиятидан келиб чиқилади, яъни хоналар меҳмонхона, умумийхона, ошхона, болалар хонаси, ётоқхоналар хусусиятлари ёритиб берилса инсон яшаши учун қулай ҳисобланади. Хоналарга таъриф берилганда албатта меҳмонхонадан бошланса тўғри бўлади, чунки ҳалқимиз меҳмондўст

халқ шунинг учун меҳмонхона миллий урф одатларимизга амал қилган ҳолда замонавийлаштирилади. Меҳмонхонада ёрқин ранглардан фойдаланиш маъқул ҳисобланади, агарда меҳмонхона интерьерларида алоҳида ажратилган чизиқлар деталлар бўлса, бир оз тўқ ранг беришимиз мумкин. Умумий хона – оила аъзоларимиз биргаликда йиғиладиган майдон бўлиб, унинг ҳажми кенгликни талаб этади. Баъзи ҳолларда майдон нисбатан кичик бўлса, мутахассисдан маҳорат талаб этилади, айнан ранглар орқали кенгликни кўрсата олишимиз мумкин. Бундай ҳолларда иссиқ ранглар ва нисбатан мовий ранг уйғунлиги зарур бўлади.

Ошхона хонадон соҳиббаларининг индивидуал қарашлари, дид ва меъёрларига боғланади, кўпгина ҳолларда ювиш учун қулай обойлар танланади ва хонанинг ўлчамлари рангига таъсир этади. Масалан кичик ўлчамли ошхона учун очиқ рангли, каттароқ ҳажмли бўлса баъзи чизиқларда совуқ ранглардан ҳам фойдаланиш мумкин бўлади.

Болалар хонаси - бу хонада болалар ёши ҳисобга олинади, ундаги барча элементлар, жиҳозлар ва ранг бир неча факторларга амал қилинади. Қизлар - ўғил болалар хонаси уларнинг кизиқишларига, дунёқарашларига таъсир эта оладиган ечим берилиши талаб этилади. Болалар психологиясига ҳатто битта жиҳоз ҳам кучли таъсир этиши назарда тутилади. Кўпгина ҳолларда болаларга ранг баранг жиҳозлар орқича ранглар аралашмаси деталларни майдалашиши салбий таъсир этиши мумкин, шуни инобатга олиб рангларни эҳтиёт бўлиб ишлатиш зарур. Олов ранг, иссиқ рангларни ёрқинроқ ифодалаш иқлим шароитимизга мос келади. Ётоқхоналар катталар ва болалар ётоқхонаси – кўп ҳолларда ётоқхоналар фақатгина ухлаш учун эмас балки ишлаш хонаси бўлиб ҳам хизмат қилади, бундай ҳолларда иш жараёнида чарчатмайдиган ранглардан фойдаланган маъқул. Жигар ранг -иликлик бағишлайди, оқ ва ҳаво ранг уйғунлиги ҳар қандай ёшдаги кишилар учун муаммо бўлмайди.



Умумий хона ошхона ва ошхона билан умумлашган хона.



Болалар хонаси ва умумий хонадаги ранг изланишлар.



Ўлчам жиҳатдан бир хил ётоқхонани ранг ва жиҳозлардаги турли усуллардаги ечимлари.

Турар-жой биноларини хоналаридаги рангларни тахлилаганимизда, интерьердаги жиҳозларни ҳам назардан четда қолдирмаслигимиз зарур. Интерьерда жиҳозлар хатто флористикаси кишилар онгига, психологиясига кучли таъсири барча мутахассислардан маҳорат талаб этади. Турар-жой биноларда, яъна бир муҳим фактори ёруғликдир. Албатта имкон борича табиий ёруғлик меъёрада белгиланган ҳолатда бўлиши муҳим саналади. Баъзи хоналарга табиий ёруғлик камроқ тушади, бундай ҳолатларда сунъий ёруғлик ва интерьерни тўлдирувчи ранглардан фойдаланилади. Замонавий турар-жой бинолари қурилишида баъзи ҳолатлар, буюртмачи фикрини маъқуллаган ҳолда интерьерда ранглар танланади, бунда бир оз нотўғри ечим ҳосил бўлади, айнан мутахассис томонидан лойиҳада таклиф этилган ранг ечими инсон психологиясидан, дунёқараши, касби ҳисобга олинган ҳолда топилади. Ҳозирги замонавий турар-жой биноларимиз бир тусда интерьерлари ва экстерьерлари лойиҳаланиши ҳам деярли тўғри ечим деб бўлмайди. Тарз қисмидаги тўқ ранглар, интерьерда ишлатилиши умуман талабга жавоб бермайди, чунки айнан Ўзбекистон иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолдаги лойиҳалар худудий хусусиятларини қамраб олишини ҳисобга олиш жуда муҳим омилдир.

Ҳаётда етти хил табиий ранг мавжуд, ранглардан тўғри фойдаланилса, композицион ечими ҳам зерикарли бўлмайди. Жиҳозлар бир хиллигидан қатъий назар, ранг турар-жой биноларида кенгрок имконият яратади. Ранглар

хонанинг характериға кучли таъсир кўрсатади, шинамлик, индивидуаллик, эстетик қиёфаларини очиб беради. Турар-жой бинолари эгалари қандай касбда бўлмасин ўзлигини намоён эта олади. Ранг ҳар қандай ҳолатда одамларга муайян психологик-физиологик таъсир кўрсата олади. Ўзбекистон иқлим шароити билан боғлиқ ранглардан яшил ранг машғулотлар худудига тавсия этилади, у кишини бир маромда ритмик ишга ёки осовишталикка мойил қилади. Ҳаво ранг хоналар шинамлигини ташкил этишга ёрдам беради. Сарик ранг иссиқ ранг бўлсада, баъзан одамни тез чарчатиши мумкин, лекин ҳар қандай рангга оқ ва қора рангни аралаштириб оралиқ рангни ҳосил қилиш мумкин. Оқ юзлар ёруғлик нурини кўпроқ намоён қилади, шунинг учун предметларнинг рельефини бошқа рангларга қараганда яхшироқ акс эттиради. Баъзи ҳолларда хоналар торроқ бўлади, бунда зангори ва кул рангдан фойдаланиб сатҳни кенгайтириш мумкин. Узунроқ хоналарда зарғалдоқ ва терракота, қизил ранглардан фойдаланган маъқул. Интерьердаги ранг ечими шифт ва деворлардаги композицион ечимлар билан уйғунликда бўлиши шарт. Тонал муносабатлар бўшлиқни идрок этишга таъсир этади. Интерьерларда контраст ранглар хонани кичикроқ кўрсатса ва аксинча нюанс ранглар кенгрок кўрсатади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам қуриладиган объект учун танланган майдонни хусусиятларини пухта англаш нафақат турар-жой бинолари, балки барча бинолар учун муҳим омил бўлиб қолади.

САД НА КРЫШЕ – СОВРЕМЕННАЯ ТЕНДЕНЦИЯ, ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ

Дробченко Н.В., Урунова Н.Х. (СамГАСИ)

Мақолада "Келажак пойдевори бугун яралади" деган таникли ибора сунъий (биноларнинг томлари) майдонларда боғлар яратиш муаммосига таалукли бўлиб, бугунги кунда дунё мамлакатларида кенг тарқалганлиги, амалий ифодасини топганлиги ва буларнинг келажаги порлоқлиги ва ер майдонлари танқислигининг ягона ечими эканлиги ҳақида.

Known expression future is born today has a direct bearing on the problem of the garden on an artificial basis today it is becoming more common and definitely has a bright future.

Пожалуй, одной из самых актуальных проблем современных городов является нехватка свежего воздуха и зеленых территорий, особенно в плотно застроенных районах. В период стремительной индустриализации и урбанизации по всему миру мало кто задумывался над соотношением асфальтобетонных поверхностей и парковых зон. Одной из первых ласто-

чек новой тенденции стал знаменитый на весь мир *High Line Park* – неожиданно успешный проект преобразования заброшенной железнодорожной ветки в любимую зону отдыха тысячью – йоркцев (рис. 1).

Открытый в 2009 году, этот парк тем интересен, что расположен на высоте более 10 метров над землей. Успех Нью-Йорка положил

начало новой тенденции: если на земле нет места для зеленых насаждений, используйте здания. Самым плодотворным в этом вопросе является озеленение кровли. Сегодня редкий проект масштабного общественного здания обходится без зеленой террасы на крыше. Вполне логично, что озеленению поддаются и уже существующие постройки.



Рис. 1. High Line Park.

This article is about the cameras, their origin and evolution in history. Photo allowed people to "mothball" the light, "stop a moment." But using the obtained image it is unfortunately still. Since the invention of photography it immediately began to have high expectations. Scientists have considered it an indispensable tool for supervision. And sociologists decided that the photo will help to strengthen family ties.

Foto sur'atga olishda ob'yektning optik tasviri optik tizimlar yordamida fotomaterialning yorug'lik sezgir qatlamiga ma'lum vaqt oralig'ida proyeksiyalanadi. Natijada yoruglik sezgir qatlamda suratga olingan ob'yektning yashirin tasviri hosil bo'ladi; fotomaterialga kimyoviy fotografik ishlov berilgandan so'ng suratga olingan ob'yektning ko'rinadigan negative yoki pozitiv tasviriga aylanadi. Fotoapparatning havaskorlik, professio-

nal vamaxsus xillari bor. Havaskorlik va professional Fotoapparatlardan kishilarni, peyzaj, sport musobaqalarini suratga olishda, portretlaryasash va boshqada foydalaniladi. Maxsus Fotoapparatlarda fototexnika ishlari, aerofotosyomka, mikro-syomkavaboshqabajariladi.

Zamonaviy Fotoapparatlarning asosiy uzellari: yoruglik o'tkazmaydigan kamera (uning korpusi biki, ikki tomonlama ochiladigan, teleskopik yoki

buklama ko'rinishda bo'ladi), ob'yekt tasvirini fotomaterial (fotoplyonka yoki fotoplastinka)ga tushirib beradigan ob'yektiv, fotoplyonka yoki fotoplastinkaning yorug'lik sezgir qatlamiga yorug'lik nurini o'tkazishni ta'minlaydigan zatvor, ravshanlikka to'g'rilash mexanizmi, vidoiskatel (ko'rinish qidirgich), fotoplyonkani qayta o'rash mexanizmi, fotoplyonka kassetasi, zatvor va chaqmoqlampa ishini sinxronlovchi sinxrokontakt, ekspozitsiya vaqtini yarim avtomatik aniklaydigan fotoeksponometr, zatvorni ishga tushiradigan avtomatik tepki.



Miloddan avvalgi 350 yilda yunon olimi Aristotel kichik teshik (mas, darcha) dan qorong'i xonaga tushayotgan yorug'lik nurlaridan xonaning qaramaqarshi devorida tashqaridagi, darcha oldidagi narsalarning yorug'lik tasviri hosil bo'lishi mumkin, degan edi. 18 asr o'tgandan keyin Leonardo da Vinchi bu hodisadan turli narsalarning tasvirini qog'ozga chizishda foydalangan. 1611 yildan emisastro nomi I. Kepler ikki linzadan iborat teleskopik tizimni yasadi. 1840 yilda avstriyalik olim I. Petsval bir necha linzadan iborat optic tizimni (ob'yektivni) hisoblab chiqdi va uning emisoptigi P.F. Foixtlender yasadi. 19-asr 30-yillarida fransiyalik Jiro kassetasi katta bo'lgan yog'och fotokamerani ko'plab ishlab chiqardi. 1842 yilda Germaniyada metal korpusli Fotoapparat ishlab chiqarila boshlandi. 1888 yilda amerikalik ixtirochi J. Istmen dunyoda birinchi marta rolikka o'ralgan fotoplyonka o'rnatilgan Fotoapparat yaratdi. 1924 yilda "Leys" firmasi kichik formatli "Leyka" Fotoapparatni, 1970-yillarda ekspozitsion parametrlari yarimavtomatik va avtomatik o'rnatiladigan, ob'yektivni avtomatik fo-

kuslanadigan, fotozatvori elektron boshqariladigan, plyonkani tortish mexanizmi elektr yuritmalidir. Fotoapparatlar yaratildi. Hozir fototasvirlarni bir zumda chiqarib beradigan, uyali telefonapparatiga "singdirilgan" Fotoapparatlar mavjud. Qo'llaniladigan fotomaterialga qarab, Fotoapparatlar plyonkali va plastinkali bo'ladi.



Ba'zida Fotoapparatdan ko'z ilg'amas (fotoqatlama)da qayd qilinadigan) ultrabinafsha yoki infraqizil nurlarni sur'atga tushirishda foydalaniladi. Bunday hollarda ko'zguli ob'yektiv yoki nurlarga mos keluvchi linza komponentlari, shaffof materiallar: kvarts, flyuorit, litiyftoridli (ultrabinafsha nurlar uchun); natriyxlord, kremniy, germaniyali (infraqizil nurlar uchun) ob'yektiv ishlatiladi. Ob'yekt tasvirini biror tor spectral intervalda olish yoki fotosyomkada surat badiiy yaqqol chiqishi uchun ob'yektivda olib qo'yiladigan turli yorug'lik filtrlari qo'llaniladi. 20-asr oxirida 21-asr boshlaridan raqamli Fotoapparat qo'llanila boshlandi. FOTOBIOLOGIYA (foto... va biologiya) — ultrabinafsha va infraqizil nurlar ta'sirida organizmlarda sodir bo'ladigan jarayonlarni o'rganadigan fan; biologiyaning bir bo'limi. Fotoapparatga 18—19 asrlarda asossolingan. Uning paydo bo'lishi fotosintezning kashf etilishi, rangli ko'rish jarayonining asoslab berilishi, yorug'lik ishtirokida sodir bo'ladigan tabiiy hodisalar (fotoperiodizm, fototaksis va boshqalar) ning aniqlanishi bilan bog'liq. Lekin Fotoapparat mustaqil fan sifatida 20-asrning 2 yarmida nurlanish kvant ta'limotining ishlab chiqilishi, shuningdek, biokimy, biofizika va fiziologiyaning rivojlanishi bilan bog'liq

Адабиётлар:

1. Астафьев Н. Исторические открытия, С-Пб., 1982
2. Когда, где, как и почему это произошло / Сост. Найджел Хоукс, Тим Хейли, Кейт Спенс ва бошқалар.; Ред. Майкл Уорт Дэвисон, Йен Стюарт, Аза Бригс.; - Лон.: ЗАО "Изд. дом Ридерз Дэйджест", 1998. - 448 б.

УДК: 711.4; 711.43

ТОШКЕНТНИНГ ШАҲАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИ

Яхяев А.А. катта илмий ходим-изланувчи (ТАҚИ)

В статье рассмотрены вопросы развития архитектуры и искусства в рамках научных исследований городского культурного наследия на примере г. Ташкента.

Architecture and art in the field of youth in order to cover the basis of the scientific research on urban cultural heritage.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туркистон-пресс” нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида “Шуни таъкидлаш керакки, тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш - бу фақат тегишли маблағ ва куч, имконият топишдангина иборат эмас, балки биринчи галда жиддий илмий ёндошувни, нозик дид ва маҳоратни, чуқур билим, тажриба ва юксак салоҳиятни, керак бўлса маънавий покликни талаб қиладиган мураккаб соҳадир. Тошкент шаҳрига “Ислом маданияти пойтахти” деган юксак ном берилиши эса бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди” [1].

“Айниқса, неча юз йиллар мобайнида юртимиз ҳудудида яратилган буюк маданий ва маънавий мероснинг туб моҳиятини, унинг кўпчиликлари маълум бўлмаган қирраларини нафақат мусулмон оламига, балки бутун жаҳонга тарғиб қилиш, шу тариқа ислом дини тинчлик, маърифат, юксак ахлоқ-одоб ифодачиси эканини яна бир бор намойиш этиш борасида ҳали кўп иш қилиш зарурлигини яхши англаймиз” - деган сўзлари Тошкент шаҳри маданий ва маънавий қадриятларини ўрганиш соҳасида кенг қўламли вазифаларни, уларни асраш, қайта тиклаш учун эса катта ишларни бажариш кераклигини билдиради.

Кейинги 25 йил ичида Тошкент шаҳарида жуда катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари бажарилди. Бу ишларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрининг тарихий ҳудудида олиб борилмоқди. Тошкентнинг Эски Жўва, Ҳастимом каби қадимий жойларида қайта тиклаш, ободончилик ишлари муваффақиятли бажарилди [2]. Бундай катта қўламдаги тезкор ишларни олиб бориш жараёни соҳа мутахассисларидан Тошкент тарихини, шаҳарсозлик анъаналарини ва меъморий ёдгорликларини чуқур билишни, уларни сақлаш ва асл ҳолатини қайта тиклаш учун теран билим, бой тажрибага эга бўлишни талаб қилади. “Тошкентнинг шаҳарсозлик маданияти” бўйича олиб бориладиган тадқиқотларнинг асл моҳияти ҳам, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, асри-

мизнинг тезкор ўзгаришлар жараёнида Тошкент шаҳрининг бой қадимий шаҳарсозлик ва меъморий мероси дурдоналарининг номаълум қирраларини аниқлаб, замона руҳида янгилашиб бораётган шаҳар муҳитида асраб қолиш масалаларини оқилона ҳал қилишдан иборатдир.

Меъморчилик ва санъатшунослик соҳасида фаолият кўрсатаётган ёшларга Тошкент шаҳарсозлигига оид маданий меросини илмий тадқиқотлар асосида ёритиб бериш ҳам ушбу соҳанинг долзарб масалаларидан биридир. Шунингдек, Тошкентнинг шаҳарсозлик маданияти фақат бизгача етиб келган шаҳарсозлик мероси қўламида асраб қолиш масалаларининг ўзи ҳам ҳозирги урбанизация жараёнида зудлик билан ечимини кутаётган муҳим муаммодир.

Бу борада Ўзбекистон Президентининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилган “Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги” ПҚ - 828 сонли қарорида кўрсатиб ўтилганидек, “тарихий-маданий қийматга эга иншоотларни таъмирлаш ишлари уларнинг асл қиёфасига мос тарзда белгиланган меъморий талаблар асосида амалга ошириш” вазифаси қўйилгани шаҳарсозлик анъаналарига ҳам тааллуқли бўлиб, илмий-тадқиқотларнинг аҳамияти қанчалик муҳимлигини билдиради [3]. Тошкентнинг қадимий шаҳарсозлик маданиятини аниқлаб, уларнинг замонавий шаҳар бош режасидаги ўрнини белгилаш, бу анъаналардаги оқилона ечимлардан фойдаланиш йўллари аниқлаш учун қуйидаги тадқиқий вазифаларни бажариш керак бўлади:

Тошкент шаҳрининг бизгача сақланиб, етиб келган тарихий ҳудудининг шаҳарсозлик тизими қадимий Бинкат (X аср) шаҳри тизими асосида XIV асрдан бошлаб шакллانган. Темурийлар даври шаҳарсозлик маданиятининг асосий йўналишлари эса Тошкент шаҳарсозлик тизимида ўзига хос равишда акс этган. Шунинг учун, Темурийлар даври шаҳарсозлик маданиятининг Тошкент шаҳрининг шаклланиши-

даги белгиларини аниқлаш ҳам муҳим вазифадир. XIX аср ва XX аср бошларида Тошкент шаҳарсозлигида содир бўлган ўзгаришларнинг тарихий ҳудуд тизимидаги анъаналарга бўлган таъсирини ўрганиш эса шаҳарнинг қадимий меросини асрашга йўналган илмий ҳулосаларни чиқаришга ёрдам беради. Қадимий тарихий ҳудуднинг таркибий қисмлари - даҳа, маҳалла тизимларидаги бой ижтимоий-маънавий тажрибадан замонавий меъморий ҳудудларни яратишда фойдаланиш масалаларини ҳал этиш ҳам ушбу мавзунинг долзарб вазифаларидан бири.

Тошкент шаҳрининг ҳозирда сақланиб қолган тарихий ҳудудининг шаҳарсозлик тизими танланган. Чунки замонавий шаҳарсозлик жараёнидаги ўзгаришлар туфайли Тошкент ҳудудининг бошқа қисмларида қадимий шаҳарсозлик анъаналарини аниқлашга имконият мавжуд эмас. Архив манбалардан шаҳарнинг XVI асрдан бери ривожланиш босқичидаги шаҳарсозлик маданиятига оид маълумотларни, маълум даврларда содир бўлган ўзгаришлар қайд этилган ёзма ва чизма ҳужжатларни ўрганиш ва улардаги ечимларни ҳозирда сақланиб қолган тарихий ҳудуд мероси билан таққослаш, таҳлил қилиш натижасида ўрта аср Тошкентининг шаҳарсозлик маданиятини аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Тошкентда содир бўлаётган тезкор шаҳарсозлик ўзгаришларида тарихий анъаналарни асраб қолиб, уларни шаҳарнинг янги ҳудудларига оқилона тадбиқ қилиш билан шаҳарнинг ўзига хос тарихийлик сифатларини сақлаш, аҳоли учун қадимий меросда мужассам бўлган бой тажриба орқали шаҳарсозлик ва меъморий-қурилмавий қулайликларни яратиш муҳим аҳамиятга эгадир. Қадимий шаҳарсозлик анъаналари орқали Тошкентнинг тарихий маданий меросининг замонавий шаҳарсозликдаги ўрнини оқилона белгилашдан иборатдир.

Кейинги йилларда соҳа бўйича қилинган илмий тадқиқотларнинг аксариятида, Тошкент шаҳарсозлиги тарихига оид изланишлар, ҳулосалар, амалий таклифлар жуда кам ишлаб чиқилган, асосан таъриф билан чекланилган.

Тошкент шаҳарсозлиги тарихий анъаналари билан замонавий қурилишлар орасидаги муносабатларни белгилашда шаҳарсозликка оид лойиҳалар яратаётган мутахассисларнинг режавий ечимларида маданий мерос масалалари кўп ҳолларда инобатга олинмай қолган. Бажа-риладиган тадқиқот натижалари лойиҳалаш амалиётида ҳам муҳим аҳамият касб этиши кўзда тутилиши лозим. Бу ўз навбатида Тош-

кент шаҳри шаҳарсозлигининг кейинги ривожланишида қадимий анъаналардан оқилона фойдаланиш ҳар томонлама самара бериб, Тошкентнинг тарихий шаҳар мавқеини сақлаб қолишга хизмат қилади.

Собиқ шўролар даврида ишлаб чиқилган шаҳар бош режаси лойиҳаларида қадимий Тошкентнинг шаҳарсозлик маданиятини ўрганиш масалалари кўп ҳолларда четда қолиб келган. Тадқиқотчилар эса асосан Тошкентнинг археологик, меъморий ёдгорликлари, йирик мажмуаларнинг шаклланиш тарихини ўрганишга катта урғу берганлар. Тошкентнинг ташкилий қисмлари - даҳа, маҳалла, бозорларини умумий шаҳарсозлик тизимидан ажратиб, алоҳида тадқиқот қилганлар. Ўрта аср Тошкентининг асл қиёфаси, кейинги йирик қурилишлар натижасида тез-тез ўзгаргани туфайли, унинг шаҳарсозлик асосларини аниқлаш ва яхлит тасаввур этиш қийин масала бўлиб келди. Фақат археологик қазилмалар шаҳарнинг X асрга оид Бинкат номи билан шаклланган даврига оид маълумотларни аниқлашга имкон берган.

Марказий Осиё меъморчилиқ тарихидаги шаҳарсозлик масалалари бўйича тадқиқот олиб борган В.Лавров, Н.Семёнов, А.Беленицкий, И.Бентович, О.Большаков, кейинчалик В.Нильсен, Х.Пўлатов ва бошқаларнинг асарларида Тошкентнинг XVI асрдан аввалги даври ёки унинг айрим қисмлари шаклланишини, илк ўрта аср шаҳарсозлигидаги айрим белгиларини кўриб чиққанлар. В.Булатова, А.Яхъяев, Ю.Маньковская, Ю.Мирошниченко, О.Бадер ва бошқаларнинг тадқиқотлари кўпинча шаҳар меъморий ансамбллар таърифи, айрим ёдгорликларнинг тавсифига бағишланган.

Тошкент тарихи, меъморий ёдгорликлари, археологик топилмаларига оид кўплаб тадқиқотлар мавжуд. Лекин, Тошкент шаҳарсозлик маданиятининг XIV асрдан XIX аср бошларигача шаклланган анъаналари, уларнинг ўзига хос кўриниши ҳақида таҳлилий умумлашма илмий ишлар ҳануз бажарилмаган. Тошкент пойтахт шаҳар сифатида тан олингандан бери, яъни XIX аср охиридан бошлаб, унинг ҳудуди шаҳарсозлик миқёсида катта ҳажмдаги ўзгаришларга дучор бўлган ва бўлмоқда. XX асрда шаҳар ривожланишининг илк шаҳарсозлик режаларини ишлаб чиқишдан бошлаб собиқ шўро даврининг мафкуравий таъйиқи остида шаҳар тарихий муҳитини, ҳудудий ўзига хос қадимий тизимини менсимаслик ҳоллари содир бўлиб келди.

Фақат, Ўзбекистон мустақилликка эришган-

дан сўнг қабул қилинган шаҳарсозлик кодекси тўғрисидаги республика қонуни тарихий ҳудудларда қадимий шаҳарсозлик анъаналарини асраб қолиш заруриятини ва талабларини белгилаб берди. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Тошкентнинг шаҳарсозлик маданияти бўйича келгусида олиб бориладиган тадқиқотлар ва амалий ишларда ўз аксини топади деб умид қиламиз.

Адабиётлар

1. Каримов И. “Ўзбекистон халқининг Ислом

УДК: 725.945.

ЎЗБЕКИСТОН МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ХУСУСИДА

Матчонов Б.Г. ассистент (ТАҚИ)

В статье изучен вклад известных учёных, опытных специалистов и народных мастеров в сфере реставрации памятников зодчества и их процессы формирования на основе научных принципов.

This article is indicated to develop common principals of repairing and to research them by famous scientists and experted specialists.

Ўзбекистон меъморчилиги тарихига оид тадқиқотларга кўра, қадимги иншоотларда таъмирлаш ишлари, яъни ўтган давр биноларини ўз замонаси талаблари учун тузатиш ишлари амалиётга оширилгани тўғрисида тарихда қайд этилган, чунончи Улуғбекнинг Темурийлар меъморчилиги намуналаридан – Шахрисабздаги Дор ут-Гиловат мажмуасида олиб борган бунёдкорлик ва таъмир-тузатиш ишлари, Навоийнинг Ҳиротда, Хуросонда кўплаб қадимги работ, қарвонсарой, мадрасаларни қайта тиклашдаги фаолияти, Абдуллахон томонидан Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Қарши, Кармана каби йирик шаҳарлардаги бузилган иншоотларни тиклашга йўналтирилган саъйи-ҳаракатлари ўрта аср муаллифлари асарларида мадҳ этилгани шулар жумласидандир. Бу даврдаги тузатиш, қайта тиклаш ишларининг асосий хусусияти бузилган биноларни асосан давр талабига мослаштириб тузатиш, қўшимчалар қилиш ёки бузиб қайтадан, янада маҳобатлироқ қилиб тиклашдан иборат бўлган.

Ҳозирги таъмиршунослик қоидаларидан фарқли равишда, яъни асл меъморий-бадий хусусиятидан кўра, бинодан янада қулайроқ ҳолда фойдаланиш ва салобатлироқ қилиш мақсади кучлироқ бўлган. Қайта тиклашда, тузатиш ишларида ўз даврининг қурилиш технологиясидан кенг қўлланилгани учун ёдгорликларнинг аксариятида турли давр элементлари, услублари намоён бўлади. Масалан: Тошкентдаги Каффол Шоший мақбарасида икки давр қурилмалар ечими кузатилади. XIV

маданияти ривожга қўшган бекиёс ҳиссасининг юксак эътирофи” Президент И. Каримовнинг “Туркистон-пресс” нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси. “Халқ сўзи” 23 феврал 2007 й.

2. Мирзо Г.Очилов Н. “Маънавият ва маданиятга эътиборнинг амалдаги ифодаси”. “Халқ сўзи” 26 апрел 2007 й.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 апрелдаги “Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги” ПК-828-сонли қарори.

асрга оид гумбаз ёпилмаси қулаб тушгандан сўнг, ўзаро кесишувчи равоқли тизим ўрнига, бағаллар қаторилик гумбаз билан ёпилиб таъмирланган. Бундай мисоллар кўп асрлар давомида функционал жиҳатдан заруриятдаги иншоотларда учрайди.

Илмий таъмиршунослик йўналишларидаги илк тадқиқотлар Ўзбекистон ҳудудида XIX асрнинг иккинчи ярмидан шакллана бошлаган. Чор маъмурияти томонидан, жамоатчилик таъсирида, айрим тузатиш ишлари олиб боришга ҳаракат қилинган туфайли, четдан келган айрим мутахассислар томонидан ёдгорликларда маълум даражада изланишлар олиб борилган. Бу ишлар асосан Туркистон ўлкасининг йирик шаҳарларида, жумладан Самарқанд, Тошкент, Қўқон ва бошқа шаҳарлардаги айрим иншоотларда амалга оширилган бўлсада, бу ишлар кўлами ва сифати уларни кейинги бузилишлардан сақлаб қолиш даражасида эмас эди [1].

Шундай бўлсада, фидойи инсонлар томонидан айрим оламшумул аҳамиятга эга обидаларда тузатиш ишлари олиб борилди. Масалан, 1914 йилда Улуғбек расадхонасининг квадранти жойлашган хандақ очилгандан сўнг, уни сақлаш учун муҳандис П.П.Лебедев томонидан мустаҳкам ғиштин қоплама қилинди. Бу мустаҳкам қубба ва олдидаги пештоқ ҳозир ҳам сақланиб қолган. Шунингдек, XIX аср охирида Тошкентда содир бўлган зилзиладан зарар кўрган Жоме масжиди ҳам қайта қурилган эди. Лекин тиклаш ишларида меъмо-

рий-услугий жихатдан ноаникликлар содир бўлишига чет эллик муҳандиснинг қадимий меъморий меросни ҳисобга олмагани сабаблидир.

Шундай бўлсада, таъмиршунослик амалиёти йил сайин мукаммаллашиб борди. XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб, фақат тадқиқотларга суянган ҳолда обидаларда иш олиб бориш амалиётга киритилди. Самарқанддаги ёдгорликларни ўрганиш асраш ва тузатиш ишларида XIX аср охириларидан хизмат кўрсатиб келаётган, В.Л.Вяткин, муҳандислар М.Мауэр, Б.Н. Кастальскийлар 1918 йили Самарқанддаги Улуғбек мадрасасининг қийшайётган минорасини сақлаш тадбирлари бўйича кўмита туздилар. 1920 йилдан эса қадимий меъморий ва санъат ёдгорликлари давлат муҳофазасига олина бошланди. Самарқанддаги махсус комиссия В.Л.Вяткин бошчилигида уч йўналишда: техник-қурилиш, бадий ва археология бўйича иш олиб бордилар.

Дастлаб, фақат йирик меъморий иншоотлар ҳисобга олинган бўлса, кейинчалик Ўрта Осиё кўмитаси тузилиб, бу рўйхатга Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Тошкент, Шаҳрисабз каби шаҳарлардаги, Қозғистон, Қирғизистон, Туркманистон, кейинчалик Тожикистондаги ёдгорликлар ҳам кўшилди. 1928 йилдан бошлаб, Ўзбекистондаги қадимий ёдгорликларни асраш кўмитаси тузилиб кўплаб тажрибали олимлар, мутахассислар ва халқ усталари республика ёдгорликларини ўрганиш, асраш ва таъмирлашга жалб этилди. Б.Н.Засипкин, В.Бартольд, В.Л.Вяткин, А.Семёнов, Д.Нечкин, И.Умняков, В.Шишкин, М.Ю.Саиджонов, Н.Бачинский ва бошқалар ёдгорликларни биринчи бор ҳар томонлама тадқиқ этиш ва уларни асраш ва таъмирлашнинг илмий асосланган тадбирларини белгилашда бекиёс хизмат қилдилар. Бу йўналишдаги тадбирларда улар асосан Ўзбекистон халқ меъмори-усталари тажрибаларига суяндилар. Иброҳим Ҳафизов, Раҳим Ҳаётов, Ширин Муродов, Назрулло Ёдгоров, Мажид Курбонов каби ўлканинг барча ерларидаги тажрибали халқ усталари сақланиб қолган қадимий меъморий усуллари Республикада таъмир соҳасини ривожланишига асос бўлди.

Қурилиш санъатининг қадимий усулларини авлоддан-авлодга сақлаб келган бу намоёнда усталарнинг фаолияти XX асрнинг 30-йилларида кенг кўламда ривожланди. Улар, меъморий обидаларнинг қурулмавий ва бадий безак турларини яратиш усулларини билганликлари туфайли, бу даврда олиб борилган таъмир ишларини самарали бўлишини таъминладилар. Қадимий услублар акс эти-

рилган чизмаларни ҳам ярата олган моҳир усталар тажрибаси Ўзбекистонда таъмиршунослик соҳасини янада ривожланишига, ҳамда бу соҳани халқаро конвенцияларда қайд этилган талаблар даражасида бўлишига омил бўлган. Усталар равоқ, гумбаз боғлашнинг қадимий технологияси, бадий безак элементларидан ганч, кошин, муқарнаслар, кундал яшанинг турли усулларини сақлаб қолганликлари туфайли Бухородаги Исмоил Сомоний мақбараси (X аср), Самарқанддаги Регистон майдонидаги иншоотларнинг йўқолган қисмларини аслидек этиб таъмирлаганлар

Шу билан бир қаторда Бухородаги Пойи Калонда жойлашган миноранинг йўқолган мезана қисмини ҳавозасиз жойида тиклашда ҳам қадимги технологиядан фойдаланганлар. Уларнинг тажрибасига асосланиб, Б.Н.Засипкин 1928 йили чоп этилган асарида, Ўрта Осиё меъморий ёдгорликларининг тадқиқ этиб, таъмир ишларининг умумий принципларини шакллантиришга ҳаракат қилди. Унинг фикрича “таъмир ишларининг мақсади, қайта тикланадиган қисмларнинг қанчалик ҳужжатли далилатга эга бўлмасин, сақланиб қолинган қисмларни бузиш ёки уларни ажратиб олиш эмас, янги қисмлар эса қадимийсидан ажралиб туриши керак, яъни келгуси тадқиқотчилар улар орасидаги фарқни аниқлашларига имкон туғдириш керак” (2).

Таъмир соҳасида XX асрнинг иккинчи ярмида шаклланган халқаро қоидаларда ҳам ёдгорликлардаги йўқотишларни ўрнини қоплашда юқорида қайд этилган принциплар келтирилган. Илмий таъмирнинг амалий асослари халқ усталари тажрибаси ва ишлари туфайли Ўзбекистонда XX асрнинг 30-йилларида яратилиб, кейинчалик мукамал ҳолга келтирилди. Таъмирчи усталар билан биргаликда (Самарқандлик уста Абдуқодир Бокиев) қадимий сиркор кошин тайёрлаш сирлари очила бошланди. Тажриба-синов ишлари самарали бўлиши кошинларни Регистон мажмуаси ёдгорликларида, Биби-Хоним масжиди безакларини, Гўри Амир мақбараси гумбазларини тиклашга имкон берди. Сиркор кошин-муқарнасни қайта тиклаш ишлари ҳам халқ усталари тажрибаси асосида олиб борилди.

Таъмиршуносликда илмий тадқиқотлар натижаларига асосланган муҳандислик тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўналиши оғаетган минораларни тик ҳолатга келтириш муаммоларини ҳал этиш жараёнида яққол намоён бўлди. М.Ф.Мауэр бошчилигида, 1932 йилдаёқ, Самарқанддаги Улуғбек мадрасасининг қия ҳолатдаги шимолий-шарқий ми-

норасини тиклаш ишлари учун бир неча йил давомида олиб борилган тадқиқотлар натижалари асос бўлиб, бу минора қайта тик ҳолатга келтирилди. Бундай таъмир услуби жаҳон меъморчилигида биринчи бор амалга оширилган эди. 1964 йили муҳандис Э.Гендел эса мадрасанинг қолган минораларини замонавий техника ёрдамида вертикал ҳолатга олиб келди. Ўзаро кесишувчи равоқлардаги баланд пойгумбазли ёпилмаларнинг зилзилага бардошлик хусусияти кам бўлгани учун шундай ёпилмали иншоотларнинг аксариятида гумбазлари ва пештоқ юқориси кулаб тушган эди. Ёпилмалари кулаган иншоотларнинг бузилиш тезлиги вақт сари кучайиб бориши туфайли, уларнинг далил-исботлиларини тезда қайта тиклаш обиданинг сақланиш даврини узайтириши мумкин. Уларни шу ҳолатда консервация қилиниши эса самара бермаган.

Ўзбекистон таъмиршунослигида муҳандислик таъмир йўналиши XX асрнинг 30-йилларидан шакллана бошланди. Дастлаб, оғган минораларни тиклаш, пештоқ ва пойдеворларни қисман мустаҳкамлашдан бошланган бу йўналиш, кейинчалик вайронага айланган иншоотларнинг авария ҳолатидаги қурулмаларини қайта тиклаб, уларнинг мустаҳкамлик хусусиятини кучайтириш масалаларини ҳал этиш ҳам кенг йўлга қўйилди. XX асрнинг 20-30 йилларида олиб борилган ишларнинг кўп қисми тузатиш-асраш (консервация) тадбирлари бўлиб, уларда асосан анъанавий қурилиш материаллари, чорси ғишт, ганч ишлатилган. Тажрибалар шуни кўрсатадики, бир қисми бузилиб йўқолган ёдгорликларни консервация усулида асраш Ўрта Осиё шароитида кўп ҳолатларга кўра самарасиз бўлиб чиқди. Масалан, гумбазлар қурулмалари, пештоқ қолдиқлари сақланган Биби-Хоним масжидини “оврупоча маҳобатли ҳароба” ҳолатида сақлаш мумкин эмас эди. Сейсмика, кескин континентал иқлим бу ҳаробалардаги бузилишни вақт ўтган сари тезлаштириши кузатилди.

Муҳандислик таъмир услубини Марказий Осиёдаги йирик маҳобатли иншоотларни ҳароба ҳолатидан чиқаришда қўллаш мақсадга мувофиқ эканлиги Самарқандда 30-йиллардан бошлаб олиб борилган тиклаш ишларида намойён этилган. Тилла Қори мадрасаси гумбазини тикланиши нодир ички кундал безакни асраб қолишга ёрдам берди. Бундай муҳандислик тиклаш ишларида замонавий материаллардан (темир-бетон, пўлат ускуна, цемент) фойдаланиш зарурияти туғилган эди.

Лекин, уларни қўллашда жуда эҳтиёткорлик талаб этилади. Бинонинг қадимий қолдиқларига путур етказмасдан меъморий қисмларини

қайта тиклаш ишлари чуқур тадқиқот ва пухта ҳисоб-китобларни талаб этади. Замонавий материал билан анъанавий ғишт, ганч қоришмалар, сиркор кошин қопламаларни оқилона қўллаш билан Ўзбекистондаги кўплаб йирик обидаларни бутунлай бузилиб кетишдан сақлаб қолинди. Б.Н.Засипкин бошчилигида Шердор мадрасаси пештоқ равоғи (1924-1925 йй), Гўри Амир макбарасининг қобирғали гумбазини (1943-1947 йй) шу усулда таъмир этилиши уларнинг ҳозирда ҳам мустаҳкам сақланишига олиб келди (3).

Мустақилликка эришилгандан сўнг меъморий обидаларни асраш ва таъмирлаш масалаларида кескин ўзгариш юз берди. Ёдгорликларнинг атроф-муҳитининг тарихий кўринишини ҳам қайта тиклаш ва зиёратчилар учун қулай ободончилик режаларини амалга ошириш амалиётга киритилди. Тарихий маскан ва уни қайта тиклаш тушунчасига илмий йўналиш берилди. Зиёратгоҳ ва унинг қадимий таркибий қисмларини таъмирлаш, обод қилиш билан бирга, унинг худудидаги ёт қурулмаларни олиб ташлаш масаласи ҳам кенг қўламда ҳал қилина бошланди. Масалан, Самарқанддаги Гўри Амир мажмуаси билан Бурхониддин Соғаржий (Рухобод) макбараси яқинидаги турли завод ва фабрикалар, тарихий худуддан олиб ташланиб, қадимий обидалар атрофидаги, археологик тадқиқотлар натижасида очилган мажмуа-биноларнинг айримлари қайта тикланиб, тарихий меъморий муҳит ҳам нисбатан асл ҳолатига олиб келинди. Бу Ўзбекистон таъмиршунослигида муҳим йўналишга айланиб шаҳарсозлик амалиётига киритилди.

Ўзбекистон худудидаги минглаб маданий мерос объектларининг ҳолати, хусусиятига кўра юқорида қайд этилган таъмир усулларини мос равишда оқилона танлаш мумкин. Фақат бу ишларнинг асосида чуқур ҳар томонлама пухта олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижаларига таянилган лойиҳа-режалар ётиши зарур. Ўтган асрда олиб борилган таъмир ишларининг таҳлили бу хулосанинг ҳаққонийлигини тасдиқлайди.

Адабиётлар

1. Крюков К.С. Организационные формы охраны и реставрации памятников архитектуры Узбекистана (1920-1990 гг.). //Архитектура и строительство Узбекистана. №8. 1990.
2. Зоҳидов П.Ш. Возрождение памятников Узбекистана. //“Архитектура СССР”. №9. 1974.
3. Засыпкин Б.Н. Архитектурные памятники Средней Азии. Вопросы реставрации. М. 1926, 1928. Т. 1-2.

НОВОЕ О ПАМЯТНИКЕ СРЕДНЕВЕКОВЬЯ: ИШРАТХАНА В САМАРКАНДЕ

Ахмедов М., профессор, Тухбоева Н. ассистент (ТАСИ)

Маколада Самаркаддаги ўрта аср архитектура ёдгорлиги ишратхона ҳақида янги маълумотлар келтирилган.

In article are resulted new about a monument of Middle Ages Ishratxana in Samarkand

На восточной окраине средневекового Самарканда находятся развалины широко известного в культурной среде памятника архитектуры именуемого «Ишратхана». Он вошел в историю как женский мавзолей поздних тимуридов. То, что в нынешнем состоянии он действительно является погребальным сооружением, нет никаких сомнений. На это указывает группа захоронений, находящаяся в склепе – подвальной части сооружения. Однако, ряд исследователей высказывают сомнения в отношении первоначального назначения и времени возведения постройки. В 1970 – ые годы была развернута настоящая ожесточенная научная дискуссия по этому поводу¹. Существенные разногласия в научных взглядах Г.А. Пугаченковой и П. Ш. Захидова заключались в следующем: 1. Локализации места расположения тимуридского сада «Боги Дилькуша», в котором находился оспариваемый дворец; 2. Двухэтажность постройки, вместо одноэтажных обычных мавзолеев; 3. Дата возведения этой постройки; 4. Идентификация функционального назначения этого сооружения.

При этом, основным предметом споров служило название объекта, приводившее к двусмысленным толкованиям. Ибо рассматриваемое сооружение фактически являясь местом захоронения носит название «Ишратхана», что в буквальном смысле означает «Увеселительный дом». В пользу названия сооружения свидетельствует также необыкновенная монументальность внешних форм и следы некогда богатого декора его интерьеров, и захоронения находившиеся в подвале сооружения, которые к начала XX в. были завалены землей и строительным мусором.

Видимо поэтому большинство первоисследователей эту постройку однозначно приняло как остатки дворцовой постройки Амира Тимура (по европейским хроникам – Тамерлана). Такого мнения придерживалась О.А. Федченко

жена известного русского ориенталиста А.П. Федченко, посетившая в 1869 г. Самарканд, видный востоковед А.А. Кун, побывавший в этом городе в 1871 г и путешественники J. Jeklerd и N. A. Krapt, посетившие несколько лет спустя, после первооткрывателей этот памятник, о чем сообщает М.Е. Массон².

Известный немецкий ученый, крупный специалист в области художественных стилей Е. Кон Винер, побывавший в Самарканде в 1924 – 25 г.г., отнес этот памятник к единственному из многочисленных дворцовых построек Амира Тимура. Он даже ставил Ишратхану по художественному облику выше известной дворцовой постройки Альгамбра в Гренаде (Испания). Видимо первооткрыватели Ишратханы к заключению о ее дворцовом происхождении пришли не случайно. Так, археологическими исследованиями 1970 – 80 – х г.г. здесь были обнаружены остатки одного из садов приписываемых к дворцовому комплексу Амира Тимура – Баги Дилькушо (букв. Сад раскрывающий, развешивающий душу). Были обнаружены также остатки валов крепостных стено окружавших сад, которые, по видимому, в пору путешествия первопроходцев могли быть сохранены еще выразительнее.

Опрос населения, проживающего и ведущего хозяйство на этой территории показал на обильные находки здесь при земляных работах кусков жженого кирпича, поливной керамики, мрамора и др³. Тем не менее появляется параллельная точка зрения относительно первоначального назначения этого сооружения. Самаркандский просветитель XIX в. Абу Тахир-ходжаев своим труде «Самария», описывая священные места города, пишет: «Севернее мазара Ходжи Абду Дарун находится величественный мавзолей, именуемый в народе Ишратхана, который является усыпальницей

¹ Захидов П.Ш. Мавзолей или дворец (о кешке под Самаркандом) // Строительство и архитектура Узбекистана, № 9, 1974, с. 32 – 34. Пугаченкова Г. А. И всё таки – мавзолей. Строительство и архитектура Узбекистана, № 12, 1975, с. 10 – 13.

² М.Е Массон. Самаркандский мавзолей, известный под названием Ишратхана. Ташкент: Госиздат-худлит, 1958, с 14-17.

³ У. Алимов. «Ўрта асрларда Мовароуннахрда боғчилик ҳўжалиги тарихи». Тошкент: «Фан» нашриёти, 1984 й.

представительницы великого Гарема – Давлат - бики»⁴.

В первой четверти XX в, знаменитый исследователь памятников материальной и духовной культуры Самарканда В.Л. Вяткин обнаружил в частных архивах вакуфный документ, относящийся к 1464 г. В нем написано, что в западном углу сада Феруза, смежно с мавзолеем Ходжи Абду Дарун, в здании с бирюзовым куполом похоронена Хованд Султан бика⁵. После этого В. Л. Вяткин и М.Е. Массон стали тщательно изучать найденную вакф-наму, в следствии чего были произведены расчистка и раскопка склепа Ишратханы. Среди завалов были найдены две монеты, отчеканенные в Бухаре в 1428 – 29 г.г. Вскрытия могил показали, что погребения относились к женскому полу. После чего, основываясь на остатках захоронения и монетных находках, М. Е. Массон, В. Л. Вяткин и Г.А.Пугаченкова Ишратхану объявили женским мавзолеем, возведенном не раньше середины XV в⁶.

Однако, отсутствие надгробных плит на уровне пола первого этажа, излишняя монументальность форм и декора сооружения, локализация сада Баги Дилькуша (иначе Баги Феруза) на этом месте, и конечно же название сооружения, ставили много вопросов. Видимо это не давало покоя и М.Е. Массону. Иначе как можно объяснить тот факт, что экспедиция работавшая под его руководством, подытоживая свою работу монографией «Ишратхана», в которой на основе фактов и анализа доказано, что это сооружение является мавзолеем, возведенным в XV в. Ученый приводит сохранившуюся в народе легенду под громким названием «Легенда о разрушении Ишратханы». Согласно этой легенде Амир Тимур, буд-то бы однажды проводил в Баги Дилькуша пиршество, в ходе которого, якобы произошло сильное землетрясение. Тимур в это время буд – то бы восседал на балконе и внезапно появляется его внук Мирзо Улугбек (в последующем правитель Самарканда и великий астроном) и спасает своего деда от пагубного влияния землетрясения.

Эта легенда была записана М.Е. Массоном в 1940 г у сотрудника комитета по охране памятников старины (Узкомстарис) Абдуллаева и позже её содержание было подтверждено неоднократно рассказами других исследовате-

лей. Тут, видимо речь идет о третьем уровне, который существовал в виде галереи, расположенной вокруг центрального купола. Не означает ли это, что М.Е. Массон допускал и иное происхождение мавзолея? В связи с этим вполне естественным является выступление П. Ш. Захидова с попыткой переиначить историю Ишратханы⁷.

Но в нем, видимо, недостаточно убедительными звучали аргументы, вследствие чего статья была подвергнута сильной критике. На сегодняшний день накопился достаточно обширный новый материал по источниковедению, археологии и анализу существующих научных взглядов, который позволит пролить свет на историю вопроса. В связи с этим мы вправе ставить следующие вопросы:

а) Если это сооружение было построено как мавзолеей, то откуда появилось название «Увеселительного дома (Ишратхана)»;

б) Почему отсутствуют надгробные плиты на уровне пола первого этажа (как это видим во всех остальных мавзолеех Мавераннахра); в) Чем вызваны столь пышный декор и монументальность формы в мавзолее;

г) Почему здание имеет два входа: один в виде высокого портала, обращенного на запад, другой не высокий портал, ориентированный к могиле Ходжа Абду Дарун?

Исходя из вышеизложенных обстоятельств, нами была предпринята попытка разрешить существующий научный спор, приводивший фактически к двум противоположным мнениям по определению предназначения одного и того же здания и его датировке.

Обращает внимание то, что в большинстве случаев, и даже среди сторонников поддерживающих идею мавзолея, часто повторяются прямые или же косвенные мнения о его происхождении или принадлежности его ко дворцовой постройке. В качестве нового факта, подтверждающего такую идею, мы обратились к работам известного представителя средневековой узбекской литературы – Алишера Навои. В его поэме «Фархад и Ширин » рассказывается об особом типе построек, называемых «Ишратабд». Для облегчения работы мы хотели воспользоваться профессиональным переводом поэмы Алишера Навои «Фархад и Ширин», сделанным Львом Пеньковским. Однако, как и большинство художественных переводов, он оказался непригодным для научных целей. Ибо в нем изложен общий смысл произведения, а

⁴ Мавзолей Ишратхана / Под общей редакцией М.Е. Массона. Ташкент: Гослитиздат, 1958.

⁵ Абу Тоҳир Хожа. Самария. Тошкент: Камалак, 1991. 51 с.

⁶ История Самарканда. Т.1. Ташкент, 1969. С.192.

⁷ П.Ш. Захидов. Мавзолей или дворец? (О кешке Дилькуша под Самаркандом, Строительство и архитектура Узбекистана, № 9, 1974, с. 32 – 34.

термины и отдельные слова переведены в общем контексте. В оригинале же читаем:

«Шак эрмаским булардин шохзода,
Танаъум бирла бўлғай дилкушода.
Бурундинким солур иш тархин устод,
Тамом бўлгунча хар бир ишрат обод.»

Дословный наш перевод:

Несомненно от этого царевич,
С удовольствием становится радостным.
Из покон веков зодчие, когда закладывают план,
Ответственны до завершения каждой Ишратханы.

Таким образом, с достаточной степенью уверенностью можно констатировать, что в средние века существовали развлекательные дворцовые постройки типа «Ишратабад - Ишратхана», одним из которых могло являться рассматриваемое сооружение вблизи Самарканда.

О третьем ярусе Ишратханы можно рассуждать по имеющимся аналогиям летних резиденций – кёшков. Так, в загородной резиденции бухарских эмиров сохранился трехэтажный кёшк, где первый этаж выполнен в виде замкнутого сооружения, а третий этаж в форме открытого навеса с куполочным фонарем. В Хивинском зодчестве имеются четырехэтажные летние резиденции-кёшки, т.н. Чадра ховли, что представляет «Чардара ховли», которое означает «четырёхдверной дом, жилище».

Значит, исходя из размеров кирпичей (28х28х6,5 см), места расположения, ориентации главного входного портала в сторону города, к которому согласно средневековым авторам была разбита аллея, по архитектурной характеристике, названию здания и его типологическое соответствие с воспеваемыми в поэме Навои «Домом наслаждений» и другим УДК.712.

САМАРҚАНД ШАҲРИ ЛАНДШАФТ АРХИТЕКТУРАСИНИНГ РИВОЖАНИШИ

Авекеева А.А. (Қарақалпоқ ДУ); **Хамроева Г.** (СамГАСИ).

В статье рассмотрены вопросы развития ландшафтной архитектуры в Самарканде.


Article, given the current architecture of landscape the city of Samarkand and its development.

Самарқанд деганда, ҳар қандай инсоннинг ҳам қалбини ром этиб, умрбод ўзига мафтун қилиб қўядиган, бир кўрган одам, қани эди яна бир бор кўрсам, деб орзу қиладиган гўзал ва буюк шаҳар ҳаёлимизда намоён бўлади.


Ислом Каримов

факторам можно заключить, что Ишратхана было построена как загородный, садовый кёшк, который был разрушен землетрясением.

Надо отметить, что во второй половине XV в она, как и большинство других тимуридовских построек, была превращена в мавзолей.



План первого этажа



Общий вид Ишратхона

Дунё тамаддумининг йирик марказларидан бири, замин сайқали Самарқанд шаҳри Ватанимизнинг дурдона шаҳарларидандир. Қарийб 2700 йилик тарихга эга бу шаҳар ўз ўтмиши давомида кўп воқеаларга гувоҳ бўлган. Мустақиллик йиллари кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанднинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётида чин маънода туб

бурилиш даври бўлди. Шаҳарнинг кун сайин чирой очиб бораётганлиги, ўтмиши ва бугунги куни уйғунлашган мўъжизакор қиёфага кириб бораётганлиги, минглаб сайёҳларнинг эътиборини тортаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Бу шаҳарга 10-15 йил олдин келган одам бугунги кунда уни таний олмайди.


Мўжизавий шаҳарнинг бугунги таровати "Самарқанд шаҳри текис эрда жойлашган бўлиб, атрофи қум тепаликлар ва жарликлар билан қопланган. Шаҳар теварагида кўплаб уй-жойлар, унинг атрофини бутунлай боғ ва узумзорлар қоплаб олган... Боғларнинг ораларида кўчалар, оромбахш майдонлар бор... Бу шаҳар ва унинг атрофидаги эрлар шундай тўқин-сочинки, ҳайрон қолмаслик мумкин эмас". Дарҳақиқат, ўтмиш меъморчилигининг ноёб намунаси бўлмиш Самарқанд шаҳрига ҳар қанча юксак таъриф лойиқ. Бугунги кунда шаҳарда мисли кўрилмаган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, асосий кўчаларда амалга оширилган реконструкция ишлари натижасида, шаҳарсозлик қоидалари асосида миллий ва замонавийликни ўзида мужассам этган бино ва иншоотлар қад ростлади. Шаҳардаги тарихий обидалар ва уларнинг атрофида ҳам кенг қўламдаги реконструкция ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Уларнинг атрофидаги архитектура талабларига жавоб бермайдиган эски бинолар олиб ташланиб, пана - пасткам қурилишлар ўрнида хушманзара хиёбонлар, сайилгоҳлар пайдо бўлди. Энг муҳими, сўнгги йилларда Самарқанд қиёфасининг тубдан ўзгаришида шаҳарнинг ландшафт архитектураси ўзига хос мактаб сифатида шаклланди. Кўкаламзорлаштиришда асосий тамойил – қаерга қандай дарахт, бута, гул ёки майса турини, қанча микдорда, қандай усулда, яъни манзаравий ландшафт композитсияси асосида экиш лозимлигига асосий эътибор қаратилди. Бу юмушларда ҳудуд экологияси, хусусан, ҳавонинг тозаллигини таъминлаш ҳам назардан четда қолмаган. Самарқанд шаҳри ландшафт архитектураси амалиётида анъана тусига кириб бораётган яна бир янги йўналиш борки, бу ҳақда тўхталмасликнинг иложи йўқ. Яъни, шаҳар қиёфасига сирлилиқ, ўзгача фусункорлик бахш этиш мақсадида бадиий ҳунармандчилик элементларининг очиқ муҳитлар архитектураси ва ландшафт композитсиялари билан уйғунлаштирилаётганидир.

Ҳозирда бир-биридан гўзал ва маҳобатли бинолар, замонавий турар-жойлар, хушҳаво хиёбонлар кўзларни қувонтиради, дилларни

яйратиб, қалбларда ғурур-ифтихор туйғуларини уйғотади.

Кейинги йилларда шаҳримизда жуда кўп бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилаётгани ҳаммамизга кундек равшан.

Самарқанд қиёфасининг тубдан ўзгариши албатта, ландшафт архитектураси ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Ландшафт муайян бир географик ҳудудга хос бўлган табиат манзараси (ер юзаси, рельефи, тупроғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, суви, иқлими)ни белгиловчи умумий тушунча. Ландшафтнинг бир-биридан фарқ қилувчи табиий турлари мавжуд. Масалан, тоғ ландшафти, дашт-чўл ва саҳро ландшафти, тундра ландшафти, океан, денгиз ландшафти ва ҳакозо. Буларнинг барчаси табиий географик ландшафтларга киради. Бироқ маданий ландшафтлар гуруҳи ҳам мавжуд. Уларга инсон қўли ва заковати билан яратиладиган барча ландшафтлар, масалан, меъморий ландшафт, кишлок хўжалик ерлари ландшафти, шаҳар ландшафти, боғ-парк ландшафти ва ҳ.к. киради. Ландшафт архитектураси – бу очиқ масканлар архитектураси ҳисобланиб, атроф муҳитни ўсимликлар, сув ҳавзалари, ер рельефи, табиий тошлар, меъморий қурилмалар, ташки ободонлаштириш элементлари ёрдамида муайян мақсадларга мослаштириш, бадиий ландшафт шакллантириш ва лойиҳалаш санъати демакдир.



Самарқанд шаҳри Регистон майдонида мустақиллик даврида барпо этилган "Йўлбарс-лар хиёбони" га бугун ким ҳам ҳавас қилмайди

дейсиз. Ҳиёбон ҳар бир самарқандликнинг энг сеvimли масканларидан бирига айланган гўё бу сўлим оромгоҳ Регистоннинг шарафли ўтмишини бугунги саодати билан боғлагандек. Ҳиёбонда эртаю кеч ҳамшаҳарларимизнинг, айниқса ёшларнинг сайр этиб юрганига гувоҳ бўламиз. Ланшафти янгидан яратилган ҳиёбоннинг замонавий кўринишига янада кўрк бағишлайди. Игнабаргли дарахту, каштанлар билан безалган ҳиёбоннинг файзу таровтидан, фавворалар товланишидан беихтиёр завкланасиз. Бундан ташқари жонажон шаҳримизнинг ландшафт архитектураси амалиётида анъана тусига кириб бораётган яна бир йўналиш кўзга ташланмоқда. Яъни, шаҳар қиёфасига сирлилик, ўзгача хуснокорлик бахш этиш мақсадида бадий хунармандчилик элементларининг очик муҳитлар архитектураси ва ландшафт кампозициялари билан уйғунлаштирилаётганидир. Шаҳарнинг аксарият ҳиёбонлари, бинолари атрофи, кўчалар бўйларида турли ашёлардан тайёрланган хайкалторошлик намуналари, улкан декоратив кулолчилик кампозициялари жойлаштирилмоқда. Бундан ташқари йўллар атрофидаги аҳоли турар жойлари ва маъмурий бинолар, савдо ҳамда

маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бериш даражасида бунёд этилаётир. Қизиғи шундаки, ҳар бир кўчанинг ўзига хос ланшафти ва дизайн кампозицияси яратилган ва улар бир-бирини такрорланмаётганига амин бўласиз.

Мустақилликка эришганимизга ҳали кўп вақт бўлмаган бўлсада, Самарқанд шаҳри ландшафтини яхшилаш бўйича кўпгина ишлар қилинди. Ушбу ишлар ҳолисона баҳоланмоғи, ютуқ ва камчиликлари таҳлил қилинмоғи зарур. Керак бўлса, илғор чет эл давлатлари ландшафт архитектурасида қўлга киритилган ютуқлардан фойдаланиш, ландшафт архитектурамизни янада ривожлантиришга тадбиқ этишимиз керак.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ватан барчамиз учун муқаддасдир. – Тошкент, 1996.
2. Каримов И.А. Юсак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент, 2007.
3. Адилова Л.А. Ландшафт архитектураси. Ўқув қўлланма.-Т., 2000.

ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ, БИНО ВА ИНШООТЛАР СТРОИТЕЛЬНЫЕ КОНСТРУКЦИИ, ЗДАНИЯ И СООРУЖЕНИЯ

ГРУНТЛИ ТЎҒОНЛАР КУЧЛАНГАНЛИК-ДЕФОРМАЦИЯ ҲОЛАТИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

Мажидов И.У. т.ф.д., проф.; Ҳидоятлов З.Д., инженер; Аҳмедов З.С. магистр (ТАҚИ)

In this article was given an account of the method specifying the conditions of unpaved dams' deformation.

В статье приведены результаты исследования напряженно-деформированного состояния грунтовых плотин.

Сочилувчан грунтлар, ўзларининг петрографик таркиби бўйича ўхшашлигига қарамай, бир жинс бўлмаган қоришмаларнинг миқдори – грунт таркибида максимал фракциянинг таркиби ва майда заррачаларининг таркиби бўйича бир-биридан фарқланади, шунинг учун ҳар бир алоҳида ҳолатида мустаҳкамлик, деформатив ва зичланишлик хоссаларини тажриба-синов асосида аниқлаш зарурати юзага келади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан олиб борилган кўплаб тадқиқотлар, шунингдек тош материалли таянч призмаларга анча катта ҳажмларда ва яхши ишлаб чиқилган бургулаш-портлатиш

ишлари параметрларида ётқизиш устидан олиб борилган кузатувлар натижасида шу нарса аён бўлдики, йирик синувчан грунтларнинг дондорлик таркиблари кўп жинслилик коэффициент доимий бўлган грунтнинг ўртача таркиби билан ажралиб туради.

Бу каби карьерларда олиб борилган қазилма ишлари тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, фракцияси таркиби 5 мм –5-18% (2- ва 4-сон эгри чизиклар) бўлган чегаравий эгри чизиклар ва майда грунт зарралар таркиби юқори бўлган №1 эгри чизик ($m=25\%$) танлаб олинди. Ушбу №1, №2, №4-эгри чизиклар №3 эгри чизикнинг моделлари дидир.

Сиқилувчанлик характеристикаси №1-№4

эгри чизиклар учун модель қоришмаларда аниқланди (1-расм). Йирик зарралари грунтларни ўрганиш тажрибасини умумлаштириш натижасида шундай хулосага келиш мумкин: табиий грунтни лаборатория шароитида синашнинг имкони йўқ, шунинг учун табиий грунт майдаланиб ундан лаборатория шароитида мавжуд ўлчамдаги приборларда ўлчаса бўладиган модель қоришмалар тайёрланади. Шу билан бирга модель қоришмаларнинг деформатив хоссалари табиий грунт характеристикаларига тўлиқ мос келиши лозим.

Синалаётган намуна ўлчамлафри грунт қоришмасига қўшиш йўл қўйилган максимал фракция ўлчамлари билан белгиланади. Қоришма моделининг йириклиги камайган сари моделлаштириш натижасида юзага келадиган хатоликлар ортиб боради. Шунинг учун қоришма моделининг донаторлик таркибини табиий грунтнинг донаторлик таркибига максимал даражада яқинлаштиришга эришиш керак, яъни ушбу грунтлар синовини габаритлари катта бўлган асбобларда ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Синовлар диаметри 400 мм бўлган одометрларда материални ёнга кенгайиш бўлмаганида 1-40 кгк/см² юкламада ўтказилди. Бунда қоришма модели грунтини ёнга кенгайиш имкони бўлмаганида тоғ массасининг сиқилиши бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар бўйича “Гидропроект НИС” томонидан ишлаб чиқилган инструкцияга амал қилинди.


Сочилувчан грунтларнинг деформацияланиш хоссаларини аниқлаш бўйича биз ишлаб чиққан усул синалаётган намунада ён томонга ишқаланишни ҳисобга олиш ҳамда грунтнинг табиий шароитларга мос деформацияларига эга бўлиш имконини беради.

Бу усулда грунтнинг асбоб деворлари бўйлаб ишқаланиши иккита грунт намунасини параллель синовдан ўтказиш натижасида ҳисобланади.

Тошнинг донаторлик таркибининг №1-№4 грунтнинг чегаравий эгри чизиклари 1-расмда келтирилган. Тўғон танасига ётқизилиши мўлжалланган грунтнинг донаторлик таркиби анча кенг диапазонда ўзгариб турганлиги туфайли, ётқизилаётган материалнинг физик-механик хусусиятлари ҳам турли-туман бўлади. Грунтнинг бир жинсли эмаслиги туфайли унинг деформацияланиш хусусиятларига кўрсатиладиган таъсирни аниқлаш учун 4та таркибли грунт олинди ва улар устида тажриба-синов ишлари ўтказилди.

Масаланинг бундай қўйилиши деформация ва вертикал юкламалар ўртасидаги боғлиқлик-

ни грунтнинг донаторлик таркибига боғлаган ҳолда аниқлаш имконини беради.



1-расм. Модел аралашмалари ва уларнинг донаторлик таркиби

Ҳар битта юкланиш поғонаси (P , кгк/см²)да тажриба-синов натижасида олинган ғоваклилик коэффициенти (e) қуйидаги формула асосида аниқланди:

$$e_p = e_n - \frac{\Delta h}{h} (1 + e_n)$$

бу ерда: e_p –тегишли“Р” юкламада ғоваклилик коэффициенти;

e_n – дастлабки ғоваклилик коэффициенти;

Δh – намуна зичлиги юклама остида барқарорлашганидан кейин, намуна баландлиги ўзгарган қиймат;

h – намунанинг дастлабки баландлиги.

Солиштирма чўкишлар ғоваклилик коэффициентлари бўйича қуйидаги тенглама асосида ҳисобланди:

$$i_p = \frac{e_n - e_p}{1 + e_n},$$

бу ерда e_p – тегишинча нисбий сиқилиш ва тегишли юкламада ғоваклилик коэффициенти;

e_n – дастлабки ғоваклилик коэффициенти.

Компрессион тажрибалар натижалари №1-№4 қоришмалар бўйича қуйидаги тўртта жадвалда келтирилди (1-, 2-, 3-жадваллар; 1-2 расм). Жадваллар кўрсаткичлари бўйича

1-жадвал

Дастлабки зичлик, 2.18 т/м ³	Вертикал юклама, кгк/см ²							
	0	1	5	10	15	20	25	30
Нисбий чўкиш, %	-	0.2	2.3	2.7	4.1	5.0	5.5	6.4

Компрессион синовлар натижалари қуйидаги жадвалларда келтирилди: №1-№4 қоришмалар учун 1-, 2-, 3-жадваллар; 1-2 расм. Жадваллар натижалари бўйича талабдаги

$\rho_d^{TP}=2.18$ да нисбий чўкишни қуйидаги формула асосида аниқлаш мумкин:


$$i = \frac{\rho_d^K - \rho_d^H}{\rho_d^H}$$

бу ерда $\rho_d^H; \rho_d^K$ -тегишли юклама қўйилганидан кейин юзага келган дастлабки ва охириги зичликлар.

Келтирилган график ва $\rho_d^{TP}=2.02$ т/м³ бўлган талабдаги ётқизиш зичлиги асосида №2 қоришма учун тоғ жинсининг нисбий чўкиши аниқланди.

2-жадвал

Дастлабки зичлик, 2.02 т/м ³	Вертикал юклама, кгк/см ²							
	1	5	10	15	20	25	30	40
Нисбий чўкиш, %	0.9	2.4	3.5	4.0	4.4	5.0	5.4	6.4



2-расм. 7№ карьер грунтнинг вертикал юктаъсирида нисбий чўкиш графиги (1-аралашма $\rho = 1,83$ т/м³): I– битта штамп билан синаш, II– иккита штамп билан синаш, III – ҳақиқий чўкиш №3-қоришма ($m=10\%$)

Тузилган график ва олинган зичланиш асосида №1 қоришма таркиби ($m_{<5}=25\%$) учун нисбий чўкиш кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда келтирилди:

Синовлар талабдаги ётқизиш зичлигида олиб борилди:

$$\rho_d^{TP} = \rho_d^H = 1.84 \text{ т/м}^3.$$

№4-қоришма ($m=5\%$)

Синовлар уч хил ётқизиш зичлигига эга бўлган материал устида олиб борилди. Зичликлардан бири табиий грунтнинг талабдаги дастлабки зичлигига $\rho_d^{TP}=1.79$ т/м³ мос эди, шунинг учун $\rho_d^H = f(\sigma \rho_d^K)$ боғлиқлигини тузишга зарурат бўлмади.

3-жадвал

Талаб этилган зичлик, 1.75 т/м ³	Вертикал юк, кгк/см ²						
	1	5	10	15	20	25	30
Ғоваклилик, нисбий чўкиш, %	0,472	0,456	0,440	0,25	0,404	0,395	0,371
	0,3	1,4	2,5	4,0	5,2	5,7	7,1

Табиий грунтнинг деформацияланиш кўрсаткичларининг №1-№4-қоришмалари учун жамлама маълумотлар 3-жадвалда келтирилди

Ғоваклилик коэффициенти учта ишончли нукта бўйича гипербола тенгламасига аппроксимация қилинади (яқинлаштирилади):

$$e \frac{a}{p+v} + c$$

бу ерда $a; b; c$ - номаълум параметрлар.

Бу параметрлар учта номаълум сонли учта тенгламани ечиш орқали топилади.

Тенгламалар қуйидагича:

$$b = \frac{P_3 e_3 - P_2 e_2 - \frac{P_3 - P_2}{P_2 - P_1} (P_2 e_2 - P_1 e_1)}{e_2 - e_3 - \frac{P_3 - P_2}{P_2 - P_1} (e_1 - e_2)}$$

$$c = \frac{P_3 e_2 - P_1 e_1 - b(e_1 - e_2)}{P_2 - P_1}$$

$$a = (e_1 - c)(P_1 - b),$$

бу ерда P_1, P_2, P_3 , ва e_1, e_2, e_3 – танлаб олинган ишончли 1, 2, 3-нукталарга мос бўлган тегишли юкламалар ва ғоваклилик коэффициентлари.

Гипербола тенгламасининг ҳисоблаб чиқариладиган коэффициентлари 4-жадвалда келтирилган

4-жадвал

Тромб девори ойна роми ўрнатилмаган қалинлиги 1,5 ғишт булган лаборатория ташқи деворини умумий иссиқлик узатиш қаршилиги.

$R_y = 0.778 (m^2 \cdot ^\circ C)/Вт$ экан.

Иссиқлик физик амалий тадқиқотлар натижасида “Тромб девори” моделини умумий иссиқлик узатиш қаршилиги $1.348(m^2 \cdot ^\circ C)/Вт$ эканлиги аниқланди.

Демак назарий жиҳатдан “Тромб девори” ни иссиқлик ҳимояси оддий, қалинлиги 1.5 ғишт булган ташқи деворни иссиқлик ҳимоясидан 33.4% катта экан.

Иссиқлик физик жиҳатдан амалий тадқиқотлар натижасида аниқланган “Тромб девор” ни умумий иссиқлик узатиш қаршилиги, иссиқлик ҳимояси оширилмаган оддий ушбу ташқи ғишт деворнинг иссиқлик узатиш қаршилигидан 43% катта экан.

УДК666.73.041:621

ҒИШТ ВА КЕРАМЗИТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ САНОАТ ПЕЧЛАРИДА ГАЗ ЁҚИЛҒИСИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ИССИҚЛИК ТЕНГЛИГИ ТЕНГЛАМАЛАРИНИ ТУЗИШ

Айматов Р.А, т.ф.н. доц; Қурбанова Х.П, катта ўқитувчи;
Айматов Р.Р, катта ўқитувчи; Узбоев М. магистрант (СамДАҚИ);
Холбоев У.Х. т.ф.н. доц. (ЖизПИ).

Проведено исследование рационального использования природного газа в промышленных печах обжига керамзита и керамического кирпича для конкретного размера барабанных печей. Проведено тепловое испытание, составлены теоретические уравнения теплового и материального баланса в печи, определена возможность сокращения расхода газа на единицу выпуска продукции.

The study of rational use of natural gas in industrial furnaces burning expanded clay bricks, blocks and ceramic. For a particular size of drum kilns keramzita held thermal test. Drafting theoretical equations of heat and mass balance in the furnace, determined the possibility of reducing gas consumption per unit of output.

Қурилиш индустрияси саноат корхоналарида қурилиш материаллари, ғишт, сантехника ускуналари, чинни буюмлар ва бошқа турдаги материалларни ишлаб чиқаришда асосан саноат печлари сифатида тунелли печлардан фойдаланиб келинмоқда. Майдаланган қурилиш материаллари, цемент, оҳақ, гипс ва керамзит ишлаб чиқаришда эса айланма ҳаракатланувчи барабанли печлардан фойдаланилмоқда. Барабанли печлар бир қанча, яъни керамзитнинг ўлчамлар меъёрий талабларга тўлиқ мос келиши, юқори мустаҳкамлиги, печ ички қисмида эркин пишишига кенг имконият мавжудлиги

Иссиқлик физик жиҳатдан назарий ва амалий тажриба тадқиқотларидан қуйдагиларни хулоса қилиш мумкин:

1. “Тромб девори” туридаги гелио сестемали қуёшли бинода энергия тежамкорлиги 40-43% га етар экан;

2. Бундай биноларда қўшимча иситиш манбаи сифатида лоджия тарафдан оранжерия қўшиб қурилса бунда энергия тежамкорлиги 50% гача етиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Шукуров Ғ., Бобоев С.М. Архитектура физикаси 1-қисм Қурилиш иссиқлик физикаси Тошкент –“Меҳнат” 2005.
2. Шукуров Ғ., Исломов Д.Г. Қурилиш физикаси. Самарқанд, 2015. 228 б.
3. Марокаев Р.Ю., Норов Н.Н. Ўзбекистон ша-роитида энергия самарали биноларни лойиҳалаш. Тошкент. 2004. 104 б.
4. ҚМҚ-2.01.04-97*. Қурилиш иссиқлик техникаси - Т.; 2011.
5. ҚМҚ-2.01.01-94. Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар. -Т. 1996.

каби қўлайликларга эга бўлиши билан бир қаторда айрим камчиликларга ҳам эгадир, буларга қуйдагиларни айтиш мумкин:

- пиширув жараёнида тупроқли бирикма таркибининг қийинлиги;

- материалларнинг бир-бирига ёпишиб қолиши.

Айланма ҳаракатланувчи барабанли печларда мавжуд бўлган бундай камчиликларни бартараф этиш, уларни ўрнатиш монтаж қилишда, газ ёқилғисидан унумли ва тежамкорли фойдаланишда кафедра олимлари, магистрантлар иштирокида илмий изланишлар

олиб борилмоқда.

Керамзит ишлаб чиқариш уни қуришиш ва пишириш жараёнлари асосан бир барабанли айланма ҳаракатланувчи печ ёрдамида амалга оширилмоқда. Цилиндрик кўринишдаги печнинг тузилиши пўлат металлдан тайёрланиб, унинг ички қисими ўтга чидамли ғишт билан қопланган.

Печнинг айланма ҳаракатланиши электродвигател ёрдамида, парракли цистерналар орқали амалга оширилади. Печ тўлдирувчи ва тўкилувчи қурилмалардан ташкил топгандир.

Керамзит ишлаб чиқаришнинг технологиясини яратишда лаборатория шароитида хомашёдаги сино внаъмуналари олиниб танланади.

Айланма ҳаракатланувчи барабанли печларда керамзитни пишириш вақти 35-40 минутни ташкил этиб, шундан дастлабки 18-20 минут давомида 600°C ҳароратгача қиздирилади, ва 2-4 минут давомида ҳарорат $1200\div 1250^{\circ}\text{C}$ гача оширилади, ушбу ҳароратда 10÷12 минут давомида пиширилади, сунг эса 2-3 минутда $1000 - 900^{\circ}\text{C}$ гачасовитилади.

Юқори ҳарорат таъсирида тўпроқли моддадан суюқлик миқдори ажралиб дегидратация аморфизация жараёни кўзатилади.

Гранулларнинг ўзаро бир-бирларига ва печнинг ички қисмида футеровкага ёпишиш ҳолатининг олдини олиш учун, шишишда максимал ҳарорат $1250\div 1275^{\circ}\text{C}$ дан ошмаслиги, шишишнинг ҳарорат интервали печда $50\div 70^{\circ}\text{C}$ дан кам бўлмаслиги керакдир.

Печларда юқори сифатли кўрсаткичга эга бўлган керамзит ишлаб чиқариш, қуришиш, пишириш ва совитиш жараёнлари тартибларига, печдаги гранул ички қисми ва газ ҳолатларига боғлиқдир.


Айланма ҳаракатланувчи печларда гранул хом ашёларига термик ишлов беришда газлар қуйидаги ҳолатларга боғлиқдир:

- тутун газининг таркибига;
- ортиқча ҳаво миқдори қийматига;
- тупроқли таркибдаги органик аралашмалардан ажралиб чиқаётган газнинг таркибига;
- печга киритилаётган турли хил минераллардан кимёвий боғлиқликдаги сувларнинг ажралиб чиқишига, гранул хомашёсининг бўғланишда ажралиб чиқаётган намлигига.

Босим остида печга узатилаётган тутун газининг маҳсулотли ва ортиқча ҳаво миқдори, печнинг иш жараёнида печнинг марказий ўқ қисмига қараб ҳаракатланади.


Қуришиш, иситиш ва пишириш жараёнида хомашёдан чиқаётган бўғ ва газ кўринишли маҳсулотлар грануллардан ўтиб аралашиб, тутун газини билан биргаликда чиқиб кетади.

Айланма ҳаракатланувчи печларда пиширилаётган грануллар ва тутун газининг ҳаракати қарама-қарши оқимда ҳаракатланади. Ҳароратнинг ўзгаришига қараб айланма ҳаракатланувчи печларни шартли равишда қуйидаги оралиқ майдонларига бўлиш мумкин:



1-расм. Керамзит пиширувчи барабанли печнинг ўлчов тасвири. Сино в давомида ўлчанган нуқталар.

I-газ ёндиргичга келатган газнинг босими. II- Печнинг керамзит ишлаб чиқариш қуввати. III-Печ бўйлаб тутун газининг камайиши. IV-Барабандан чиқаётган тутун газининг ҳарорати. 1-айланма ҳаракатланувчи керамзит пиширувчи печ; 2- печга гранулнинг узатилиши; 3-газ йўлаги; 4-тутун чиқувчи қувур; 5-печнинг қуйи қисми; 6-газ ёндиргич; 7-совутиш барабани.



2-расм. Пиширув графиги

1. Қуриш оралиқ майдонни ёки газнинг ҳарорати $720\div 930^{\circ}\text{C}$ ва материалнинг ҳарорати $40\div 240^{\circ}\text{C}$ бўлган чегарада намликнинг ажралуви. Қуриш оралиғи узунлиги умумий печ узунлигининг $25\div 36$ фоизини ташкил этиб гранул хомашёсининг ғовақлиги, намлиги ва шишиши учун керакли бўлган вақтга боғлиқдир.

2. Қиздирилув оралиғи ва кимёвий реакция жараёни майдони бўлиб газнинг ҳарорати $930\div 1100^{\circ}\text{C}$ ва материалнинг ҳарорати $240\div 880^{\circ}\text{C}$ чегарасида бўлади. Материални қиздириш

жараёнида иссиқликнинг узатилиш тутун газидан киздирилатган материалга бериледи. Ушбу майдоннинг узунлиги кискароқ бўлиши ҳам мумкин одатда киздирув майдонининг узунлиги умумий печ узунлигининг 20÷32 фоизини ташкил этади. Гранулнинг ҳарорати ошиб бориши натижасида ундан газ, бўғ кўринишли маҳсулотлар, сув бўғлари ажралиб чиқади.

3. Керамзитни пишириш жараёни печда газнинг ҳарорати 1100-1170°C ва материалнинг ҳарорати 880-1160 °C бўлганда ҳосил бўлади. Ушбу ҳолатда пиширилатган кермзит гранулнинг шишишдан газ ажралиб чиқиши давом этади, тўпрокли породадан киздирилишнинг тезлиги 50°C/минутни ташкил этади. Пиширув жараёни оралиқ майдони, умумий печ узунлигининг 15-20 % ни ташкил этади.

4. Пиширилган керамзитнинг олдиндан совитилиш жараёни, печга олиб келинаётган иккиламчи ҳавонинг келиш жараёнига тўғри келади. Ушбу оралиқ майдонида гранулнинг юза қисмида турли хил темир бирикмаларининг оксидланиш қўнғир ва қизил кўринишга эга бўлади. Пиширилган гранулнинг совитишда ҳарорат 1000÷1050°C гача пасаяди. Совитиш жараёнининг оралиқ майдони, печумумий узунлигининг 5 % дан ошмайди.

Керамзитнинг совитиш жараёни тезлиги бир вақтнинг ўзида ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Ўтказилган тадқиқотлар Навоий вилояти Қизилтепа шахрида қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган муассасада ўрнатилган айланма ҳаракатланувчи барабанли керамзит ишлаб чиқарувчи печда амалга оширилди.

Печнинг техник характеристикаси кўйидагича:

Печнинг узунлиги - 22м

Печнинг ички диаметри— 2,3 м

Керамзит ишлаб чиқариш қуввати— 6м³/соат

Печнинг нишаблиги— 3,4%

Таянчлар сони— 2та

Печ корпусининг бир минутда айланиш сони - 0,6÷2,5 айлана/минут

Асосий ишлаб чиқаришдаги электр двигателининг қуввати — 10 КВт

Энергиянинг сақланиш қонунига асосан ҳар қандай иссиқлик қурилмасида иссиқликнинг олиб келиниши, унинг сарфланишига тенг бўлиши керак. Айланма барабанли печда иссиқликнинг тенглиги тенгламаси куйдаги кўринишда бўлади:

$$\sum Q_{\text{олиб кел}} = \sum Q_{\text{сарф}}$$

Иссиқликнинг олиб келиниши.

$$\sum Q_{\text{олиб кел}} = Q_1^{\text{ёк}} + Q_2^{\text{физ}} + Q_3^{\text{ха}} + Q_4^{\text{ёнх}} + Q_5^{\text{хс}} + Q_6^{\text{х}}$$

, кДж

$Q_1^{\text{ёк}}$ - Ёқилғининг ёнуви иссиқлик миқдори, кДж.

$$Q_1^{\text{ёк}} = Q_{\text{П}}^{\text{ёк}} * V \quad (1)$$

Бу ерда $Q_{\text{П}}^{\text{ёк}} - 1$ (нм³) газ ёқилғисининг тўлиқ ёнганда ундан ажралиб чиқадиган паст миқдордаги иссиқлик, кДж/м³
V – соатбай газ сарфи миқдори, м³/соат.

$Q_2^{\text{физ}}$ - Ёқилғининг физик иссиқлик миқдори,

$$Q_2^{\text{физ}} = V * C_{\text{ёк}} * t_{\text{ёк}}, \text{ кДж} \quad (2)$$

Бу ерда $C_{\text{ёк}}$ - ёқилғининг солиштира иссиқлик сифими, кДж/м³ °C

$t_{\text{ёк}}$ - ёқилғининг ҳарорати °C

$Q_3^{\text{ха}}$ - Ҳомашё билан олиб келинаётган иссиқлик миқдори. кДж

$$Q_3^{\text{ха}} = G_{\text{ха}} * C_{\text{ха}} * t_{\text{ха}}, \text{ кДж}; \quad (3)$$

Бу ерда $G_{\text{ха}}$ - ҳомашё массаси, кг/соат

$C_{\text{ха}}$ - ҳомашёнинг солиштира иссиқлик сифими, кДж/кг °C

$t_{\text{ха}}$ - олиб келинаётган хом ашёнинг ҳарорати, °C

$Q_4^{\text{ёнх}}$ - ёнув жараёнига олиб келинаётган ҳавонинг физик иссиқлик миқдори, кДж.

$$Q_4^{\text{ёнх}} = \beta * V_{\text{х}} * \alpha * t_{\text{х}} * C_{\text{х}}; \text{ кДж} \quad (4)$$

Бу ерда $V_{\text{х}} - 1$ м³ газнинг ёниши учун, ҳавонинг назарий ҳажмий миқдори, м³/ м³
 $\alpha = 1,2$ бўлганда, $V = 12,752$ м³/м³

$t_{\text{х}}$ - ёнув жараёнига берилаётган ҳавонинг ҳарорати, °C

$C_{\text{х}}$ - ҳавонинг солиштира иссиқлик сифими, кДж/м³ °C

$Q_5^{\text{хс}}$ - печнинг бош қисмида ҳаво сўрилиши орқали ҳавонинг физик иссиқлиги. кДж

$$Q_5^{\text{хс}} = \beta * V_{\text{х}} * (\alpha_2 - \alpha_1) * t_{\text{х}} * C_{\text{х}}; \text{ кДж} \quad (5)$$

Бу ерда α^1 ортиқча ҳаво миқдорини қиймати

$Q_6^{\text{х}}$ - печга олиб келинаётган иккиламчи ҳавонинг тизим иссиқлик миқдори, кДж

$$Q_6^{\text{х}} = \beta * V_{\text{х}} * (\alpha^1 - \alpha_1) * t_{\text{х}} * C_{\text{х}}; \text{ кДж}; \quad (6)$$

Иссиқликнинг сарфланиши

$$\sum Q_{\text{сарф}} = Q_1^{\text{нам}} + Q_2^{\text{ким}} + Q_3^{\text{к}} + Q_4^{\text{амух}} + Q_5^{\text{тг}} + Q_6^{\text{т.ён}}; \quad (7)$$

$Q_1^{\text{нам}}$ - намлик ажралиб чиқиши учун иссиқлик сарфи, кДж

$$Q_1 = \Pi_{\text{к}} * G_{\text{H}_2\text{O}} * 2499 \quad (8)$$

Бу ерда $\Pi_{\text{к}}$ - печнинг соатбай керамзит

ишлаб чиқариш қуввати, кг/соат

G_{H_2O} – 1 кг керамзитни пишириш жараёнида, хом ашёдан ажралиб чиқадиган сувнинг ҳажмий миқдори, кг/кг.

2499- 0°C ҳароратда сувнинг бўғга айланишида ёпиқ иссиқлик миқдори, кДж/кг;

$$Q_{H_2O} = G_r^W - G_T^K; \quad G_r^W = \frac{G_T^K}{100 - W} * 100;$$

Q_2 – химиявий реакция жараёнида иссиқлик сарфи;

$$Q_2^{KIM} = P_K * G_{CaCO_3} * 1587.6; \quad (9)$$

Бу ерда P_K – соатбай керамзит ишлаб чиқариш қуввати, кг/соат;

$$P_K = 450 * 6 = 27000 \text{ кг/соат}$$

G_{CaCO_3} – тупроқ таркибидаги кальций оксиди фоиз ҳисобида; (тупроқ таркибидаги бошқа бирикмалар ҳам ҳисобга олинади).

Q_3^K – Печдан чиқётган керамзитдан иссиқликнинг йўқолиши;

$$Q_3^K = P_K * C_K * t_K; \quad (10)$$

Бу ерда C_K – пиширилган керамзитнинг солиштирма иссиқлик сифими, кДж/кг

$$C_K = 0.84(1 + 0.00039 * t_K);$$

t_K – керамзитнинг печдан чиқишдаги ҳарорати. $^\circ\text{C}$

Q_4^C – атроф муҳитга йўқалаётган иссиқлик миқдори, кДж.

$$Q_4^C = Q_{II}^{\text{ён}} * Q_{II}^{\text{ат}} * B; \quad (11)$$

$Q_{II}^{\text{ён}}$ – ёкилғи газнинг паст миқдордаги ёнув иссиқлиги, кДж/м³

$Q_{II}^{\text{ат}}$ – ёкилғи ёнувида атроф муҳитга йўқолаётган иссиқлик миқдори
 $Q_{II}^{\text{ат}} = 0.15 \div 0.2 \%$

B – соатбай газ сарфи миқдори. м³/соат.

Q_5^{TG} – тутун газ билан биргаликда йўқалаётган иссиқлик миқдори, кДж.

$$Q_5^{TG} = Q_{5.1}^C + Q_{5.2}^C + Q_{5.3}^C + Q_{5.4}^C; \quad (12)$$

$$Q_{5.1}^C = B * V_X * C_{TG} * t_{TG}; \quad (13)$$

Бу ерда V^X – 1 м³ газни (1 кг ёкилғини) ёқишда ортикча ҳаво қиймати (α) га қараб қабул қилинадиган тутун газининг ҳажмий миқдори (V^X) м³/м³

C_{TG} – печдан чиқётган тутун газининг солиштирма иссиқлик сифими,

$$C_{TG} = 4.2(0.323 + 0.000018 * t_{TG});$$

t_{TG} – тутун газининг ҳарорати. $^\circ\text{C}$

$$Q_{5.2}^C = P_K (G_{H_2O} + G_{H_2O}^K) * G_{H_2O}^{TG} * t_{TG}; \quad (14)$$

Бу ерда, $G_{H_2O}^K \cdot G_{H_2O}^{TG}$ – сув бўғининг физик иссиқлиги миқдори гигроскопик ва кимёвий намликга боғлиқ.

$G_{H_2O}^{TG}$ – сув бўғининг солиштирма иссиқлик сифими тутун газининг ҳароратига қараб қабул қилинади;

$$Q_{5.3}^C = P_K * G_{op}^{YU} * G_{CH_4}^{TG} * t_{TG}; \quad (15)$$

Бу ерда, G_{op}^{YU} – учувчи органик моддалар ажралиб чиқётган иссиқлик миқдори, қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$G_{op}^{YU} = \frac{A_{pl}}{100} * G_{TG}^K;$$

G_{TG}^K – 1 кг керамзит пишириш учун абслют қуруқ тупроқнинг миқдори. Кг/кг.

$G_{CH_4}^{TG}$ – метаннинг солиштирма иссиқлик сифими, тутун газининг ҳароратига қараб қабул қилинади. КДж/м³ $^\circ\text{C}$.

$$Q_{5.4}^C = P_K * G_{CO_2} * G_{CO_2}^{TG} \quad (16)$$

Бу ерда; $G_{CO_2}^{TG}$ – ис газининг иссиқлик сифими, тутун газининг ҳароратига қараб қабул қилинади.

$Q_6^{T, \text{ён}}$ – ёкилғининг тўлиқ ёнмаслиги орқали иссиқликнинг йўқолиши, кДж

$$Q_6^X = X * B * Q_{II}^{\text{ён}} \quad (17)$$

Бу ерда, X – ёкилғининг кимёвий ёнмаслиги бўйича иссиқлик йўқолиши;

Айланма ҳаракатланувчи керамзит пиширувчи барабанли печнинг бир соатда керамзит ишлаб чиқариш қуввати 2700 кг/соат бўлган Навоий вилояти Қизилтепа тумани қурилиш материаллари ишлаб чиқариш муассасида ўтказилган тадқиқотлар натижасида сарфланаётган табиий газнинг соатбай сарфи миқдори 210.417 м³/соат 1 кг керамзит ишлаб чиқариш учун 0.077932 м³/кг ёки 0.097467 кг шартли ёкилғини ташкил этади. Бу кўрсаткич ушбу корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқаришда газ ёкилғисидан унумли фойдаланишга олиб келди ва тегишли тавсиялар берилди.

Адабиётлар:

1. Онацкий .С.П. Производство керамзита . // М. Издательство литературы по строительству. 1971.
2. Левченко. П.В. Расчеты печей и сушил силикатной промышленности. //М «Высшая школа». 1968.
3. Айматов Р.А. ва бошқалар. Газ таъминоти. Ўқув қўлланма. Тошкент. Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 2003 йил. – 176 бет.

РЕГИСТОН МАЖМУАСИ ОБИДАЛАРИНИ ТАШҚИ ТЎСИҚ ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ ИССИҚЛИК-ФИЗИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ИЛМий АСОСЛАНИШИ

Абдуллаев Қ.Ю., доцент; **Иноятов Д.Т.**, ассистент;
Исмаилов А., магистр, (СамДАКИ) **Умаров С.А.**

В статье приведено краткое содержание научных взглядов о выборе конструкции наружных ограждений на примере исторических памятников.

The present paper gives a short content of scientific aspects on the choice of construction that is of the exterior walls fencing when projecting historical monuments.

Самарқанд шаҳрида тарихий обидаларни барпо этиб уни “Ер юзининг сайқали”га айлантирган уч машхур ҳукмдор – Амир Темур, Мирзо Улуғбек ва Ялангтўш Баҳодирлар ҳисобланади. Улар ўзлари бунёд этган меъморчилик обидалари билан жаҳон маданиятида ёрқин из қолдирганлар.

Амир Темур Самарқандни пойтахтга айлантириб, нақшинкор обидалар қурилишини бошлаб берган бўлса, шаҳарнинг юраги бўлган Регистон майдони Мирзо Улуғбек даврида вужудга келди. Ўз даврида Ялангтўш Баҳодир ҳам вайронага айланган хонақоҳ ва қарвонсарой ўрнида Шердор ва Тиллақори мадрасаси ғарб томонида Улуғбек мадрасаси ва шарқ томонида Шердор мадрасаси ҳамда Чорсу шаклланиб, “Регистон” мажмуаси ёки ансамбли барпо этилди.

Шуниси эътиборлики, ўша замондаги қурилатган обидаларни бунёдкорлари уларни фақат ташқи кўриниши ёки чиройига қараб эмас, балки, барча қурилиш меъёрлари асосида бунёд этганлар. Улар аниқ режалаштирилган лойиҳалар асосида қурилиш жойининг иқлимини биринчи навбатда эътиборга олганлар. Чунки, қурилиш иқлимшунослиги ва бинолар ташқи тўсиқ қурилмаларини иссиқлик-физик ҳамда намлик ҳолати бино хоналарида мўътадил иқлимни яратишда жуда катта аҳамият касб этади.

Самарқанд Ўзбекистоннинг шимолий ярим-шарида, Ўрта Осиёнинг марказий қисмида жойлашган, иқлими қуруқ ва континенталдир. Маълумки, ташқи тўсиқ қурилмаларини иссиқлик ўтказувчанлик ва мўътадил намлик ҳолати жойининг иқлимига ва ички муҳитга боғлиқ. Бино хоналари ичида мўътадил иқлим яратиш ва самарали ташқи тўсиқ қурилмалар танлаш учун тўсиқ қурилмаларни иссиқлик-физик ва намлик ҳолатининг муҳандислик ҳисобларида бажарилади.

Демак, биноларни ва уларнинг ташқи тўсиқ қурилмаларини лойиҳа қилишда биринчи навбатда инсонларнинг яшаши ва ишлаши

учун мўътадил иқлим шароитини яратиш лозим бўлади. Агар хона ичидаги ҳарорат $+8^{\circ}\text{C}$ дан паст бўлса-совуқ; $+8^{\circ}$ - $+15^{\circ}\text{C}$ бўлса-салқин; $+16^{\circ}$ - $+28^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлса- ҳаво иссиқ ҳисобланади.

Иссиқлик-физик ҳисоблар учун ташқи ҳавонинг маълум кунларда энг совуқ ўртача ҳарорати қабул қилинади. Қабул қилинадиган ҳароратларга қуйидагилар киради:

1. Ўртача энг совуқ кунлик ҳарорати - $t \frac{C}{T}$;
2. Ўртача энг совуқ беш кунлик ҳарорат - $t \frac{5}{T}$;
3. Ўртача энг совуқ уч кунлик ҳарорат - $t \frac{3}{T}$.

Бу кўрсаткичлардан бирини қабул қилиш учун ташқи тўсиқ қурилмаларининг иссиқлик инерциясини ҳисоблаш керак бўлади ва қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$D = R_1 S_1 + R_2 S_2 + \dots + R_n S_n$$

ёки

$$D = \frac{\delta_1}{\lambda_1} S_1 + \frac{\delta_2}{\lambda_2} S_2 + \dots + \frac{\delta_n}{\lambda_n} S_n$$

$R_1, R_2, \dots, R_n$ – ташқи тўсиқ қурилмаларининг алоҳида олинган ҳар бир қатламнинг иссиқлик ўтказувчанлик қаршилиги;

$\delta_1, \delta_2, \delta_n$ - ташқи тўсиқ қурилмаларининг алоҳида олинган ҳар бир қатлами қалинлиги, м;

$\lambda_1, \lambda_2, \lambda_n$ – ташқи тўсиқ қурилмаларининг алоҳида олинган ҳар бир қатламнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентлари;

S_1, S_2, S_n – ташқи тўсиқ қурилмаларининг ҳар бир қатламнинг иссиқлик ўзлаштириш коэффициенти.

Ҳозирги замон бино ва иншоотларини лойиҳалашда уларнинг ташқи тўсиқ қурилмаларини иссиқлик инерциясини ҳисоблаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, уларнинг оптимал қалинлигини танлашда иссиқлик инерцияси қўлланилади.

Агар $D > 7$ бўлса, ташқи тўсиқ-массивли; $D \leq 7$ бўлса-енгил; $4 > D \leq 7$ бўлса ўртача массивли ҳисобланади.

Энди ўзимизни мавзумиздаги мунозара билан ҳозирги замон илмий асосларини таққослаб кўрайлик.

Маълумки, ўша замон обидаларини, яъни “Регистон” мажмуасининг ташқи тўсиқ қурилмаларини-деворларини қалинлиги $1,2 \div 1,6$ метргача қабул қилинган ва бино асосига тенг олинб, $3,3$ метр чуқурликда жойлаштирилганлар.

Ваҳоланки, бизнинг замонавий бино ва иншоотларни лойиҳалашда ташқи тўсиқ қурилмаси учун ғиштли девор қабул қилинадиган бўлса, айтайлик Самарқанд шаҳри учун $0,38$ метр ҳам мақсадга мувофиқ деб уқтирилади.

Демак, узок ўтмишимиз шундай кўркем обидаларни бунёд этишаётганда бинонинг ички хоналарида зарурий ҳарорат, намлик ташқи тўсиқ-ташқи деворнинг материалларини ва деворнинг қалинлигини қабул қилиб, илмий асосларга тассаввур бўлиб, лойиҳалаб барпо этганлар. Бу тарихий ёдгорликларнинг ҳаммасида ҳам асосий қурилиш материали сифатида сопол буюмлар-ғиштлар, пардозбоп плиткалар боғловчи модда сифатида эса оҳақли қоришмалардан фойдаланганлар.

Энди ўша девор сопол ғиштига мос деб ҳажмий массаси $\gamma_0 = 1000 \text{ кг/м}^3$, иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти ($\lambda_1 = 0,33 \text{ Вт/м}^\circ\text{С}$) ва иссиқлик ўзлаштириш коэффициенти ($S_1 = 6,03 \text{ Вт/м}^\circ\text{С}$) бир қатламли каби ташқи тўсиқ-деворни қалинлигини $\delta_1 = 1,5$ метр қабул қилиб инерция кўрсаткичини аниқлаймиз.

$$D = \frac{1,5}{0,33} \cdot 5,03 = 22,86,$$

демак чегаравий $D > 7$ кўрсаткичдан деярли 3 маротаба каттарок, яъни ўта катта массивли ташқи тўсиқ деворлар қабул қилинган экан.

Ташқи тўсиқ қурилмаларининг умумий иссиқлик узатиш қаршилиги уч хил қаршиликлардан иборатдир.

1.Иссиқлик миқдорининг ички ҳаводан қурилмани ички сиртига ўтишдаги қаршилиги. Бу иссиқдик сингдириш қаршилиги (R_u) дейилиб, ички ҳаво ҳарорати билан қурилма ички сирти ҳароратларининг фарқи туфайли вужудга келади ва бу фарқ қуйидагича $t_u - \tau_u$ тарзида ёзилади;

2.Иссиқлик миқдорининг қурилма танасидан ўтишдаги қаршилиқ. Бу қурилманинг термик қаршилиги R_u дейилади ва у қурилма ички сиртининг ҳарорати билан

ташқи сирти ҳароратлари фарқидан вужудга келади, яъни $\tau_u - \tau_u$;

3.Иссиқлик миқдорининг қурилма ташқи сиртидан ташқи ҳавога ўтишдаги қаршилиқ. Бу иссиқлик бериш қаршилиги (R_r) дейилади ва у қурилманинг ташқи сирти ҳарорати билан ташқи ҳаво ҳарорати фарқидан вужудга келади, яъни $\tau_r - t_r$.

Демак, ташқи тўсиқ қурилмасининг умумий иссиқлик узатиш қаршилиги уч хил қаршиликлар йиғиндисидан иборат бўлар экан:

$$R_y = R_u + R + R_r$$

Ташқи тўсиқ қурилмаларни умумий иссиқлик узатиш қаршилиги, R_y келтирилган иссиқлик узатиш қаршилиги R_o^{TP} қийматларидан паст бўлмаслиги шарт

$$R_o^{mp} = \frac{n(t_u - t_m)}{\Delta t^m \alpha_u}$$

бу ерда t_u ва t_m - ҳисоб учун қабул қилинган ички ва ташқи ҳавонинг ҳарорати;

$\Delta t^m = t_u - \tau_u$ ички ҳаво ҳароратидан қурилма ички ҳароратининг фарқи;

α_u – қурилма ички сиртининг иссиқлик бериш коэффициенти;

n – қурилма ташқи сиртининг ташқи ҳавога нисбатан қандай ҳолатда эканлигини кўрсатувчи коэффициент.

Энди меъёрланган Δt^m қийматларини тарихий обидаларни ташқи тўсиқ қурилмаларини қалинлиги $1,5$ метр деворлари билан таққосласак, ҚМҚ меъёрлари да замонавий бинолар учун $\Delta t^m = 5-7^\circ\text{С}$ ни қабул қилиш кўрсатилган бўлса, тарихий обидаларни ташқи тўсиқ қурилмалари учун $\Delta t^m = 1,0^\circ\text{С}$ ёки $0^\circ\text{С} < \Delta t^m \leq 1,0^\circ\text{С}$ кўрсаткичларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ушбу мавзу бўйича қисқа баён этилган мунозараларимизни хулосаси сифатида қуйидагиларни таҳлил этишимиз мумкинки, тарихий обидаларни бунёдкорлари ўз лойиҳаларини тадбиқ этишда қуриладиган маконнинг жойларини танлашга жуда катта эътибор берганлар, яъни улар шамол эсишининг такрорланиши ва тезлиги муҳим аҳамиятга эга эканлиги, қутб томонларини ёки румбларни “Шамол юлдузи” ёки шамол йўналиши каби кўрсаткич маълумотларига эга бўлиб, илмий жиҳатдан ёндашишганлар.

Самарқанд шаҳар учун шамолнинг асосий эсиш йўналиши шарқ ва жанубий шарқ эканлигига эътиборни қаратиб бино ташқи тўсиқ деворларидаги қурилмаларни жойлаштирилганлар. Демак, бинолар учун энг аҳамиятли бўлиб, бинони ташқи тўсиқ қурилмаси яъни,

деворини мустаҳкамлиги-унинг қалинлиги, қанақа материаллардан иборатлиги ва барпо этилиши туфайли бино хоналаридаги микроклим кўрсаткичларига эриши мумкинлигига илмий назар билан бунёдкорлик ишларини олиб боришганлар.

Адабиётлар:

1. Насонов Е.А., Кадыров Р.Р., “Пособие по проектированию новых энергосберегающих решений

по отоплению, вентиляции и кондиционированию (к КМК 2.04.05-97*)”. ОАО «ToshuyjoyLITI». Тошкент, ИВЦ, АОАТМ 2012 г.

2. КМК 2.01.01.-94. Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий геологик маълумотлар. Т. 1996 й.

3. КМК 2.01.04-97* - Қурилиш иссиқлик техникаси. Тошкент. 2011йил.

4. КМК 2.04.05-97. Отопление, вентиляция и кондиционирование. Госкомархитекстрой Республики Узбекистан, Ташкент, 1997. 110 стр.

МИКРОАРМИРЛАНГАН КЎП КОМПОНЕНТЛИ БЕТОН ТАРКИБИ АСОСИДА ЮПҚА ҚАТЛАМЛИ ФАЗОВИЙ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ

Саидмуратов Б.И., т.ф.н.; Куртаметов С., ассистент (СамГАСИ)

В статье рассматриваются процессы изготовления тонкостенных пространственных конструкций из микроармированных песчаных бетонов. Разработана технология изготовления микроармированной песчаной смеси и формование её для изготовления сферических сборных плит. Даются технико-экономические показатели и рекомендации для изготовления тонкостенных пространственных сферических конструкций различного назначения.

Production of spatial designs on a basis mikroarmirovaniy of sandy composition of concrete. In article is considered processes of production of thin-walled spatial designs of the microreinforced sandy concrete. The manufacturing techniques the microreinforced sandy smes and his formation are developed for production of spherical combined plates. It is given technical and economic indicators and recommendations of production of thin-walled spatial spherical designs of different function.

Фибробетон конструкцияларини қўллашда уни нафақат физик-механик кўрсаткичлари, балки иқтисодий томондан самарадорлигини ҳам инобатга олиш керак.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида таклиф этилаётган таркиб учун базальтфибробетон қоришмасини тайёрлаш ва қолиплашнинг 2 босқичли технологияси ишлаб чиқилди:

I - босқич - Кўп компонентли боғловчини тайёрлаб олиш:

- кўп компонентли боғловчи таркибини (цемент, кум, оҳак) керакли фойзаларда дозаторларда ўлчаб уни тегирмонга солиш;

- базальт толасини дозаторда ўлчанган улишини тегирмондаги кўп таркибли боғловчилар устига қўшиш;

- тегирмонга солинган барча ташкил этувчиларни биргаликда белгиланган вақт оралиғида майдалаш, уларни бир текисли аралашмасини ҳосил қилиш ва керакли оптимал солиш-тирма юза катталигига (маинлигига) келтириш;

- маълум майинлик даражасига келтирилган ушбу кўп компонентли қуруқ аралашмани “боғловчи”лар бункерига йиғиш;

II-босқич - Одатий бетон қоришмасини тайёрлаш ва қолиплаш технологиясидан фарқ қилмайди.


Кўпкомпонентли кумли бетон қоришмасини тайёрлашда тегишли ташкил этувчилар алоҳида-алоҳида бункерларда жамланади, яъни “боғловчи” бункери, (0,14-0,63 мм) фракцияланган кум бункери, 5 мм гача бўлган кум бункери, сув ва кимёвий қўшилмалар қўшилади. Барча ташкил этувчилар керакли қисм (фойз)ларда дозаторли тарозиларда ўлчаниб бетонқоригичга қўйидаги кетмакетликда солиш бошланади.

Биринчи навбатда кўпкомпонентли боғловчи ва фракцияланган кум 1-2 минут атрофида аралаштирилгандан сўнг, белгиланган сувни 50-70 % солинади ва аралаштирилади. Сўнгра “қуруқ-нам” аралашмаган қолган тўлдирувчи кум ва кимёвий сувли қўшилма қўшилиб яхшилаб 3-3,5 минут давомида бир текис аралаштирилади.


Бир йиллик қуввати 25000 м³ бўлган бетон тайёрлаш тугунини самарали ишлаши учун назорат ва таклиф қилинаётган бетон қоришмалари таркиблари учун керакли хом-ашё сарфини ҳисоблаймиз. 2-жадвалда келтирилган.

Бунинг учун пахта даласи ёки утовларда ишчи-хизматчилар дам олиб яшашига мўлжалланган кўчма йиғма темирбетон юпқа қобикли мобил уй учун (1-2-чизмалар) сарф бўладиган бетон қоришмаси ва стерженларни микдорини аниқлаб оламиз.


Эллипсод кўринишдаги мобил уйни баландлиги $H=4$ м ва ўрта энг катта радиуси $R=4$ м бўлганда юза сирт юзасини аниқлаймиз. Бунинг учун ушбу эллипсод ҳажми катта ёйи 45° га бўлинганда тепа ва остки қисмларни 8 кг 16 та тенг сферали сектор плиталарни ажратамиз.




1-чизма. Мобил уйнинг юқоридан кўриниши




2-чизма. Юпка қобикли йиғма темирбетон элементли эллипсоид формали мобил уйнинг юқорида ётқизиладиган элементлар схемаси.



3-чизма. Йиғма мобил уйнинг 1 та сигменти.



4-чизма. Мобил уйнинг фойдали майдон юзасини чизмаси, $S_2 = 20$ м².



5-чизма. Юқори ва пастки сигментлар бирикув қисмлари.

2-жадвал

Мустаҳкамлик кўрсаткичлари тенг бўлган базальт толали кўпкомпонентли кумли бетон ва оддий кумли бетон таркибларни тан-нариhini таққослаш ҳисоби (25000 м³ учун)

Т/Р	Харажатларни номланиши	Ўлчов бирлиги	Бир йиллик талаб		Нархи, минг сўм	Жами, млн. сўм	
			БФБ	Цемент кумли бетон		БФБ	ЦҚБ
1	Цемент	т	9700	16825	350	3,395	5888,7
	Оҳак	т	6062	-	140	848,7	-
2	Базальт толаси	т	607,5	-	14069	8547	-
3	Кимёвий қўшимча	т	97,0	-	25480	2471,6	2471,6
4	Дарё куми, $M_n=1,7$	м³	16060	23709	30	481,8	711,27
5	Кум – 5 мм гача	м³	8281	-	30	248,5	-
6	Сув	м³	6063	5800	1,2	7,276	6,960
	Жами хом-ашё бўйича					15999,7	9078,5
	1 м³					639,9	363,2

Битта сферали сектор плитаси юзасини топамиз. Юқоридаги чизмалардан келиб чиқиб ҳисоблаймиз:

$$S = \frac{e_1 + e_2}{2} \cdot h = \frac{z \cdot \frac{\pi}{4} + R \cdot \frac{\pi}{4}}{2} \cdot h =$$

$$= \frac{0,32 \cdot \frac{3,14}{4} + 4 \cdot \frac{3,14}{4}}{2} = 3,4 \text{ м}^2.$$

Сўнгра қолган сферик қобиғи плиталар ўлчамлари бир хиллигини инобатга олиб, уйнинг умумий сирт юзасини топамиз:

$$\Sigma S = 16 \cdot 3,4 = 54,3 \text{ м}^3.$$

Демак, мобил уйнинг сферик юзаси майдонини 54,3 м² ни ташкил этади. Бир дона йиғма сферик юзали плита юзаси эса 3,4 м² ни ташкил этади.

3- жадвал.

Юпқа қобикли йиғма темирбетонли эллипсонд уйни вариантлар бўйича таққослаш техник-иқтисодий кўрсаткичлар

Т/Р	Номла-ниши	Ўлчов бир-лиги	Микдори		Нархи, м.		Иқтисо-дий кўрсаткичлар м.с
			I	II	I	II	
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Бетон сарфи	м ²	3,19	1,28	1158,6	819,07	339,53
2	Металл сарфи	т	0,43	0,074	1505	259	1246
	ЖАМИ				2663,6	1078,07	1585,5

Ушбу берилган маълумотларга таянган ҳолда ва конструкция элементларини қалинлиги маълум бўлгандан сўнг унга сарф қилинадиган бетон қоришмаси ва арматуралар сарфини ҳар иккала (назорат ва таклиф

қилинаётган) таркиблар учун алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилди ва 3-жадвалга киритилди.

Бир йилда 25000 м³ қувватга эга бетон ту-гунида тайёрланган базальт толали кўп компонентли кумли бетондан фойдаланиб ўртача юпқа қобикли конструкциялар қалинигини камайтириш ҳисобига конструкциялар оғирлигини ҳар метр квадратга 1,75 марта енгиллаштириш имконини беради.

Хулоса

1. Кўп компонентли кумли бетонлар таркибини тайёрлашда базальт толасини таркибга одатий технология билан тўғридан-тўғри қўшиш толаларни бир жойга йиғилиб қолиши сабабли керакли самарани бермайди.

2. Толаларни бетон қоришмасида бир жойга тўпланиб қолмаслиги учун боғловчини те-гирмонда фаоллаштириш жараёнида кўшиб юборилиши ушбу муаммони ҳал қилиши аниқланди.

3. Тадқиқотлар натижасида кўп компонентли боғловчи ва бетон таркибини тайёрлаш ва қоришмани қолиплаш жараёнлари осонлаш-тирувчи технологияси ишлаб чиқилди.

4. Назорат ва таклиф қилинган таркиблардан юпқа қобикли конструкцияларни тайёрлаш учун сарф харажатлар ўзаро таққосланганда таклиф қилинаётган таркибнинг самарадорли-ги 1 м² юза учун -29,2 минг сўмни ташкил эта-ди.

5. Ушбу микроармирланган кумли бетон таркибни қўллаш орқали конструкцияларнинг ҳар бир квадрат метр юзаси оғирлигини (90-100) кг га камайтириш имконини беради.

УДК 628.2

ИССЛЕДОВАНИЕ МЕХАНИЗМА СОРБЦИИ ИОНОВ МЕТАЛЛОВ НОВЫМИ ИОНИТАМИ

Панжиев У.Р. ст.преп. (КарИЭИ); Худайберганаева Н.Т. ассистент (ТашИИТ)

Мақолада энг оддий яхши физик-кимёвий, термик хусусиятлари, мис, кобальт, никель, уран ва б. метал-лар ионларига сорбцион қобилияти билан ионитлар синтези кўриб чиқилган.

The article describes the most simple methods for the synthesis of ion exchangers with good physico-chemical, thermal properties, the sorption capacity for metal ions such as copper, cobalt, nickel, uranium, and others.

Процессы ионного обмена используют в аналитической химии и в промышленности. С помощью ионного обмена концентрируют следовые количества определяемых веществ, определяют суммарное солесодержание растворов, удаляют мешающие анализу ионы, количественно разделяют компоненты сложных смесей. Ионный обмен применяют: для получения умягченной и обессоленной воды в теп-

ловой и атомной энергетике, в электронной промышленности; в цветной металлургии - при комплексной гидрометаллургической переработке бедных руд цветных, редких и благородных металлов; в пищевой промышленности - в производстве сахара, при переработке гидролизатов; в медицинской промышленности - при получении антибиотиков и других лекарственных средств, а также во многих

отраслях промышленности - для очистки сточных вод в целях организации оборотного водоснабжения и извлечения ценных компонентов, очистки воздуха. Разрабатываются ионообменные методы комплексного извлечения из океанской воды ценных микрокомпонентов [1].

В этом аспекте актуальным является поиск наиболее простых методов синтеза ионитов с хорошими физико-химическими, термическими свойствами, сорбционной способностью к ионам таких металлов, как медь, кобальт, никель, уран и др. Поэтому представляло интерес исследование сорбционных свойств продуктов, полученных при сополимеризации пара-трисфосфат-аллилтрифенилфосфонийбромида (п-тф-АТФФБ) с дивинилбензолом (ДВБ) и метилметакрилатом (ММА).

Сополимеризацию п-тф-АТФФБ с ДВБ и ММА проводили в мягких условиях, при температуре 60°C, в среде диоксана. Выход продукта сополимеризации составляет порядка 85-89%. Синтезированные сополимеризацией п-тф-АТФФБ с ДВБ и ММА высокомолекулярные продукты после обработки 5%-ным водным раствором щелочи для перевода в ОН-форму представляют собой ионообменные смолы, обладающие высокой обменной емкостью и комплексом ценных свойств.

Исследование селективных свойств синтезированных ионитов на основе п-тф-АТФФБ с ДВБ и ММА к двухвалентным ионам были проведены в водных растворах азотной кислоты. Предварительными опытами по сорбции в статистических условиях была установлена сорбционная способность ионитов к двухвалентным ионам металлов в 0,8н азотной кислоте и имеют сродство к двухвалентным ионам уранила, никеля, кобальта, меди, свинца. При этом, во всех случаях, уранил сорбировался заметно сильнее других ионов. Экспериментально установлено, что, как и в случае [3], сорбция двухвалентных ионов резко падает с увеличением концентрации кислоты в исходном растворе.

Как известно, ионный обмен, представляет собой обратимый процесс стехиометрического обмена ионами между двумя контактирующими фазами. Обычно, как и во всех системах, одна из фаз - раствор электролита, другая - ионит. Диссоциация ионогенной группы ионита дает ионную пару, «фиксированный ион» которой ковалентно связан с каркасом (матрицей) ионита, а «противоион» подвижен и может обмениваться на ионы одноименного заряда, поступающие из «внешнего» раствора.

Установлено, что, благодаря эквивалентности обмена ионами, обе фазы сохраняют электронейтральность в течение всего процесса. Принято рассматривать ионный обмен как гетерогенную химическую реакцию обмена и количественно характеризовать ее одной из трех констант равновесия «К»: концентрационной (не учитывает коэффициент активности компонентов); кажущейся (учитывает коэффициент активности только в растворе); термодинамической (учитывает коэффициент активности в растворе и фазе ионита). Величину «К» определяли из уравнения Никольского:

$$K = \left(\frac{c + b^2}{c^2} \cdot \frac{1}{a_1} \right) \cdot \frac{1}{z_1} \cdot \left(\frac{c + b^2}{c} \right),$$

где c и c^2 - концентрации или активности противоионов 1 и ионов 2 в равновесном растворе;

b и b_2 - концентрации или активности ионов 1 и 2 в равновесной фазе ионита;

z_1 - зарядовые числа ионов [2].

Определено, что изменение термодинамического потенциала Гиббса в ходе ионного обмена подчиняется уравнению:

$$\Delta G = -R \cdot T \ln K.$$

В процессе ионного обмена меняется также объем сорбента Q , совершается работа A изотермического расширения (сжатия), причем

$$A = \Delta P \cdot Q,$$

где P - осмотическое давление в фазе сорбента.

Поэтому суммарное значение

$$\Delta P \cdot G = -R \cdot T \ln K - \Delta P \cdot Q.$$

Однако, в подавляющем большинстве случаев вторым членом уравнения можно пренебречь. В простейшем случае ионного обмена система содержит два типа обменивающихся ионов и, следовательно, характеризуется четырьмя равновесными концентрациями (для каждого иона в растворе и в ионите). Все задачи решаются на основе системы четырех уравнений: баланса, изотермы ионного обмена, эквивалентности обмена и электронейтральности. Задачу нахождения «К» можно свести к экспериментальному определению равновесной концентрации с одного компонента в растворе. В случае обмена однозарядных ионов справедливо уравнение:

$$a = -K \cdot a_0 \cdot c / [c_0 + (K - 1) \cdot c],$$

где a - равновесная концентрация иона в фазе ионита;

a_0 - обменная емкость ионита;

c_0 - концентрация исходного раствора.

Это уравнение иллюстрирует связь вида изотермы со значением K (рис. 1).




Рис. 1. Изотермы ионного обмена для систем с различными значениями констант равновесия (A_0 - исходное количество вещества, m - масса раствора, v - объем раствора).

При расчетах обмена смесей ионов на практике исходят из предположения, что значения « K » для каждого из компонентов в индивидуальных растворах и в смеси тождественны. Это положение хорошо выполняется при сорбции микрокомпонентов на фоне макрокомпонента и в случае разбавления (до 0,1 н) растворов любого состава. Выявлено, что сорбируемость ионов разработанными нами ионитами возрастает с увеличением заряда иона, у ионов с равными зарядами - с уменьшением степени их гидратации. При расчетах равновесий ионного обмена учитывали степень ионизации функциональных групп ионитов и степень диссоциации кислот и оснований в растворах [2].

Во многих реальных ионообменных системах ионный обмен сопровождается побочными явлениями, в первую очередь комплексообразованием, переносом растворителя (воды), неэквивалентным обменом, окислительно-восстановительными реакциями. При ионном обмене многих органических ионов помимо их удерживания ионогенными функциональными группами сорбентов имеет место и дополнительное взаимодействие этих ионов с матрицей сорбента (межмолекулярные дисперсионные силы, водородная связь).

При расчетах, учитывающих поглощение воды (растворителя), вода рассматривается как равноценный компонент ионообменной системы, а константу равновесия ионного обмена K_w находили из уравнения:

$$K = K \cdot \left(\frac{a_w}{C_w} \right) \cdot dw / dx_i,$$

где K - термодинамическая константа равновесия ионного обмена;

a_w и C_w - активности воды в фазе сорбента и растворе;

W - число молей воды, приходящееся на 1 эквивалент емкости ионита;

x_i - эквивалентная доля i -го компонента в сорбенте.

Неэквивалентный ионный обмен обусловлен проникновением необменивающихся катионов и анионов электролита в фазу ионита, а также взаимодействием не полностью диссоциированной многоосновной кислоты с функциональными группами анионита или многозарядных оснований с катионитом. Окислительно-восстановительные реакции для собственно ионообменных сорбентов обычно обусловлены низкомолекулярными примесями в них, удаляемыми предварительно обработкой сорбентов кислотами, щелочами, окислителями.

Кинетика. Процесс ионного обмена включает 5 последовательных стадий: перемещение сорбируемого иона к поверхности зерна сорбента (1) и внутри него (2), собственно ионный обмен (3), перемещение вытесняемого иона внутри зерна сорбента (4) и от его поверхности в растворе (5). Все стадии, кроме собственно химических реакции обмена, носят диффузионный характер. Лимитирующую стадию определяют экспериментально: если это химическая реакция обмена, то скорость процесса не зависит от размера зерен сорбента; если внутренняя диффузия, то сорбция возрастает после перерывов в опыте (явление «отдыха»); если внешняя диффузия, то скорость поглощения зависит от интенсивности перемешивания в статических условиях или от скорости прохождения раствора в динамическом опыте. Расчеты диффузионных стадий базируются на законах Фика. Коэффициент диффузии определяют экспериментально, его значения для внешней диффузии порядка 10^{-5} см²/с, для внутренней - от 10^{-6} до 10^{-11} см²/с. Коэффициент внутренней диффузии органических ионов на 1-2 порядка меньше, чем неорганических ионов. Особо крупные органические ионы (например, антибиотиков) не проникают во внутреннюю часть зерен малонабухающих (даже слабосшитых) сорбентов, в результате чего наблюдается состояние «ложного» равновесия. Поэтому, для эффективной реализации таких процессов часто рекомендуют использовать так называемые поверхностно-слоистые сорбенты, в которых ионогенные группы расположены тонким слоем вблизи поверхности зерен. Уменьшение пути диффузии в результате уменьшения размера зерен (соответственно, и межзернового пространства) приводит к резкому увеличению скорости ионного обмена. Вследствие малой энергии активации диффузии скорость ионно-

го обмена мало зависит от температуры [4].

Динамика. Большинство ионообменных процессов проводится в динамических условиях - пропусканием раствора через неподвижный слой сорбента в периодических процессах или противоточным движением раствора и сорбента в непрерывных процессах (рис. 2). Преимущества динамического способа - глубокая очистка раствора от примесей (благодаря контакту со свежими порциями сорбента) и полное использование обменной емкости слоя (вследствие увода током раствора продуктов ионообменной реакции из сферы реакции).

Для характеристики сорбционной способности ионита в динамических условиях используют уравнение Шилова. Все расчеты динамики ионного обмена базируются на решении системы уравнений для каждого компонента. Уравнение баланса имеет вид:

$$-V \frac{dc}{dX} + \varepsilon D_p \frac{d^2c}{dX^2} = \frac{da}{dt} + \varepsilon \frac{dc}{dt},$$

где V - линейная скорость потока раствора; ε - порозность сорбента (объем межзернового пространства в долях от общего объема сорбента); D_p - коэффициент продольной диффузии; t - время от начала опыта до «проскока» - появления удаляемого компонента за слоем сорбента.




Рис. 2. Схемы ионообменного умягчения воды ($M = Ca, Mg$) на неподвижном слое сорбента (а) и в противотоке (б) с движущимися слоями сорбента (NaR, MR_2) и потоками растворов (умягчаемая вода и регенерирующий раствор $NaCl$).

Во многих случаях членами, отражающими продольную диффузию (за исключением стадии регенерации) и изменение концентрации в

растворе, можно пренебречь. Тогда уравнение баланса принимает вид:

$$-V \frac{dc}{dX} = \frac{da}{dt}.$$

Применение. Промышленные аппараты для реализации ионного обмена подразделяются на 3 группы: установки типа смесителей-отстойников, фильтры с неподвижным и подвижным слоями сорбента. Аппараты первого типа используют в гидрометаллургии. В фильтрах с неподвижным слоем сорбента исходные и регенерационные растворы подаются в одном направлении (поточные схемы) или в противоположных (противоточные схемы).

Такие аппараты используются для ионообменной очистки растворов, например, при умягчении и обессоливании воды. В непрерывно действующих противоточных аппаратах подвижный сорбент, как правило, перемещается сверху вниз под действием силы тяжести.

Конструктивно - противоточные аппараты подразделяются на 3 группы: со взвешенным или кипящим слоем ионита, с непрерывным движением плотного слоя, с попеременным движением раствора через неподвижный слой и перемещением слоя при прекращении движения раствора. Для разделения смесей, близких по свойствам компонентов (например, изотопов), используют малопроизводительные, но эффективные аппараты с поочередным движением фаз и со сплошным слоем периодически выгружаемого сорбента. Технологическая схема ионного обмена включает: сорбцию извлекаемых или удаляемых элементов; взрыхление слоя ионита (потоком раствора снизу вверх); регенерацию ионита, промывку слоя ионита от регенерирующего раствора.

Закключение. Проведенные нами исследования еще раз доказали, что вследствие предложенных процессов и приемов, «К» для органического соединения часто на 1-2 порядка выше, чем для неорганических. Выявлено, что поглощение воды ионами сопровождается увеличением объема зерен и слоя сорбента и зависит от суммарного солесодержания раствора и степени сшивки ионита.

Литература:

1. Солдатов В.С. Простые ионообменные равновесия. - Минск.: 2013.-с.240.
2. Салдадзе К.М. Основы расчета и оптимизации ионообменных процессов. - М.: 1996.-с.346.
3. Либинсон Г.С. Сорбция органических соединений ионами, -М., 1979. -с.285.
4. Кокотов Ю.А. Иониты и ионный обмен. -С-Пб.: 2012.-с.180.

КЎП КАВАКЛИ ТЕМИРБЕТОН ПЛИТАНИНГ КЕЛТИРИЛГАН ТЕРМИК ҚАРШИЛИГИНИ ҲИСОБЛАШ ҲАҚИДА

Махмудов М.М., Эшмуродов А.Э. (СамГАСИ)

В работе проведен анализ метода расчета приведенного термического сопротивления сборной железобетонной плиты покрытия с круглыми пустотами и предложен упрощенный метод такого расчета, обеспечивающий достаточную для инженерных расчетов точность.

The analysis of a method of calculation of the resulted thermal resistance of the precast reinforced concrete plate of a coating with round hollows is in-process carried out and the simplified method of such calculation providing sufficient accuracy for engineering calculations is offered.

Маълумки, ташқи тўсиқ конструкциянинг ёки унинг бирор қатламининг термик қаршилиги R_K турли конструктив ечимлар учун турлича аниқланади. Бир қатламли бир жинсли тўсиқ конструкциянинг термик қаршилиги R_K қалинлик δ га тўғри пропорционал ва материалнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти λ га тескари пропорционал, яъни

$$R_K = \frac{\delta}{\lambda}, \text{ м}^2 \cdot ^\circ\text{C} / \text{Вт} \quad (1)$$

Бир жинсли қатламлардан иборат кўп қатламли ташқи тўсиқ конструкциянинг термик қаршилиги барча қатламлар термик қаршиликларининг йиғиндисига тенг, яъни:

$$R_K = \frac{\delta_1}{\lambda_1} + \frac{\delta_2}{\lambda_2} + \dots + \frac{\delta_n}{\lambda_n} = \sum \frac{\delta_i}{\lambda_i}, \text{ м}^2 \cdot ^\circ\text{C} / \text{Вт} \quad (2)$$

бу ерда $\delta_1, \delta_2, \dots, \delta_n$ - алоҳида қатламларнинг қалинлиги, м;

$\lambda_1, \lambda_2, \dots, \lambda_n$ - шу қатламлар материалларининг иссиқлик

ўтказувчанлик коэффициенти, Вт/(м $\cdot$ °C)

Бир жинсли бўлмаган ташқи тўсиқ конструкциялар учун термик қаршилиқнинг “келтирилган” қиймати $R_K^{пр}$ қуйидаги тартибда аниқланади. Аввало, конструкциянинг ҳисобий схемаси, яъни теплофизика нуктаи назаридан унинг энг нобоп қисми танлаб олинади. Сўнгра, конструкциянинг ана шу қисми учун икки марта (a ва b ҳолатлар учун) термик қаршилиқнинг қиймати аниқланади:

a) иссиқлик оқими йўналишига параллел текисликлар билан ташқи тўсиқ конструкция ёки унинг ҳисоблаш учун ажратиб олинган маълум бир қисми I, II, ... , N бўлақларга бўлинади; бунда бўлақларнинг айримлари бир жинсли қатлам ва айримлари эса ҳар хил материалдан иборат қатламлардан ташкил топган бўлиши мумкин; мазкур ҳол учун тўсиқ конст-

рукциянинг термик қаршилиги қуйидаги формула ёрдамида аниқланади [1]

$$R_a = \frac{F_I + F_{II} + \dots + F_N}{\frac{F_I}{R_I} + \frac{F_{II}}{R_{II}} + \dots + \frac{F_N}{R_N}}, \quad (3)$$

бу ерда $F_I, F_{II}, \dots, F_N$ - тўсиқ конструкция айрим бўлақларнинг юзаси, м 2 ёки см 2 ;

$R_I, R_{II}, \dots, R_N$ - мос равишда, тўсиқ конструкция шу бўлақларининг термик қаршилиги, м $^2 \cdot ^\circ\text{C} / \text{Вт}$, бир жинсли бўлақлар учун (1) формула, кўп қатламли бўлақлар учун (2) формула ёрдамида аниқланади;

b) иссиқлик оқими йўналишига перпендикуляр текисликлар билан ташқи тўсиқ конструкциянинг R_a ни аниқлаш учун қабул қилинган қисми 1, 2, 3, ... , n қатламларга бўлинади; бу қатламларнинг айримлари бир жинсли, бошқалари эса бир жинсли бўлмасликлари, яъни битта қатлам бир неча материаллардан иборат бўлиши мумкин; бир жинсли қатламларнинг термик қаршилиги (1) формула, бир жинсли бўлмаган қатламларнинг термик қаршилиги (3) формула ёрдамида аниқланади; бу ҳол учун тўсиқ конструкциянинг термик қаршилиги R_b иссиқлик оқими йўналишида жойлашган шу қатламларнинг термик қаршиликларининг йиғиндисига тенг деб олинади, яъни

$$R_b = R_1 + R_2 + \dots + R_n. \quad (4)$$

Ташқи тўсиқ конструкциянинг келтирилган термик қаршилиги қуйидаги формула билан аниқланади [1]:

$$R_K^{пр} = \frac{R_a + 2 \cdot R_b}{3}. \quad (5)$$

Бинологнинг кўп кавакли йиғма темирбетон плиталар қўлланилган совуқ чордоқ ёпмаси ва бирлаштирилган том конструкцияларининг иссиқлик узатишга қаршилигини аниқлашда темирбетон плиталарнинг бир жинсли эмаслигини ҳисобга олиш керак бўлади. Темирбетон


плиталардаги доира шаклидаги кавакларнинг иссиқлик узатилишига таъсирини ҳисобга олишда айрим мутахассислар [2], [3] кавакнинг шаклини, юзаси доиранинг юзасига тенг бўлган, шартли квадрат кўринишига келтириб олишни тавсия қилишади. Масалан, [2] да плитадаги доирасимон кавакнинг диаметри $d=0,159$ м ва каваклар орасидаги темирбетон қовурғанинг кенглиги $0,05$ м қабул қилинган ечим учун (1-расм, а) плитанинг келтирилган термик қаршилигини аниқланган. Унда $d=0,16$ м қабул қилинган, плитадаги кавакнинг юзаси

$$A_k = \frac{\pi \cdot d^2}{4} = \frac{3,14 \cdot 0,16^2}{4} = 0,02 \text{ м}^2 \text{ га тенг}$$

ва бу қийматга мос равишда қабул қилинадиган квадратнинг томони эса,

$$a = \sqrt{0,02} = 0,14 \text{ м га тенг деб олинган.}$$

Кавак ва қовурғанинг кенглигининг йиғиндиси ўзгартирилмаганлиги сабабли, ҳисобий схемада каваклар орасидаги темирбетон қовурғанинг кенглигини $0,07$ м қабул қилинган (1-расм, б).



1-расм. Кавакли темирбетон плитанинг келтирилган термик қаршилигини аниқлаш учун [2] да қабул қилинган ҳисобий схема: а – темирбетон плитанинг теплофизика нуқтаи назаридан нобоп деб ҳисобланган қисми; б – унинг ҳисобий схемаси; I ва II – плитанинг иссиқлик оқимига параллел текисликлар билан бўлинган ҳолдаги бўлақлари; 1, 2 ва 3 – плитанинг иссиқлик оқимига перпендикуляр текисликлар билан бўлинган ҳолдаги бўлақлари.

Чордоқ ёпмасидаги темирбетон плита қавагидаги ҳаво қатламининг температураси 0°C дан юқори бўлади деган тахмин асосида унинг термик қаршилигини $R_{в.п} = 0,15 \text{ м}^2 \cdot ^\circ\text{C} / \text{Вт}$ га тенг қилиб олинган.

[4] да муаллифлар йиғма темирбетон плитанинг келтирилган термик қаршилигини ҳисоблашни, доирасимон ҳаво бўшлиғи (кавак)нинг шаклини шартли квадрат билан алмаштирмасдан, (1-расм, а) да кўрсатилган ҳисобий схема асосида амалга ошириш мумкин деб ҳисоблашади. Мазкур маълумотлар асосида, А эксплуатация шароити учун ($\lambda_{т/б} = 1,92 \text{ Вт} / (\text{м} \cdot ^\circ\text{C})$) юқорида баён қилинган методдан фойдаланиб кавакли темирбетон плитанинг келтирилган термик қаршилигини

ҳисоблаш натижалари 1-жадвалда келтирилган.


1-жадвал.

Ҳисобий кўрсаткичлар	Ҳисобий схема учун кўрсаткичларнинг қиймати, $\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C} / \text{Вт}$	
	[4] да тавсия этилган ҳисобий схема	[2],[3] да тавсия этилган ҳисобий схема
	1 расм,а	1 расм,б
а – ҳол учун		
R_I	0,1818	0,1917
R_{II}	0,1146	0,1146
R_a	0,1594	0,1566
б – ҳол учун		
R_I	0,0159	0,0208
$R_{2,I}$	0,15	0,15
$R_{2,II}$	0,0833	0,0729
R_2	0,126	0,1109
R_3	0,0159	0,0208
R_6	0,1578	0,1525
$R_{пл}^{пр}$	0,1583	0,1538

[2], [3] ва [4] да тавсия этилган ҳисобий схемалар асосида темирбетон плита учун аниқланган келтирилган термик қаршилиқнинг қийматлари орасидаги нисбий хатолик

$$\varepsilon = \frac{0,1583 - 0,1538}{0,1538} \cdot 100 = 2,92 \% \text{ ни ташкил}$$

этади, яъни муҳандислик ҳисоблар учун одатда рухсат этиладиган нисбий хатолик $\pm 5\%$ дан кичик. Демак, йиғма темирбетон плитанинг келтирилган термик қаршилигини доирасимон ҳаво бўшлиғининг шаклини шартли квадрат билан алмаштирмасдан бажариш катта хатога олиб келмайди.



2-расм. Типовой кўп кавакли йиғма темирбетон плитанинг кўндаланг қирқими (а) ва орасидаги тирқиш (зазорни) ҳисобга олган ҳолда теплофизик ҳисоблар учун плитанинг нобоп қисмини танлаш варианты (б).




Юқорида таъкидланганидек, келтирилган термик қаршилиқни ҳисоблашда конструкция-


нинг теплофизика нуктаи назаридан унинг энг нобоп қисми танлаб олиниши лозим. 2-расмда типовой йиғма темирбетон плитанинг қўнда-ланг қиркими (а) ва плитанинг теплофизик ҳисоблар учун нобоп қисмининг варианты (б) кўрсатилган.

Йиғма темирбетон плитанинг келтирилган термик қаршилигини қабул қилиши мумкин бўлган турли ҳисобий схемалар учун аниқлаш натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал.

Йиғма темирбетон плита учун келтирилган термик қаршилиқни аниқлаш натижалари

Ҳисобий схема	$R_{пл}^{пр}$, $м^2 \cdot ^\circ C / Вт$	$\varepsilon, \%$
	0,1442	5,54
	0,1434	0
	0,1524	5,68

Ҳисобий схема	$R_{пл}^{пр}$, $м^2 \cdot ^\circ C / Вт$	$\varepsilon, \%$
	0,161	11,65

2-жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, йиғма темирбетон плитанинг теплофизика нуктаи назаридан энг нобоп қисми сифатида туташ плиталарнинг четки қаваклари орасида жойлашган темирбетон қисми, битта қавак ва қаваклар орасидаги бетон қовурға жойлашган қисмини ажратиб олиш етарли бўлади.

Адабиётлар:

1. ҚМҚ 2.01.04-97*. Қурилиш иссиқлик техникаси. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари / ЎЗР давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси; - Тошкент : 2011. – 98 б. – Тит. в. матн парал. ўзб. ва рус тилларида.
2. Малявина Е.Г. Теплозащита зданий : Справочное пособие / Е.Г. Малявина. – Москва : “АВОК-ПРЕСС”, 2007. -100 с.
3. Якубов Н.Х. Основы проектирования бесчердачных крыш в условиях жаркого климата [Текст]: Учебное пособие / Н.Х. Якубов. –Душанбе : Таджикский технический университет, 1993. -136 с.
4. Маҳмудов М.М. Бинолар ташқи тўсиқ конструкцияларини теплофизик ҳисоблаш [Матн]: Ўқув қўлланма / М.М. Маҳмудов, Ш.И. Ғаниев, Г.Р. Марупова. – Самарқанд : СамДАҚИ, 2015. – 120 б.

УДК 53.096:538.953

ЭФФЕКТИВНЫЙ НАПОЛНИТЕЛЬ ДЛЯ ПОЛУЧЕНИЯ ТЕПЛО- И ОГНЕЗАЩИТНЫХ СОСТАВОВ НА ОСНОВЕ ТОНКОДИСПЕРСНОГО ВЕРМИКУЛИТА

Курбанбаев Ш.Э., Мирзаев С.З.

Высшая техническая школа пожарной безопасности МВД РУз
Институт Ионно-плазменных и Лазерных Технологий АН РУз

Мақолада майдаланган Тебинбулок вермикулитларининг теплофизик хоссаларини ўрганиш натижалари келтирилган. Юқори дисперсликдаги вермикулитларнинг иссиқликдан сақловчи ва оловдан химояловчи материаллар ишлаб чиқишдаги самандорлиги кўрсатиб берилди.

The results of study of thermophysical properties of the vermiculites powder of the Tebinbulak minefield are presented. Efficiency of application of fine fractions of a vermiculite concentrate for receiving warm and fireproof materials is shown.

Многочетный опыт промышленно развитых стран по эффективному использованию местных минерально-сырьевых ресурсов показывает, что следует направленно вести поисковые работы по многоцелевому использованию ме-

стного минерального сырья, в частности, при производстве широкого ряда строительных, отделочных и других многофункциональных материалов с улучшенными потребительскими качествами. Как показывают конечные резуль-

таты таких работ, вложенные в них финансовые, технические, материальные и другие средства, в очень близкой перспективе окупаются, обеспечивая при этом тысячами рабочих мест, а промышленные и гражданские предприятия – новыми видами конструкционных, строительных, отделочных и других материалов широкого функционального назначения [1].

В этой связи заметим, что из материалов широкого потребления, особенно повышенные требования предъявляются к строительно-конструкционным и отделочно-декоративным материалам. Так, в последнее время на первое место в ряду обязательных требований, предъявляемых Техническими условиями (ТУ) к этим материалам, выступают такие как их способность противостоять избыточным огню и теплоте (так называемая огне- и теплозащита), а также их звукоизоляционные качества в широком диапазоне частот [2].

Огнезащитные материалы необходимы, чтобы как можно больше продлить время достижения критической температуры, при превышении которой происходит разрушение металлических, деревянных или иных строительных конструкций при пожаре. Как правило, металл строительных конструкций стоек к воздействию огня, но при достижении температуры 500°C его механические свойства изменяются, и стальные конструкции начинают деформироваться, что приводит к необратимым повреждениям зданий.

Традиционно используемые огнезащитные краски, эмульсии и пасты, составы которых были разработаны несколько десятилетий назад, а защитные функции были ориентированы в основном на более обширные северные районы, имеют ряд недостатков, главными из которых являются слабое противодействие высокой солнечной радиации, слабые огне- и теплозащитные качества и относительно низкая стойкость к годовым перепадам температуры [3]. В настоящее время выбор надежных огнезащитных составов (компонент) для повышения огне- и теплостойкости полимерных материалов, древесины и металлоконструкций, отвечающих климатическим условиям нашего региона, относительно невелик. Наиболее эффективными являются вспучивающиеся огнезащитные составы, способные при относительно небольшом расходе в условиях повышенных температур образовывать вспученный слой, который выполняет роль физического барьера на пути переноса пламени [4, 5, 6]. Часть огнезащитных материалов составляют эмульсии и краски, импортируемые из Европы и России за валюту. Даже производимые в

Республике, огнезащитные краски и эмульсии имеют в своем составе некоторые импортируемые компоненты.

В настоящее время на рынке тепло- и огнезащитных лакокрасочных материалов все большее распространение получили силикатные огнезащитные материалы, так как технология их изготовления относительно проста и они эффективно предохраняют деревянные и металлические конструкции от воздействия огня. Кроме того, продуктом их термодеструкции является углекислый газ и водяной пар, т.е. токсичные вещества при их горении не образуются. Область применения различных составов огнезащитных смесей и покрытий определяется с учетом требуемого предела огнестойкости деревянной или металлической конструкции, ее типа, действующего на нее вида нагрузки, температурно-влажностного режима эксплуатации, степени агрессивности окружающей среды и др. факторов.

В связи со сказанным выше, для решения задачи получения огнезащитного строительно-отделочного материала был проведен цикл работ по разработке сложной сухой композиции, которая для дальнейшего употребления должна разбавляться в нужном соотношении, например, водноэмульсионным составом. Сама сухая смесь готовится на основе тонкодисперсного вермикулита [7, 8] с включением нескольких дополнительных компонент – каолина в качестве наполнителя, модифицированного натриевого (силикатного) стекла в качестве связующего материала, доломита в качестве антипирена – материала, способного при действии огня выделять негорючие газы, препятствующие прямому контакту с пламенем. Очевидно, что каолин, тальк и другие подобные типы компонентов сами обладают огнестойкими качествами. Но в данном разрабатываемом составе основную огнезащитную функцию выполняет минерал вермикулит, представленный в композиции в трех видах: тонкоизмельченный концентрат сырой породы, и две его модификации, в которых вермикулит обработан различными реагентами после соответствующей кислотной активации [9].

Представляется крайне интересным и важным в прикладном плане проанализировать температурное поведение грубо- и тонкоизмельченного вермикулита. Теплофизические качества вермикулита различной степени дисперсности предполагается исследовать посредством дериватографического анализа особенностей его температурного поведения.

Таким образом, настоящая работа посвящена исследованию теплофизических свойств вермикулита с различной степенью дисперсно-

сти как наполнителя для получения новых эффективных тепло- и огнезащитных материалов.

Как известно, в основе структуры минерала вермикулита лежат сдвоенные кремнекислородные цепочки, образующие ленточные мотивы (слои), между которыми располагаются цеолитные каналы, в которых расположены молекулы воды и гидроксильные группы различной степени связанности с молекулами цепочек. Молекулы воды первого типа – это молекулы воды связанные с координационно-ненасыщенными каналообразующими ионами, а молекулы воды второго типа просто заполняют цеолитные каналы (полости) и не связаны с определенными кристаллографическими местами (это – так называемая цеолитная вода). По этой причине в кристаллической решетке вермикулита содержится три вида воды: «несвязанная» или цеолитная, «связанная» или адсорбционная и кристаллизационная.

Причиной вспучивания вермикулита, сопровождающегося значительным увеличением его объема, является термостимулированное образование и последующее выделение паров воды, которые по мере их накопления между ленточными мотивами, приводят к увеличению среднего расстояния между ними и росту объема всей структуры. Понятно, что все эти процессы – переход воды в пар, работа по расширению водяного пара с одновременным изменением структуры материала – связаны с потреблением определенной доли подводимого тепла. Именно это обстоятельство предполагалось использовать в разрабатываемой огнезащитной композиции в качестве преграды, сдерживающей распространение огня.

Частицы минерала вермикулита были получены в достаточно широком интервале размеров методом акустического диспергирования. Размеры частиц тонкодисперсных фракций порошка вермикулита составляли интервал от 10-30 до 140-160 мкм с максимальной долей 60-100 мкм (около 80 %).

Для прогнозирования эффективности используемых тонкодисперсных фракций вермикулитов в разрабатываемых огнезащитных составах, проведены работы по измерению вспучиваемости (Таблица) и анализ данных дифференциально-термического анализа (ДТА) измельченных вермикулитов (рис 1. и рис. 2.).

Из приведенных в таблице данных видно, что самым низким показателем коэффициента вспучивания имеет как и ожидалось фракция дисперсного вермикулитового концентрата с размерами зерен 160 мкм и меньше. Этот показатель коэффициента вспучивания имеет важное практическое значение, так как для получения эффективных с качественными декора-

тивными свойствами огнезащитных красок, покрытий и огнетушащих составов необходимо чтобы вермикулит используемый в разработке обладает высокодисперсностью и не теряет при этом свойства вспучивания.

Таблица

Результаты испытаний на вспучиваемость различных фракций Тебинбулакского вермикулита

Фракция	Температура, °C	Время выдержки, сек	Потеря массы Дм, гр	Коэффициент вспучивания $V_{\text{после}}/V_{\text{до}}$
(0,5-1) мм	700-750	60	0,0360	3,2
250 мкм до 0,5 мм	700-750	60	0,0295	2,5
160- 0,250 мкм	700-750	60	0,0317	2,2
250 мкм и меньше	700-750	60	0,0410	1,2
160 мкм и меньше	700-750	60	0,0383	1,1

Кривые, описывающие теплофизику процесса нагревания различных образцов вермикулита, были получены методом дифференциально-термогравиметрического анализа (ДТА) на дериватографе Q-1500 системы Paulik-Paulik-Erdey фирмы MOM (Венгрия) в интервале температур 25-900 °C. Чувствительность по каналу ДТА – 1/10. Использовались навески образцов весом от 116 до 144 мг. Нагревание самих образцов проводилось в платиновом тигле со скоростью 10 град/мин в атмосфере воздуха. В качестве эталонного инертного материала использовался порошок Al_2O_3 .

Предварительно проведенные опыты по измельчению и нагреванию порошка минерала вермикулита (сырой породы) до 900°C дали результаты, которые могут успешно использоваться при получении эффективных огнезащитных смесей. Оказалось, что тонкое измельчение минерала вермикулита приводит к смещению на кривых ДТА эндотермических эффектов примерно на 100°C в сторону меньших температур. Это значит, что вспучивание вермикулита и образование огнезащитной преграды на пути распространения огня начинается уже при относительно невысоких температурах. Это обстоятельство оказывается крайне важным при использовании огнезащитных смесей для защиты деревянных и полимерных строительно-отделочных материалов и покрытий.

На рис. 1 приведены кривые ДТА минерала вермикулита Тебинбулакского месторождения (Узбекистан), полученные при различной степени дисперсности.

Теплота внутренних превращений, отн. ед.




Рис. 1. Дифференциальные термограммы (кривые ДТА) вермикулита: 1 – размер зерен 200-600 мкм, 2 – размер зерен 10-160 мкм.

Хорошо видно, что при более тонком измельчении эндотермические особенности заметно смещены в сторону более низких температур.

На обеих термограммах наблюдаются хорошо выраженные эндотермические эффекты с особенностями при 220, 340, 720 и 880°C (кривая 1) и 140, 250, 660 и 840°C (кривая 2), связанные с последовательным удалением не связанной цеолитной, слабо связанной адсорбционной и кристаллизационной воды. Для случая тонкоизмельченного вермикулита эндоэффект с максимумом на 140°C выражен более слабо, что объясняется наличием большого количества не связанных и слабо связанных молекул воды, не требующие для перехода в пар больших затрат тепловой энергии, которые вскрываются при высокой степени измельчения материала. Иными словами при высокой степени измельчения уже при относительно невысоких температурах (около 100°C) появляется возможность к эффективному испарению воды с поверхности зерна и в межслоевом пространстве. Относительно «легкая» испаряемость воды в этом случае определяется тем, что тонкоизмельченный вермикулит имеет в несколько раз большую активационную поверхность. При этом тонкое измельчение приводит к тому, что значительная часть адсорбционной воды оказывается на поверхности зерна и становится практически не связанной водой. Именно это обстоятельство приводит к менее выраженному эндотермическому эффекту на кривых ДТА. При повышении температуры начинается активное удаление кристаллизационной воды, проявляющееся при 640-680°C для тонкоизмельченного вермикулита и в области 680-740°C – для более крупнозернистого. Удаление кристаллизационной воды

продолжается до 900°C и даже выше (судя по поведению кривых на рис. 1. и 2.).

Наиболее полную картину потерь воды при нагревании вермикулита можно получить при совместном анализе кривых ДТА и термогравиметрических (ТГ) кривых. Так, для вермикулита более «грубого» помола наиболее активное удаление «цеолитной» и адсорбционной воды наблюдается на кривой 1 в интервале 160-200°C (рис. 2). Хотя процесс удаления такой воды начинается около 100°C и продолжается примерно до 300 °C. Общая потеря воды в этом интервале составляет 7,66 г или 6,23 вес.%. Общая потеря воды в интервале 100-900°C составляет 12,08 г (9,82 %). Отметим также, что наибольшее количество воды (64%) удаляется в области первого эндоэффекта (рис. 1, кривая 1), растянутого примерно на 220°C (рис. 2).

Δm, мг




Рис. 2. Термогравиметрические кривые вермикулита: 1 – размер зерен 200-600 мкм, 2 – размер зерен 10-160 мкм.

В этом же интервале наблюдается постепенный рост вспученности материала. Последнее обстоятельство (растянутость эндоэффекта) приводит к тому, что огневой фронт достигает температуры 300-320°C за относительно малое время, поскольку формирование первой защитной преграды в виде пористой прослойки из паров воды растянуто более чем на 200°C. Продолжающееся с ростом температуры до 680-900°C увеличение вспученности связано с удалением оставшихся 36 % воды, большую часть которой составляет кристаллизационная вода.

В случае нагревания тонкодисперсного вермикулита (кривая 2 на рис. 2) анализ показывает, что количество воды, удаляющейся из вермикулита в области первого эндоэффекта в интервале 100-155°C составляет 7,88 г (6,41 %). Это несколько больше, чем в случае более крупнозернистого вермикулита. Однако меньшая его растянутость по температуре (около

50-55°C) с сдвиг в сторону меньших температур делает такую защитную преграду более труднопреодолимой, поскольку среднее значение «кванта» распространяющегося тепла в области температуры 100-155°C более чем в два раза меньше среднего значения «кванта» тепла для области 100-320°C (кривая 1 на рис. 2). Это обстоятельство приводит к тому, что в случае тонкодисперсного вермикулита на преодоление первой защиты в виде преграды из паров воды требуется затратить больший временной интервал.

С увеличением температуры до 660-680°C и выше начинает эффективно удаляться кристаллизационная вода. Причем для вермикулита высокой степени измельчения этот процесс начинается раньше на 100-120°C и протекает более активно, что хорошо видно из сравнения температурного хода кривых 1 и 2 (рис. 2). Общая потеря воды в интервале 100-900°C для такого вермикулита составляет 14,12 г (11, 48 вес.%).

Таким образом, в случае тонкодисперсного вермикулита уже при температурах $\approx 100^\circ\text{C}$ в огнезащитной смеси начинаются процессы, активно противодействующие распространению высокотемпературного фронта. При пожарах среднего уровня возгорания полученной задержки во времени, как правило, достаточно для локализации очага возгорания. Полученные результаты показывают широкие возможности использования высокодисперсных вермикулитов для создания новых эффективных тепло- и огнезащитных строительных, а также огнегасящих материалов.

Литература:

1. Использование природных ресурсов Республики Узбекистан. - Ташкент, 2006 г., -144. с.: ил.
2. Баратов А.Н., Андрианов А.А., Корольченко А.Я. и др. Пожарная опасность строительных материалов // - М.: Стройиздат, 1988. - 380 с.: ил.
3. Сарсембинова Б.Т., Никитина И.И., Глебов К.М. Труды института химии АН Казахстана // - 1996, т. - 79, -С. 114-166.
4. Балакин В.М., Полищук Е.Ю., Литвинцев Ю.И. Изучение огнезащитной эффективности азот-фосфорсодержащих составов // Пожаровзрывобезопасность, - 2007, т. 16, № 5, -С. 39-40.
5. Ненахов С.А., Пименова В.П. и др. Проблемы оценки ресурса работоспособности огнезащитных вспучивающихся покрытий // Пожаровзрывобезопасность, -2009, т. -18, № 8, -С 46-49.
6. Балакин В.М., Полищук Е.Ю., Горбунова Е.М. Исследование огнезащитных физико-химических свойств фосфорсодержащих олигомеров // Пожаровзрывобезопасность, -2008, т. 17, № 5, -С. 54-56.
7. Агранат Б.А., Дубровин М.Н., Хавский Н.Н., Эскин Г.И. Основы физики и техники ультразвука: Учеб. Пособие для вузов. - М.: Высш. шк., 1987. - 352 с.: илл.
8. Г.М.Зияев, М.Х.Усманов, Ш.Э.Курбанбаев, А.В.Литяга, Ш.Р.Муллаянов. Современная технология получения тонкодисперсного вермикулита // Материалы региональной Центрально-Азиатской Международной конференции по химической технологии. Москва, 2012 г. 405-407 стр.
9. Заявка на патент № IAP 20140242 от 16.06.2014. «Состав для изготовления многоступенчатого огнезащитного покрытия» Агентства по интеллектуальной собственности Республики Узбекистан. - Ташкент, 2014.

ИНЖЕНЕРЛИК ТАРМОҚЛАРИ ҚУРИЛИШИ СТРОИТЕЛЬСТВО ИНЖЕНЕРНЫХ СЕТЕЙ

УДК 656.1

ЖИЗЗАХ ШАХРИДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАР ИШИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ТИЗИМИ

Уралбаев А.У. Омонов М.Б. (СамДАҚИ);

Адилов О.К., Халилов А.Х., Б.Бегматов, И.Қўшбоқов, Б.Худойбердиев (ЖизПИ),

В статье приводятся положения разработанных методических рекомендаций и результаты их применения в производстве в целях усовершенствования безопасности дорожного движения и автомобильного транспорта.

This paper provides designing methodical recommendations and using there results to improve traffic safety in transport.

Ҳозирги кунда Республикамизда фаолият олиб бораётган мулк шаклидан қаттиий назар, барча корхоналарнинг барқарор ишлашини

таъминлаш, ташқи бозорларда рақобат бардошлигини ошириш учун уларни қўллаб - қувватлаш мақсадида чоралар қўрилатганилиги

ҳақида 2009 йил якунлари бўйича Президент И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамасидаги маърузасида таъкидлаб ўтганди. [1]

Шу нуктаи назардан Республикамизда халқ ҳўжалигининг бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан транспорт бозоридаги аҳвол тубдан ўзгарди. Республикамизда транспорт бозорида давлатнинг тармоқ ва соҳа корхоналарига тегишли транспортлари монополист сифатида гегемонликни эгаллаб турган бўлса, республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг бу аҳвол ўзгариб, транспорт бозорида давлат автомобилларига рақобатчи бўлаётган хусусий автомобилларнинг мавқеи ва улар томонидан кўрсатилаётган хизмат салоҳияти кундан-кунга ошиб бормоқда. [2]

Шу билан бирга, хусусий транспортларда ишга чиқишдан олдинги назоратнинг ўтказилмаслиги кўп ҳолларда уларнинг техник ҳолати талаб даражасидан пасайиб кетишига олиб келади, бу эса ўз навбатида йўллардаги ҳаракат хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли бу транспорт воситаларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи уюшмалар, ўзларининг тасарруфларидаги автомобилларни доимий техник қаровдан ўтказиб туришлари ва уларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи механизмларининг ҳар куни ишга чиқишдан олдинги кўригини ташкил қилишлари лозим.

Республикамиз аҳолисига хизмат кўрсатаётган хусусий транспорт секторининг фаолиятидаги кўйидаги баъзи камчиликлар, улардаги хизмат сифатининг ва шаҳар кўчаларидаги ҳаракат хавфсизлигининг пастлигига сабаб бўлмоқда:

- уларнинг техник ҳолати бўйича кунлик назоратнинг ташкил қилинишдаги камчиликлар;
- баъзи ҳолларда тўлиқ уюшган ҳолатда фаолият юритмаётганлиги;
- ҳайдовчиларнинг малакалари ва тажрибаларининг камлиги;
- ҳайдовчиларнинг психофизиологик ҳолатлари назоратининг йўқлиги;
- ҳайдовчиларнинг, асосан, фақат ўз манфаатларини ўйлашлари, мижозларга яхши шароит яратиш учун қизиқишларининг сустлиги;
- низом асосида хизмат кўрсатиш ишларини жойларда тўлиқ ташкил этилмаслиги.

Юқорида келтирилган ҳолатлар ва камчиликлар республикамизнинг бошқа вилоятлари каби Жиззах вилояти ҳудудидаги хусусий АТКлар фаолиятига ҳам тегишлидир. Шу сабабли хусусий транспорт хизматининг нуфузини кўтариш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш учун келтирилган камчиликларни камайтириш йўлида иш олиб бо-

риш, бунинг учун хусусий транспорт соҳибларини жойлардаги уюшмаларга бирлаштириш, уларни ҳуқуқий ҳимоялаш, йўналишлардаги тартибни ва транспорт хизмати маданиятини кўтариш, транспорт хизматини мувофиқлаштириш ва марказлаштириш борасида жойларда транспорт хизматлари учун буюртма қабул қилувчи Авто шохбекатларда диспетчерлик пунктларини ташкил қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидир.

Шу ўринда йўл ҳаракатида иштирок этувчи транспорт воситалари техник ҳолати автомобил ишлаб чиқарувчи завод кўрсатмаларига ва техник эксплуатация қоидалари бўйича қўйилган талабларга мос келиши керак. [3]

Ҳозирда Жиззах шаҳрига бир кунда атрофдаги туманлардан 10 мингдан зиёд йўловчилар ташилмоқда, лекин ташишда иштирок этувчи транспорт воситаларининг техник ҳолатларини назоратга олиш, ташиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар мавжудлигини назоратга олиш ишлари етарлича амалга оширилмаётганлиги натижасида транспорт хизматини мувофиқлаштириш ва марказлаштириш борасида муоммоларни юзга келтирмоқда.

Йўналишлардаги тартибни ва транспорт хизмати маданиятини кўтариш, транспорт хизматини мувофиқлаштириш ва марказлаштириш борасида 1та енгил автомобил учун - 406740 сўм, автобус учун – 336240 сўм ва юк автомобили учун – 650000 сўм миқдорда давлат томонидан тўлов миқдорлари низом асосида амалга ошириб келмоқда. [2]

Шу ўринда биргина Жиззах – Зомин йўналишида олиб борилган тадқиқотлар натижасида аниқландики 89 та транспорт воситалари йўловчи ташиш билан шуғулланади, шундан ушбу йўналиш бўйича фаолият олиб бораётган “ Кузгу – Зиё-Транс” МЧЖга қарашли транспорт воситаларининг 24 таси ташиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар мавжуд бўлса, 65та транспорт воситасида ноқонуний ҳолда фаолият юритиб келмоқда ва уларда ташиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар мавжуд эмас. Ўз ўрнида ушбу йўналишдаги яқка тартибда (уюшмаларга бирикмаган) ҳаракат қилаётган автомобилларнинг эксплуатация жараёнида техник ҳолатининг иш давомийлиги бўйича ўзгаришини ҳайдовчи ўз билими асосида назорат қилиши натижасида йўллардаги ҳаракатланиш хавфсизлик даражаси йўқолиб бориши кузитилмоқда. Ушбу йўналишдаги транспорт воситалари ташиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар давлат божи учун умумий тўлов “ Кузгу – Зиё-Транс” МЧЖга тегишли транспорт воситаларининг 24 таси **9761760** сўм

миқдорда давлатимиз транспорт хизматини такомиллаштиришга ҳиссасини қўшиб келмоқда, ушма ёки масулияти чекланган жамиятга қарашли транспорт воситалари техник ҳолати автомобил ишлаб чиқарувчи завод кўрсатмаларига ва техник эксплуатация қоидалари бўйича қўйилган талабларга мос сервис хизматлари Сервис хизмат кўрсатиш марказларида қафолатли хизматларни амалга оширилмоқда, бу эса транспортга хизмат кўрсатиш харажатларини камайишини, транспортнинг хавфсизлик даражасини таъминлашга хизмат қилади.

Эндиликда 65та транспорт воситалари ташиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар давлат божини учун **22640100** сўм миқдордаги тўлов тўлмаган ҳолда фаолият олиб боришмоқда, йўл ҳаракатида иштирок этувчи ушбу транспорт воситалари техник ҳолати автомобил ишлаб чиқарувчи завод кўрсатмаларига ва техник эксплуатация қоидалари бўйича қўйилган талабларга мос келмаслиги транспортга хизмат кўрсатиш харажатларининг ошишига, транспортнинг хавфсизлик даражасининг йўқолишига сабаб бўлмоқда, чунки доимий назоратсиз транспорт воситаларининг эксплуатация қилиниши техник ҳолатининг иш давомийлиги бўйича ўзгаришига олиб келмоқда.

Эксплуатация жараёнида транспорт воситаларининг техник ҳолатининг иш давомийлиги бўйича ўзгаришининг статистик қонуниятини ўрганилиши талаб этилади. Бунда эксплуатациядаги транспортнинг хизмат даврилиги ошиши билан унга хизмат кўрсатиш харажатлари ошиши, транспортнинг хавфсизлик даражаси йўқолиб бориши илмий жиҳатдан аниқланди [5].


Эксплуатацияда бўлган бир турдаги транспорт воситаларидан фойдаланиш иш давомийлиги бўйича назоратни амалга ошириш учун Жиззах шаҳрини боғловчи туманлар бўйича йўналишлардаги транспорт воситаларининг техник ҳолатларини ўрганиш орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда ушбу йўналишлардаги транспорт воситаларининг техник эксплуатация даражасини баҳолаш ва уларни солиштириш талаб этилади.

Чунки бунга асосий сабаб, йўналишлардаги яқка тартибда ҳаракат қилаётган транспорт воситаларининг техник жиҳатдан назоратсизлигидандир. Шунингдек, деярли ҳар куни ишга чикувчи автомобилларни ёнилғи - мой билан таъминлаш, уларни ювиш-тозалаш ва назорат қилиш, зарурат туғилса, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш талаб даражасидаги сервис хизма-

тини билдирса - да, лекин йўналишларда ушбу хизмат ишлари билан таъминлаш ишлари йўлга қўйилмаганлиги, ўз ўрнида йўлларда ҳаракатланиш жараёнида транспорт воситаларини техник жиҳатдан назоратсиз ҳаракатланишини таъминламоқда.

Агар ушбу йўналишлардаги транспорт воситалари йўловчи ташиш учун лицензияга эга корхоналар таркибида бўлганда, техник хизмат кўрсатишнинг барча ишлари транспортларнинг юқори техник тайёргарликларини таъминлаган бўлар эди, бироқ барча йўналишларда бу ишлар йўлга қўйилмаган. Натижада автомобилларнинг йўлга чиқишида тартибсизлик ва техник носоз транспортларнинг эксплуатация қилиниши натижасида йўл-транспорт ҳодисалари миқдорларини ошмоқда.



1-расм. Транспорт воситалари носоз қисмларининг ЙТХга таъсири.

2009-2015 йилларда Жиззах вилоятида содир бўлган ЙТХ бўйича статистик маълумотларига асосан, 1-расмда келтирилганидек транспорт воситаларини эксплуатация қилиш давомида келиб чиқадиган нуқсонлар ЙТХларининг содир бўлишига кўпроқ сабаб бўлмоқда.

Кузатишларимизга кўра, йўналишларда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи транспорт воситаларнинг назорат-ташхислаш жараёнини ташкил этишдаги камчиликлар, автомобиллар техник ҳолатининг сустлиги ЙТХлар сонининг ўсишига олиб келмоқда.

Қуйида 2015 йил давомида Жиззах шаҳри ва шаҳарга боғланган йўллар бўйича кузатилган транспорт воситалар иштирокида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари таҳлили 1-жадвалда келтирилган.

Ушбу жадвалдан Жиззах шаҳри ва шаҳарга боғланган йўллар ҳудудида йўл-транспорт ҳодисалари ўсиб борганлиги кўриниб турибди. [4].

ЙТХ оғирлик даражаси ва суст хавфсизлик қуйидагича баҳоланади: [5]

$$F_{or} = 1,1 \text{ киши / дона}; F_c = 0,4 \text{ киши}$$

1-жадвал

№	Шаҳар ва туманлар	Транспорт воситалар ҳайдовчилари содир этган йўл транспорт ҳодисалар сони, дона		
		ЙТХ дона	Ҳалок бўлган киши	Жароҳатланган киши
1	Жиззах ш.	44	5	43
4	Жиззах–Жиззах туман	25	4	25
5	Жиззах-Пахтакор	4		4
13	Жиззах-Фориш	2		2
Шаҳар бўйича		75	9	74

Автомобил йўлларида ҳаракатланувчи автобуслар ва енгил автомобиллар оқимида ЙТХ оғирлик даражаси 1,1 к/д ни ташкил этиши, оғирлик даражасининг ошишига сабаб бўлиб, йўлларда тахминан йўл-транспорт ҳодисаларининг 8,5%идан кўпроғини содир этишда иштирок этмоқда.

Жадвалга асосан, ЙТХларнинг кўп қисми пиёдалар ва бошқа транспорт воситалари билан тўқнашув ҳамда велосипедчиларни уриб юбориш бўлиб, бу ЙТХларининг содир бўлиши аксарият ҳолларда аҳоли яшаш жойидаги автобус тўхташ жойлари яқинида кузатилган.

Жиззах вилоятида транспорт воситалар иштирокида содир этилган ЙТХларнинг асосий турлари.

2-жадвал

Т/р	ЙТХ турлари	Ҳодисаларнинг солиштирма кўриниши %
1	Пиёдаларни босиб кетиш	36,2
2	Бошқа транспорт билан тўқнашув	27,9
3	Велосипедчиларни босиб кетиш	14,3
4	Автомобилларнинг тўсиқларга урилиши	11,7
5	Ағдарилиб кетиши	6,1
6	Юкли транспортлар билан тўқнашув	1,3
7	Бошқа ҳодисалар	2,5
	Жами	100

Йўллардаги катнов жараёнида содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларига юқорида қайд этилган носозликлардан бошқарув тизимига алоқадор носозликлари сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда Жиззах шаҳри ичи ва шаҳар атрофи йўналишларида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи кохоналар лицен-

зия олиш учун автошоҳбекат ва автобош бекатлар билан шартномага эга бўлишлари белгилаб қўйилган. Демак йўналишлардаги тартибсизликларга барҳам бериш сифатсиз ТХК ва Т ишлари олдини олиш, транспорт воситалари техник ҳолатининг сифатини янада яхшилаш, хизмат маданиятини оширишда автошоҳбекат ва автобошбекатларнинг ролини ошириш зарур деб ҳисоблаймиз. Юқоридаги йўналишлардаги транспорт воситалар техник ҳолатларини етарлича баҳолаш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаб йўловчиларга кўрсатилаётган хизмат маданиятини оширишда автошоҳбекат ва автобошбекатлар билан йўловчи ташувчи корхоналар ўртасидаги шартнома шартларини бажарилиши қатъий талаб қилиниши лозим. Шу мақсадда йўналишларда ноқонуний фаолият юритаётган транспорт воситаларини ҳаракатини тартибга олишда маъсул ходимлар ёрдамида мунтазам равишда ноқонуний фаолият юритаётган транспорт воситаларини фаолиятини назоратга олиш орқали йўлга қўйиш, шу йўл билан йўловчиларга кўрсатилаётган хизмат маданиятини ошириш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга эришиш мумкин. Йўналишлардаги транспорт воситаларининг ўз ўрнида яъни белгиланган йўналиш бўйича йўловчи ташиш лицензиясига эга бўлган корхона таркибида ва барча йўналишлар бўйича ҳаракатлашни автошоҳбекатлар ва автобошбекатлар орқали ташкил этилса, йўналишларда ҳаракат хавфсизлиги яхшиланиб, транспорт воситаларининг самарали ишлашига олиб келади ва аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизмати маданияти таъминланилади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2009 -54 б.
2. Ўзбекистон Республикаси автомобил – дарё транспорт агентлиги Жиззах вилоят бўлими маълумотлари. 2015.
3. Ҳамракулов О., Магдиев Ш., Автомобилларнинг техник эксплуатацияси. Жиззах. “Адолат”, 2005.-262б.
4. Жиззах ш ИИБ ЙХХБ статистик маълумотлари 2015 й.
5. Адилов О Автотранспорт корхоналарида ҳаракат хавфсизлиги хизматини такомиллаштириш. Тошкент. “Наврўз”. 2015- 122б
6. Прудовский Б.Д., Ухарский В.Б. Управление технической эксплуатацией автомобилей по нормативным показателям. М. “Транспорт”, 1990.- 145 стр.

“LEICA” - NOVA MS50. ЗАМОНАВИЙ АСБОБЛАР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ГЕОДЕЗИК ЕЧИМИ

Мирзаев А.А., Худойназаров М.А., Хамдамова Д.О. (СамДАҚИ)


Республикамиз мустақилликка эришгандан бошлаб, барча соҳалар каби геодезия, картография ва кадастр соҳаларини ривожланишига ҳам катта эътибор берилди. Геодезик, картографик ва кадастр масалаларини аъло даражада ечиш учун УзГЕОДЕЗКАДАСТР бош бошқармаси ва ҳукуматимиз томонидан ҳозирда олиб борилаётган илмий ва амалий ишларни янада такомиллаштириш мақсадида соҳага доир янги геодезик техник ва технологияни жалб қилиш асосий вазифалардан бирига айланди. Мамлакатимиз ҳудудида давлат геодезик таянч тармоғини Ер йўлдоши тизими технологияси бўйича амалга ошириш масалаларига ва ишлаб чиқариш корхоналари учун янги замонавий электрон теодолит, тахеометр ва нивелирлар харид қилиш бўйича кўп маблағлар ажратилди ва уларни қўллашга аҳамият берилмоқда. Геодезик ўлчашларнинг асосий мақсади сифатли топографик материаллар яратишдан иборат.



Ҳозирги пайтда хорижий мамлакатлар фирмалари томонидан замонавий аниқ ва юқори аниқликдаги кодли электрон, кўп функцияли асбоблар ишлаб чиқарилмоқда. Бу Leica Nova MS50 асбоби тўлиқ геодезик асбобларни ўзига мужассамлаштирган десак муболаға бўлмайди. Leica фирмаси электрон теодолит, электрон тахеометр, электрон дальномерлар, GPS суний йўлдошлар системаси учун геодезик асбоблар яратиб келинган. Юқоридаги асбоблар бир хил тартибдаги ишларни бажаради мисол учун координатани аниқлашда GPS асбоби орқали аниқланади. Leica Nova MS50 асбобида координатани аниқлайди тахеометр асбобининг ишларини бажаради. Агар бирор объектнинг съёмкаси ва лойиха кўриниши керак бўлса, танлаган ҳудудимизнинг тўрта тамони чегара қилиб олиниб, асбобнинг ўзи фо-

тотеодолит яъни сканер қилиб қолган тамонларини ўлчаш учун буйруқ берсак асбобнинг ўзи ўлчаш ишларини амалга ошириб секундига 1000 тагача нукталар билан белгилайди. Сканер қилишда 1000 м узокликкача бўлган масофагача сканер қилади. Leica Nova MS50 асбоби нур қайтаргич қўйилмаганда 2000 м масофагача ўлчайди, нур қайтаргич қўйганимизда призма бўйича 10000 м, тезлиги 1,5 сек нур қайтаргичсиз қўйганимизда 3-4 сек. Дала ишларини амалга оширганимиздан сўнг, яъни сканерланган нукталар тўпламини 3Д модел шаклида кўрсатиш имконияти мавжуд.

Мисол тўқилма (шағал) бўлса асбоб билан тўқилмани ўлчаб дастур орқали канча ҳажмда тўқилма (шағал) борлигини аниқлашимиз мумкин. Ёки қатта сифимли қозонларнинг неча тоннагача кетишини аниқлаб беради. Нукталар автомат равишда назорат қилиш функцияси 1 нуктанинг координатасини бир неча нуктадан аниқлаганда барча координаталарни текширади ва рухсат этилган қийматдан ошмаса ишга рухсат этилади. Асбобда блутуз ва интернет орқали алоқага кириши учун модемлар ҳам ўрнатилган. Асбобни масофадан бошқариш ва нур қайтаргичсиз автоматлаштирилган режимда ишлаши сабабли ишчи кучи (рейкачи) зарур эмас. Бу техника хавфсизлиги (атом электростанцияси, авария ҳолатидаги бинолар, карьерлар ва бошқа) учун ҳам жуда қулай. Алоҳида камера жойлаштирилган, шу сабабли стереотопографик съёмкани бажариш имконияти мавжуд.



Меъморий-обидаларнинг, баланд трубалар ва сув тўғонлари ҳолатини (чўкиши, деформация ва турли ўзгаришлар (девор ёриқлари)) ни текшириш ва назорат қилиш мумкин. Бориб бўлмайдиган жойлар масофасини ўлчаш.



Зарурияти туғилганда асбобни кечаюкундуз (24 соат) ишлатиш мумкин. Асбобда ички ва ташқи аккумулятор батареякалари мавжуд ва улар бир бирига умуман боғлиқ эмас. Ҳоҳлаган вақтда алмаштириш ёки янгисини қўйиш имкони мавжуд. Асбобни ишлатишнинг ишчи температура диапазони -20° дан $+50^{\circ}$ гача.



Leica Nova MS50 асбобига сиз рухсат берсангиз ишлашди, яъни махсус кодланган ва

УДК 656.13.

АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИНИНГ МИНТАҚАЛАРИ ВА УСТАХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТУФАЙЛИ ПАЙДО БЎЛАДИГАН ЗАРАРЛИ ЧИҚИНДИЛАР МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ

Уралбаев А.У. Омонов М.Б. (СамДАҚИ);
Адилов О. К., Исломов Ш. Э., Нуруллаев У.А., Хасанов Б.И. (ЖизПИ)

В статье приводятся положения разработанных методических рекомендаций и результаты применения их в производстве в целях усовершенствования экологической безопасности движения автомобильного транспорта.

Working out (Elaboration) of methodical recommendations and the application of their results in production to increase the traffic security in Transport Parks.

Автотранспорт тармоқ корхоналари ва Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаларининг энг кўп зарарли моддалар ҳосил қилувчи минтақалари ва устакхоналари қуйидагилар ҳисобланади.

ишлаб чиқарувчи Leica фирмасида рўйхатга қўйилган, уч матра код нотўғри киритилса автоматик равишда блокланади ва ишлаб чиқарувчи серверига хабар юборилади шу орқали асбоб каерда жойлашганлиги GPS радарлари ёрдамида аниқланади.

Leica Nova MS50 асбоби барча масалаларни ечишда энг қулай ва ишончли ечим.



Адабиётлар:

WWW.Leica-geosystems.com

- Диагностика пости
- Двигателларни синаш участкаси

Бўёқчилик минтақасида ҳосил бўладиган зарарли чиқиндилар миқдорини ҳисоблаш.

Автомобилларнинг кузови, агрегатлари ва деталларининг юзасини бўёқ ва лак билан қоплаш ва уни қуритиш жараёнида атмосфера-ни ифлослантирувчи бир қатор зарарли моддалар ажралиб чиқади, жумладан ацетон, бутил ацетат, ксилол, стирол, этилбензол, амил спирт, уайт-спирт, этилцеллозоль, амилацетат, толуол, диоксан, метанол, пропанол, этилметилбензол, C₁–C₁₀ углеводородлар каби 20 дан ортиқ учувчан бирикмалар буг ва газ кўринишида атмосфера ҳавосига чиқариб юборилади. [1].

Лак ва бўёқ материаллар таркибидаги ифлослантирувчи моддалар ташламасининг миқдори қопламани суркаш усулига, қўлланиладиган жиҳозларнинг иш унумдорлигига, қопламанинг қалинлигига, ифлослантирувчи моддаларни ушлаб қолувчи ёки нейтралловчи воситаларнинг мавжудлигига ва бошқа бир қатор субъектив омилларга боғлиқ.

Дастлабки ҳисобларда лак ва бўёқ материалларининг ёки эритувчиларнинг учувчан бирикмалари бўйлаб ва қуритиш жараёнида тўлиқ равишда газсимон ҳолатга ўтиб кетади деб қабул қилинади.

Дастлабки маълумотлар сифатида лак ва бўёқ материалларининг режавий ёки ҳақиқий сарфи, улардаги учувчан бирикмаларнинг таркибий улуши, учувчан бирикмаларни тозаланиш даражаси каби кўрсаткичлар эътиборга олинади.

Манба орқали атмосферага ташланаётган ифлосланишларни ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади. [3].

Махсус газ тозалаш қурилмалари қўлланилмаган ҳолларда, лак ва бўёқ материаллари билан автомобил кузови ва деталларини қоплаш давомида ажралиб чиқадиган ва атмосфера ҳавосига қўшилиб кетадиган аэрозоллар миқдори қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$M_a = M_k \cdot f_a \cdot f_T \cdot 10^{-4}, \text{ т} \quad (1)$$

Бу ерда: M_k - қоплаш учун ишлатиладиган лак ва бўёқ материаллари массаси, Т; f_a - аэрозол кўринишида йўқотилган лак ва бўёқ материалларининг сарфланиш улуши, %.

f_T -лак ва бўёқ материаллари қаттиқ таркибининг улуши, %.

Газ тозалаш ускуналари қўлланилган ҳолларда ажралиб чиқадиган аэрозоллар

миқдори қуйидагича аниқланади:

$$M_a = M_k \cdot f_a \cdot f_T (1 - n) \cdot 10^{-4}, \text{ Т} \quad (2)$$

бу ерда: n –тозалаш даражасининг бирлик усули.

Махсус газ тозалаш қурилмалари қўлланилмаган ҳолларда, лак ва бўёқ материалларининг учувчан бирикмалари таркибидаги ифлослантирувчи моддаларнинг умумий миқдори қуйидагича аниқланади:

$$M_a = M_k \cdot f_p \cdot f_{p.o} \cdot 10^{-4}, \text{ т} \quad (3)$$

бу ерда : f_p -лак ва бўёқ материалларининг умумий массасига нисбатан учувчан бирикмаларнинг улуши, %. $f_{p.o}$ - лак ва бўёқ материаларидаги эритувчиларнинг умумий таркибига нисбатан учувчан бирикмаларнинг улуши, %.

Худди шу ҳол учун қопланган лак ва бўёқ материалларини қуритиш пайтида учувчан бирикмалардан ажралиб чиқадиган ифлосланувчи моддаларнинг умумий миқдори қуйидагича аниқланади.

$$M_a = M_k \cdot f_p \cdot f_{p.c} \cdot 10^{-4}, \text{ т} \quad (4)$$

бу ерда: $f_{p.c}$ -қопланган лак ва бўёқ материалларини қуритиш пайтида эритмаларнинг умумий миқдorigа нисбатан учувчан бирикмаларнинг улуши, %

Агар лак ва бўёқ материалларидаги учувчан бирикмалар таркибидаги ифлослантирувчи моддалар миқдори эътиборга олинса, у ҳолда:

-қопланиш пайтидаги йўқотишлар миқдори, Т.

$$M_a = M_k \cdot f_p \cdot f_{p.o} \cdot f_k \cdot 10^{-6}, \text{ т} \quad (5)$$

-қуритиш пайтидаги йўқотишлар миқдори, Т:

$$M_a = M_k \cdot f_p \cdot f_{p.c} \cdot f_k \cdot 10^{-6} \text{ т} \quad (6)$$

бу ерда: f_k -лак ва бўёқ материаллари учувчан бирикмалари таркибидаги ифлослантирувчи моддалар миқдорининг улуши, %

Махсус газ тозалаш қурилмалари қўлланилган ҳолларда:

-қопланиш пайтидаги йўқотишлар миқдори, Т

$$M_{ок} = M_k \cdot f_p \cdot f_{p.o} \cdot f_k (1 - n) \cdot 10^{-6} \text{ т} \quad (7)$$

-қуритиш пайтидаги йўқотишлар миқдори, Т

$$M_a = M_k \cdot f_p \cdot f_{p.c} \cdot f_k (1 - n) \cdot 10^{-6} \text{ т} \quad (8)$$

Лак ва бўёқ материаллари учувчан бирикмалари таркибидаги ифлослантирувчи моддаларнинг умумий миқдори қуйидагича аниқланади;

$$M_{об} = M_{о.к} + M_{с.к} \quad (9)$$

Агар бир қават бўёқ қопланиш керак бўлган юзанинг умумий майдони ва газ тозалаш қурилмаси бўлмаган ҳолда атмосфера ҳавосига ажралиб чиқадиган ифлослантирувчи моддаларнинг солиштира миқдори маълум бўлса, у ҳолда

$$M_{окр} = \sum_{i=1}^n g_{ig} \cdot F_{ij} \cdot 10^{-6} \text{ т} \quad (10)$$

бу ерда: g_{ig} - i -турдаги лак ва бўёқ материаллари j -технологик жараён билан юзаларни қоплаш пайтида ажралиб чиқадиган ифлослантирувчи моддаларнинг солиштира миқдори, г/м²;

F_{ij} -лак ва бўёқ материаллари билан қопланадиган юза майдонининг ўлчами, мм².

Вакт бирлиги ичида атмосферага чиқариб ташланадиган зарарли моддалар миқдори қуйидагича ҳисобланади.

$$M_k = M_{с.т} \frac{1000}{60t}, \text{ г/с} \quad (11)$$

бу ерда: $M_{с.т}$ -ОНД-86 тавсияга биноан 30-минутдан ортиқ бўлмаган ўртача ораликни ҳисобга олган ҳолда t –минут вақт ичида қоплама ҳосил қилиш технологик жараёнида лак ва бўёқ материалларининг сарфланиш миқдори, кг; t –технологик жараён учун вақт, минут;

Шундай қилиб, вақт бирлиги ичида атмосферага чиқариб юбориладиган бўёқ аэрозоллари миқдори қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$M_a = 0,56 \cdot M_k \cdot f_a \cdot f_T \cdot 10^{-4} \quad (12)$$

бу ерда: M_k - бўёқ қопламасини ҳосил қилиш учун 30 минутлик технологик жараён давомида фойдаланиладиган лак ва бўёқ материалларининг массаси, кг.

Шинамонтаж минтақасида ҳосил бўладиган зарарли чиқиндилар миқдорини ҳисоблаш.

Автомобиль ғилдирак шиналарини таъмирлашда махсус резиналаридан фойдаланилади; шина камераларини ямашда эсавулканланувчан резиналар ишлатилади. Одатда таъмирлаш материаллари ўз жойига елиглаб ёпиштирилгач, улар 140 °С ҳарорат остида вулканизация жараёнига жалб этилади. [5].

Вулканизация жараёнида углерод оксидлари, олтингугурт ангидриди ва бошқа зарарли моддалар ажралиб чиқади.

Ушбу жараёнда, қўлланиладиган жиҳозларнинг бирлик ишлаш вақтига боғлиқ ҳолда атмосферага ажралиб чиқариладиган зарарли моддалар миқдори қуйидагича

аниқланади:

$$M_1^x = K_x \cdot B_x \cdot T_x \cdot 10^{-3}, \text{ кг/йил} \quad (13)$$

бу ерда: K_x - зарарли моддалар ажралиб чиқишининг солиштира кўрсаткичи, г/кг; B_x - сарфланадиган материалларнинг массаси, кг/соат; T_x - жиҳозларнинг иш вақти, соат/йил.

Органик бўлмаган чанг, яъни талклаш жараёнида ажралиб чиқадиган чанг миқдори қуйидагича ҳисобланади:

$$Q = K_1 \cdot K_2 \cdot K_3 \cdot G \text{ т/йил} \quad (14)$$

бу ерда: $K_1=0,2$ –талкнинг эговланиш коэффиценти, $K_2=0,35$ –талкни идишларга жойлаш, тортиш ва ташиш пайтида унинг йўқолишини ҳисобга олувчи коэффиценти; $K_3=0,2$ –маҳаллий йўқотишлар коэффиценти; G - қуруқ талклаш учун сарфланадиган талкнинг миқдори, т/йил;

Олтингугурт ангидридининг ажралиш миқдори эса қуйидагичадир.

1. 1т резина маҳсулотини қиздиришда–0,9 г/т.

2. 1т резина маҳсулотини шприц орқали сиқиб чиқаришда-1,35 г/т;

3. 1т резина маҳсулотини вулканлашда–3,88 г/т.

Пайвандлаш минтақасида ҳосил бўладиган зарарли чиқиндилар миқдорини ҳисоблаш.

Автомобил кузовлари, радиатори, шасси қисмлари ва айрим деталларини таъмирлашда ёки уларни қайта тиклашда металлларни кесиб олиш ва уларни бир–бирига пайвандлашда қуйидаги ишлар бажарилади:

- металлларни эритиш ва кесиб олиш;
- ёйсимон, газли ва плазмали пайвандлаш;
- ишқаланиш орқали пайвандлаш.

Металлларни эритиш, кесиб олиш ва пайвандлаш чоғида атмосферага қуйидаги зарарли моддалар ажралиб чиқади:

- металл оксидлари;
- азот оксидлари;
- углерод оксидлари;
- фтор водород газли.

Ушбу жараёнда қўлланиладиган пайвандлаш жиҳозларининг бирлик иш вақтига боғлиқ ҳолда атмосферага ажралиб чиқариладиган зарарли моддалар миқдори қуйидагича аниқланади.

$$M_1^y = K_y \cdot B_y \cdot T_y \cdot 10^{-3}, \text{ кг/йил} \quad (15)$$

бу ерда: K_y –пайвандлаш ва кесиш жараёнида зарарли моддалар ажралиб чиқишини солиштира кўрсаткичи, г/кг. B_y –сарфладиган

материалнинг массаси, кг/соат; T_y - жиҳозларнинг иш вақти, соат/йил.

Автомобилларнинг йўлга чиқишида тартибсизлик ва техник носоз транспортларнинг эксплуатация қилинишда экологик муоммаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда, автомобилларнинг турли шаҳар ва шаҳар четидаги йўлларда ҳаракатланиши учун вақтнинг асосий қисмидан фойдаланилганлиги сабабли ушбу режимда энг кўп зарарли моддалар ҳосил бўлиш ва муҳитнинг бузилишига олиб келмоқда. Ишлатилган газлар таркибининг жуда кичик миқдори ҳам кучли захарловчи таъсирга эга бўлгани учун, автомобилларнинг йўллардаги ҳаракатланишини назаротга олиш тавсия этилади.

Шу нуқтаи назардан ҳозирда мавжуд барча транспорт тармоқ корхоналарини мужассамлашган устахоналар, назорат жойлари билан

такомиллаштириш талаб этилади.

Адабиётлар.

1. Отабоев Ш. Экология дин ва саломатлик.- Т.: Ислон университети, 2007.
2. Вишневский Е.В., Машин Г.Р. Экология и страхование. -М.: ТИССО- Полиграф, 2005-128с.
3. Абдуазизов Т. Автотранспорт экологияси. Монография. Жиззах 2011
4. Прудовский Б.Д., Ухарский В.Б. Управление технической эксплуатацией автомобилей по нормативным показателям. М.: Транспорт, 1990.- 145 стр.
5. Адилов О, Исломов Ш, Суонқулов Ш, Адилов Ж. Транспорт воситаларидан ажралиб чиқдиган зарарли моддалар миқдорини иқлимга таъсири ва уни муҳофаза қилиш бўйича сервис бошқарув тизмида монитор хизмати "Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш муаммолари" Республика илмий – амалий анжуман, Самарқанд. СамИИ ва СИ. 2013. 119-122 б.

АВТОМОБИЛЛАР УЧУН ЭКОЛОГИК ТОЗА ЁҚИЛҒИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Суванқулов Ш А., Убайдуллаев С.А., катта ўқитувчилар;
Камолов Ш., Рўзиева Ш., Зокиров С., магистрантлар (ЖизПИ)

В статье приведены методические рекомендации по использованию альтернативных видов топлива автомобильным транспортом, а также результаты их внедрения.

This paper provides designing methodical recommendations and using their results to exploitation alternative fuel in automobile transport.

Экологик муаммоларни кескинлашуви, қайта тикланмайдиган энергия захирасининг тобора камайиб бориши, уларнинг таннархи ошиши, органик чиқиндиларни қайта ишлаш, уларни иссиқлик ва бошқа турдаги энергияга айлантириш муаммосини тезроқ ҳал қилишни биотехнологиянинг энг долзарб масалалари қаторига кўтариб қўйди. Маълумки, ҳайвонлар ўсимликлар асосида яратилган озуқа энергиясини қийин ҳазм қилади ва уларнинг ярмидан кўпроғи организмга сўрилмасдан ахлат, гўнг ҳолатида чиқиб кетади. Энг аввало ҳайвонлардан чиққан бу чиқиндидан органик ўғит сифатида фойдаланилади. Шунингдек, ушбу чиқиндилардан энергия манбаи сифатида фойдаланса бўлади. [1].

Транспорти мажмуасидаги асосий ҳаракатланувчи таркиб ҳисобланган автомобиль транспорт воситаларининг 86 фоизи нефт маҳсулотларидан олинандиган энергия ҳисобига ишлаб келмоқда. Айнан шу сабабли автотранспорт воситаларининг двигателларидан ажралиб чиқаётган ифлослантирувчи моддаларнинг концентрацияси руҳсат этилган меъёрдан ошиб кетмоқда. Кўчма, яъни қўзғал

лувчан манбалар (транспорт воситалари) дан ажралиб чиқаётган чиқиндиларнинг 70,4 % ини углерод оксиди, 13,2 % ини углеводородлар ва 8,2 % дан кўпроғини азод оксидлари ташкил этмоқда.

Табий газдан мотор ёнилғиси ўрнида фойдаланилганда автомобилларнинг техник-эксплуатация ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланиб қолиши билан бир қаторда, атроф-муҳитнинг ёниш маҳсулотлари билан ифлосланиш даражаси пасаяди. [2].

Нефт ва газ маҳсуотларининг захираси чекланганлигини ҳисобга олсак, автомобил транспортда ёнилғи маҳсулотларининг ўрнини боса оладиган алтернатив ёнилғи турларига эҳтиёж борлиги сезилади.

Бугунги кунда органик чиқиндилардан ажралиб чиққан биогаздан метан газини олиш технологияси лойиҳаси амалга оширилса, шаҳар аҳолисининг бир қисми ёки саноат объектларини ҳамда кишлоқ хўжалиги тармоқларини экологик тоза ёқилғи ва юқори самарали ўғитлар билан таъминлаш имконияти пайдо бўлади.

Органик чиқиндилардан ажралиб чиққан

биогазdan метан газини олиш технологиясини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан самара бериши билан бир қаторда жамиятнинг барқарор ривожланишига улуш қўшади ва муҳит ўзгаришларининг олдини олади.

